

Пулат Носиров

ЎЗБЕК ХУТҚ МАДАНИЯТИ

ТОШКЕНТ – 2004

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ПУЛАТ НОСИРОВ

ЎЗБЕК НУТҚ МАДАНИЯТИ

*Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан
ўқув қўлланма сифатида тавсия этилган*

ТОШКЕНТ – 2004

37(02)
H-80.

Носиров П. Ўзбек нутқ маданияти. (Ўқув қўлланма). Т.: «ЎАЖБНТ» Маркази, 2004, 197-б.

Мазкур қўлланма техника олий ўқув юрларининг «Касбий таълим» кафедралари, шунингдек, университет ва педагогика олий касб таълими факультетлари талабалари учун мўлжалланган бўлиб, унда талабалар «Ўзбек нутқ маданияти» фанидан касб таълимига оид билимларни эгаллашлари лозим бўлган малака ва кўникмалар минимуми белгилаб берилган. Ўқув қўлланма таълим соҳасидаги ислохотлар, касб таълими ва уни амалга ошираётган педагогик кадрларга замонавий талабларни ҳисобга олиб яратилган.

Тақризчилар: проф. Ж.Ҳасанбоев, проф. Х.Тллашев.

Библиотека
СамСХИ
Инд № 34 2058.

МУҚАДДИМА

*Бир дўстки, ҳеч кимга бермаган азоб,
Узоқ синаб кўрдим, билсанг у китоб.
Сирни яширмайди ўқувчисидан,
Хабар берар сенга ёзувчисидан.
Хилватда сен билан бўлиб улфат,
Жимгина қуради ёқимли суҳбат.
Ҳеч кимдан қолишмас билимли аҳбоб,
Ундан сўрамасанг бермайди жавоб.*

Кимки китобга кўп боқса, китоб унинг зехинини очади, завқини оширади, сўзга чечан қилади. Китоб ёлғизликдаги энг мунис ҳамдамдир. Китоб ўтмишдан ҳам, келажакдан ҳам хабар берувчидир. Китоб инсондан ҳеч нарса тиламайди, аммо уни камолга етказди. Китоб одохлақнинг кони, билимнинг эса булоғидир.

Эй, азиз китобхон! Киши учун китобдан азизроқ ва ёқимлироқ суҳбатдош йўқдир. Китоб фасоҳат, баалоғатда тенги йўқ, мунофиқликдан холи ҳамроҳдир. Ёлғизликда ва ғамгин кунларда мунис улфатдир. Унда на нифоқ ва на гина бор. У шундай ҳамдамки, сўзларида ёлғон ва хато бўлмайди, суҳбатидан эса кишига малоллик етмайди. У ўз дўстининг дилини оғритмайди, юрагини эса сиқмайди. У шундай рафиқдирки, киши орқасидан ғийбат қилиб юрмайди. Унинг суҳбатидан сенга шундай файзли фойдалар етадики, бундай фойдани одамлардан топа олмайсан. Аксинча, баъзи одамлар суҳбатидан кишига зарар етади.

Китобдек дўст ичида барча илму ҳилм мужассамдирки, у кишиларни ўтмишдан ва келажакдан огоҳ қилиб туради. Шунинг учун ҳам: «Китоб ақл қалъасидир!», — деганлар.

Илм бобида ниманики эшитсанг, ёзиб қўй. Қоғоз бўлмаса, деворга бўлса ҳам ёз! Чунки ёдланган нарса унутилади, ёзилган нарса эса абадий қолади.

Чиройли хат камбағал кишилар учун мол, бадавлат кишилар учун ҳусну жамол, олим кишилар учун камол ҳисобланади. Қуролларнинг фойдалироғи қалам ҳисобланади.

Замонамизнинг забардаст халқ шоири Эркин Воҳидов бу қурол ҳақида шундай деган:

*Сен даставвал ойболта булдинг,
Сунг замбарак булиб қуюлдинг.
Қилич ҳам сен, милтиқ ва наган,
Ҳатто бомба булиб портлаган.
Лекин олди жаҳонни фақат,
Перо булиб қуюлгач пулат!*

Мен актёрман! Актёрнинг сўзи — унинг юзи-кўзи ва узи! Балиқ сув билан — артист сўз билан тирик. Сўзи учган куни — актёрнинг ҳам номи учган бўлади. Сўзинг қадрлими, замондош?! Ҳаётда ўрнинг борми? Элнинг юзига тик боқа оласанми? Бу йулда камикўстинг бўлса, (кимда йўқ у?)уксинма, азизим. Сени ишонтириб айтаманки, мамлакатда бизнинг муқаддас имонимиз — сўзнинг қадри учун шерлар наъра тортиб, мардлар майдонга тушмоқдалар!... Халқ шоири Абдулла Ориф: «Қачон халқ бўласан, оломон!» — деб наъра тортса, «Мен миллатпарастман», — деб айюҳаннос солмоқда шоира Зулфия Мумин қизи.

Уларга мен ишонаман, бу сафда мен биргаман! Ҳақиқат учун курашмоқни — гашт, ҳалол сўзни — имон билганлар орасидаман. Бошингни мағрур тут — номинг талаба. Сенинг бағрингга ҳам қуёш нури тегмоқда. Келажаги буюк Ватан фарзандисан. Жаҳон илм-гоҳларининг дарвозаси очилди. «Талаб ул илм, фаризатун алоқулли муслиму-муслиматан!»

*Илм олмоқ фарз эрур бирдек,
Мусулмоннинг эрлари-ю, аёлларига.*

Ҳадис.

КИРИШ

Нутқ маданияти инсон тафаккурининг маҳсули бўлиб, жамият маданий тараққиёти ва миллат маънавий камолотининг муҳим белгисидир. Ўзбекистонда маънавий-маърифий ислоҳотлар давлат сиёсатининг устувор йўналиши деб эълон қилинган бугунги кунда нутқ маданияти масалалари ҳар қачонгидан ҳам долзарблик касб этади.

Барча соҳалар каби ўзбек тилимиз ва у билан боғлиқ муаммолар ҳам аста-секин ўз ечимини топмоқда. Хусусан, нутқ маданиятига доир масалаларни ҳал қилишда тилшунос олимларимизнинг меҳнатлари, изланишлари таҳсинга лойиқдир. Таниқли тилшунос олим Низомиддин Маҳмудовнинг «Тил», «Маърифат манзиллари» номли, Нусратилла Жумаҳужанинг «Истиқлол ва она тилимиз» каби рисоалари ана шу соҳадаги изланишларнинг ёрқин мисолидир.

Ўзбек халқи узоқ ўтмишдан таълим-тарбия хусусида бой меросга эга бўлиб, авлодларда инсонпарварлик, камтарлик, меҳнатсеварлик, дўстлик, меҳроқибат, биродарлик, каттага иззат, кичикка ҳурмат каби умуминсоний фазилатларни тарбиялаб келган. Шарқ мутафаккирларининг таълим-тарбияга доир асарлари ҳам ана шу бой мероснинг туб негизини ташкил этади. Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қуталарнинг» («Бахт келтирувчи билим») асари XII асрдаги ажойиб ёдгорлик бўлган. Кайковуснинг «Қобуснома» асари ҳам бу фикримизга яққол мисол бўла олади.

Беҳисоб шукроналар булсинки, миллий истиқлол туфайли ўзбек халқининг ҳам курагига шабада теғди, тарихимизга, маданиятимизга янгича кўз билан қарай

бошладик. Шунингдек, уз счимини кутаётган муам-
моларни ижобий ҳал қилишга бел боғладик.

Республикамизнинг «Давлат тили ҳақида»ги,
«Таълим тўғрисида»ги Қонунлари, кадрлар тайёрлаш
миллий дастури ва бошқа ҳужжатларда маънавий-
маърифий тарбия, тил масалаларига алоҳида эъти-
бор берилган. Ҳар қандай кадр, энг аввало, уз она
тилининг чинакам соҳиби бўлмоғи лозим.

Президентимиз И.А.Каримов Ўзбекистон Республи-
каси Олий Мажлисининг 1997 йил 29 августдаги IX
сессиясида сўзлаган нутқида: «Уз фикрини равон, гузал
ва лўнда ифода эта олмайдиган мутахассисни,
авваламбор, раҳбар курсисида ўтирганларни бугун ту-
шуниш ҳам, оқлаш ҳам қийин», — деб таъкидлайди.
(И.А.Каримов. «Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққи-
ёти пойдевори». Т., 1997, 9-бет).

Бугунги кунда нутқ маданияти курси барча ўқув
масканларида ва олий ўқув юртларида, шунингдек,
бизнинг кимё-технология институтида ҳам ўргатили-
ши қувонарлидир. Нутқ маданияти ҳозирги давр тил-
шунослик фанининг долзарб муаммоларидан бири-
дир. Бу муаммони ҳал этиш умуммаданиятимиз та-
раққиёти, шунингдек, олий ва ўрта махсус ўқув юрт-
ларида, ўрта мактаблар ва умуман дарс ўтиш жараё-
нини яхшилаш билан ҳам боғлиқ. Чунки нотиклик
санъати сирларини ўрганиш ва уз фикрини баён қила-
ётган ҳар бир тил воситасини керакли ва лозим бўлган
ўринда қўллаш мантиқан барча соҳада хизмат қилув-
чи ҳар бир мутахассис учун, умуман, ҳар қандай ма-
даниятли киши учун ҳаётий зарурият, деб ҳисобла-
ниши керак. Ўзбек адабий тили ва унинг меъёрлари-
ни илмий ўрганиш ҳам ўзбек нутқ маданияти соҳаси
учун ниҳоятда муҳимдир. Адабий тилимизнинг ривож-
ланиш қонуниятларини, адабий тил меъёрларининг
умумий ҳолатини, ундаги турғун ва нотур-ғун
ҳодисаларни чуқурроқ текширмай туриб, адабий

тилнинг нутқ маданияти ҳақида гапириш мутлақо мумкин эмас.

Тил ҳам, феъл-атвор ҳам одамга қон билан кириб, унинг бутун жисму жонига таралиб кетувчи анъаналар экан, буларга эътибор бермаслик ҳамниша катта-катта фожиаларни келтириб чиқаради.

«Нутқ маданияти асослари» фанининг асосий таянчи ҳозирги ўзбек адабий тилининг грамматикасидир. Нутқ маданияти тилшуносликнинг фонетика, синтаксис, лексикология бўлимлари билан чамбарчас боғланган ҳамда психология, мантиқ, эстетика, бадиий адабиёт назарияси, адабиётшунослик ва бадиий танқид билан ҳам алоқадордир.

Сўзловчининг, яъни нотикнинг тингловчи билан фикран туқнашувларида, ўзи бошқаларнинг тақдири учун курашишида, ниҳоят муддаога эришишда нотик учун сўз асосий қуроллардан биридир. Сўз – тафаккур хазинасининг кўзгуси бўлиб, ногик учун фақат фикрни ифодалаш воситасигина бўлиб қолмай, балки мавзуни фаол ифодалайдиган асосий омил ҳамдир.

Битта сўз оламни ваирон қилади,

Битта сўз қурқоқни полвон қилади.

Жалолиддин Румий.

Сўзнинг маъноси қанчалик аниқ ва ўткир бўлса, шунчалик таъсирчан бўлиб, кўзланган мақсадни амалга оширишни осонлаштиради. Шунинг учун ҳам сўзлардан гап тузиб, сўзловчи-нотикдан сўзга катта масъулият ва юксик дид билан қараш талаб этилади. Вазифа шуки, ҳаётда ҳам, санъат ва техника билимгоҳларида ҳам мазкур масалага, яъни сўз топиб, ўрнида, вақтида, аниқ ва гузал қилиб сўзлаш масаласига жиддий эътибор берилса, ижобий натижа бериши шубҳасиздир. Зеро, нотик олдида турган энг муҳим вазифалардан бири нутқнинг хилма-хил услуб ва бой шаклларини топишдир.

Сўзни кўнгулда пиширмагунча тилга келтирма,
Ва ҳар неким кўнгулга келса, тилга сурма...

Юсуф Хос Ҳожиб.

Аввал уйла, кейин сўйла.

Мақол.

Сўз — қурол, мақсад эса кўнгил, кўнгил уртанмаса,
эҳтиросларга тўлмаса, сўзда таъсир бўлмайди.

Ж. Румий.

1-МАЪРУЗА

I. “НУТҚ МАДАНИЯТИ АСОСЛАРИ” КУРСИНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

II. Режа:

1. Нутқ маданияти тушунчаси.
2. Тил ва нутқнинг муҳим вазифалари.
3. Тил бойлиги ва нутқ бойлиги.
4. Нутқ маданияти ҳаётий зарурат сифати-
да.
5. Нутқ маданияти тарихидан.
6. Тил ва нутқ қисси.

III. Мустақил ўқиб ўрганиш учун адабиётлар:

1. И.Каримов .Баркамол авлод орзуси. Тошкент, 2000.
2. Аҳмедов А. «Тил бойлиги». Тошкент, 1968.
3. Головин В.Н. «Основы культуры речи». М. 1980.
4. Маҳмудов Н. Маърифат манзиллари. Тошкент, 1999.
5. Маҳмудов Н. “Ўзбек нутқи маданияти ва услубияти асослари”. 1998.
6. Тожиев Ё., Ҳасанова Н., Тожиматов Х. «Нутқ маданияти ва услубияти асослари». Тошкент, 1994.
7. Қудратов Т. Нутқ маданияти асослари. Тошкент, 1993.
8. Қўнғуров Р., Бегматов Э., Тожиев Ё. Нутқ маданияти ва услубияти асослари. Тошкент, 1992.

IV. Таянч сўз ва иборалар:

- Омманинг умуммаънавий савияси.
Маданий нутқ маънаси.
Лингвистик маъно — тор маъно.

Талаффуз, урғу, сүз ишлатиш, гап тузатиш, ифодали уқиш.

Нутқ фазилати.

Юқори мансабга кутарилиш нотиқлик

санъатига боғлиқ.

Ақл калити — тил.

Сүзнинг пири — тил.

Юзнинг кўрки кўз — тилнинг кўрки сүз.

V. Луғат:

Аруз — (арабча) шеър тузилишида қисқа ва чўзиқ ҳижо (бўгин)ларнинг маълум тартибда гуруҳланиб, такрорланиб келишига асосланган вазн тизими. Аруз вазни.

Мантиқ — (арабча) тафаккур шакли ва қонунлари ҳақидаги фан — логика.

Назм — (арабча) шеърий асар: шеърий жанри, шеър улчови.

Наср — (арабча) проза, прозаик асар, проза жари.

Наҳв — (арабча) синтаксис, грамматика.

VI. Назорат саволлари:

1. Нутқ маданияти ҳақидаги таълимот қадимда қаерда ривожланган?

2. Шарқда нутқ маданияти масалалари билан шуғулланган мутафаккирлардан кимларни биласиз?

3. Нутқ маданияти фанини (курсини) уқитишдан мақсад нима?

4. Бу курснинг мақсад ва вазифалари нималардан иборат?

5. Фикр қарамлиги, тафаккур қуллиги деганда нима тушунасиз?

6. Тил нима-ю, нутқ нима?

7. Нутқ маданияти (маданий нутқ) тушунчасини шарҳланг.

8. Тил ва нутқ бойлигини тушунтиринг.
9. Тил хатоси нима-ю, нутқ хатоси нима?

VII. Маърузанинг мазмуни:

Нутқ маданияти асослари курсининг асосий мақсади — омманинг умуммаданий савиясини юксалтиришга ҳисса қўшишдир.

Вазифаси — кишиларда «маданий нутқ» малакасини шакллантириш, яхши нутқни ўрганиш, баҳолаш ҳамда тарғиб қилишдир.

Лингвистик тор маънода Нутқ маданияти — тил меъёрларини эгалламоқ, яъни талаффуз, урғу, суз ишлатиш, гап тузиш қонунларини эгалламоқ, шунингдек, тилнинг тасвирий воситаларидан ҳар хил шариоитларга мос ва мақсадга мувофиқ фойдалана билмоқ, ифодали ўқиш маданиятини эгалламоқдир.

Нутқ маданияти — бизнинг ўзбек тилининг тугамас бойлигини эгаллаш даражамиздир. Инсоният умуммаданиятининг катта қисмини нутқ маданияти ташкил этади. Нутқ маданияти дейилганда, биринчидан, нутқнинг фазилатлари тушунилса, иккинчидан нутқ маданияти — фазилатлари йиғиндиси ва тизими ҳақидаги таълимотни англатади.

Нутқнинг фазилати дейилганда унинг туғрилиги, аниқлиги, мантиқийлиги, ифодавийлиги, бойлиги, софлиги тушунилади.

Нутқ маданиятининг асосий текшириш объекти адабий тил меъёрлари, асосий вазифаси эса ушбу меъёрдаги иккиланишларни бартараф этиш бўлмоғи керак.

Нутқ маданияти ҳақидаги таълимот қадимги Рим ва Афинада шаклланган бўлса ҳам, унга қадар Миср-да, Ассирияда, Вавилон ва Ҳиндистон мамлакатларида пайдо бўлганлиги нотиклик санъати тажрибасидан ва тарихидан маълум. Бу даврда ҳокимиятдаги давлатни бошқаришнинг, савдо-сотиқнинг ва суд ишларининг, ниҳоятда тараққий этиши нотикликни санъат даража-

сига кутарди. Чунки у пайтда давлат арбобларининг обрӯ-эътибори ва юқори лавозимларга кутарилиши уларнинг нотиклик маҳоратига ҳам боғлиқ булган.

Нотиклик санъати саркардалик маҳорати билан баробар даражада улуғланган. Бу икки санъатни мукаммал эгаллаган кишиларгина юқори лавозимларга сайланганлар. Умуман, етук инсон булиш учун, албатта, нотиклик санъатини эгаллагаш шарт қилиб қўйилган. Грек нотиғи Демосфен ва Рим. нотиклари Цицерон, Квинтилиан, Аристотель каби назариётчиларнинг ҳаётлари бунга мисолдир. Улар кишилик жамиятида риторика ва нотиклик санъатининг ўзига хос мактабини яратдилар. Цицероннинг «Нотиклик ҳақида», «Нотик», «Брут» асарлари, Марк Фабий Квинтилианнинг «Нотик билими ҳақида», Аристотелнинг «Риторика» каби асарлари ҳам қадимги Римда маданий нутқ, нотиклик назарияси ривожланганлигини кўрсатувчи бир омилдир.

Ўрта Осиё маданияти тарихида ҳам нутқ маданияти ўзига хос мавқега эга. Шарқда, жумладан, Мовароуннаҳрда нотиклик, воизлик, яъни ваъзхонлик «Қуръон»ни тарғиб қилиш билан муштарақ ҳолда сўзнинг аҳамияти, маъноси ва ундан ўринли фойдаланиш борасида кўп яхши фикрлар айтилган. Ана шу нуқтаи назардан қаралса «нутқ одоби», «муомала маданияти» номлари билан юритилиб келинган нутқ маданияти тушунчаси жуда қадимдан олимлар ва зиёлиларнинг диққатини тортган. Абу Райҳон Беруний, Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Ал Хоразмий, Маҳмуд Қошғарий, Замаҳшарий, Юсуф Хос Хожиб, Аҳмад Югнакий, Суфи Оллоёр, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий каби улуғ сиймолар нутқ одоби масалаларига, умуман, нутққа жиддий эътибор беришга даъват этиш билан бирга тилга, луғатга, грамматикага ва мантиққа оид асарлар ёздилар. Масалан, бизга яқин булган асарлардан домла Уйғун ва Иззат Султоннинг «Алишер Навоий» драмасида шундай сағрлар бор:

Ёмон тил, яхши тил йўқ, барча тил бир,
 Улуғлар олдида бу гап эмас сир.
 Жаҳонга шоҳ асарлар тақдим этган
 Бутун дунёга шуҳрат, донғи кетган
 Фақат форслар эмас, ҳиндлар, араблар,
 Хитой, юнон, булаклар ҳам.
 Бу гаплар аёндир кун каби,
 Биз сўзлаган тил,
 Шу тиллар каби бой ва қобилдир,
 Адолат кўкида мавж айлаган нур.
 Ёритмиш ғам билан тўлган дилингни,
 Ҳақиқат мадҳига бурмиш тилингни.
 Унутма ҳеч қачон офтоб мисоли,
 Адолат барчадин афзал ва олий.



Нокасу ножинс авлодидин киши бўлсин дебон,
 Чекма меҳнат, яхши бўлмас ҳеч касофат олами.
 Ким хўтук бирлан кучукка, қанча қилса тарбият,
 Ит бўлур, эшак бўлур, бўлмаслар асло одами.
 Одами эрсанг, демагил одами,
 Ониким йўқ халқ ғамидин ғами.

Алишер Навоий.

Улуғ шоир Юсуф Хос Ҳожиб туркий халқларнинг
 XII асрдаги ажойиб бадийий ёдгорлиги бўлган «Қута-
 дғу билиг» («Бахт келтирувчи билим») асарида
 сўзларни тўғри танлаш ва тўғри қўллаш ҳақида: «Би-
 либ сўзласа, сўз билиг саналур», — деган эди. Қисқа
 сўзлаш, сўзларга иложи борича кўпроқ юк-
 лаш ҳақида:

Уруш сўзлама сўз, бирор сўзла оз,
 Туман сўз тугунини бу бир сўзла ёз,

дейди. Мазмуни: *А*

Сўзни кўп сўзлама, камроқ сўзла. Туман (минг) тугуниши шу сўз билан еч. Гапиришдан мақсад сўзловчи кўзда тутган нарса, ҳодиса, воқеаларни тингловчига тугри, таъсирчан етказишдан иборат. Шундай экан нутқнинг тугрилиги, равонлиги ва мантиқийлигига эришиш, муҳим аҳамият касб этади. Мутафаккир сўзловчини тилнинг аҳамиятини тушунган ҳолда, ҳовлиқмасдан, сўзнинг маъноларини яхши англаб, нутқни равон ва лўнда тузишга чақиради.

Аҳмад Югнакий (XII-XIII) ҳам сўзлаганда нутқни уйлаб, шошмасдан тузишга, кераксиз, ярамас сўзларни ишлатмасликка, мазмундор сўзлашга чақиради. Нотугри тузилган нутқ учун, нутқ туфайли кейин ҳижолат чекиб юрмагин, деб сўзловчини огоҳлантиради:

*Уқув сўзла, сўзни эва сўзлама,
Сўзинг кезла, кейин бошинг кезлама.*

Мазмуни: сўзни уқиб сўзла, шошиб гапирма, кераксиз, ярамас сўзларни яшир. Ярамас гапинг туфайли кейин бошингни яшириб юрма.

Нутқ одоби деб юритилган қоида ва кўрсатмаларда содда ва ўринли гапириш, қисқа ва мазмундор сўзлаш, эзмалик, ҳуда-беҳуда гапиришни қоралаш, кексалар ва устозлар олдида нутқ одобини сақлаш, тугри, рост ва дадил гапиришнинг юксак ифодасини талқин этиш ва бошқалар ҳақида гап боради.

Абу Райҳон Беруний (973-1048) узининг «Геодезия» асарида ҳар бир фаннинг пайдо бўлиши ва таракқий этиши инсон ҳаётидаги зарурий эҳтиёжлар талаби билан юзага келишини айтади. Унинг фикрича, грамматика, аруз ва мантиқ фанлари ҳам шу эҳтиёжнинг ҳосиласидир.

Ватандошимиз Абу Наср Форобий тугри сўзлаш, тугри мантиқий хулосалар чиқариш, мазмундор ва гузал

нутқ тузишда лексикология, грамматика ва мантиқнинг нақадар аҳамияти зурлиги ҳақида шундай дейди: «Қандай қилиб таълим бериш ва таълим олиш, фикрни қандай ифодалаш, баён этиш, қандай сураш ва қандай жавоб бериш масаласига келганимизда, бу ҳақда билимларнинг энг биринчиси жисмларга ва ҳодисаларга исм берувчи тил ҳақидаги илмларни тасдиқлайман».

1082-1083 йилларда Кайковус томонидан яратилган қадимий Шарқ педагогикасининг ажойиб асарлардан бири ҳисобланган “Қобуснома” да ҳам нутқ одоби ва маданияти ҳақида ибратомус фикрлар айтилган. Асар 44 бобдан иборат бўлиб, унинг 6-7-боблари сўз одоби ҳақидадир. Муаллиф фарзандига қилган насиҳатлари орқали ўқувчини ёқимли, мулоғим, ўринли сўзлашга, беҳуда гапирмасликка ундайди. Сўзлаганда уйлаб, ҳар бир фикрдан келиб чиқадиган хулосани кўз олдига келтириб гапириш кераклигини, киши камтар бўлиши, ўзини халқ орасида оддий, камтар туғиши лозимлигини эслатиб, маҳмадоначилик қилиш, кўп гапириш донолик белгиси эмас... “Эй фарзанд, агар сен ҳар қандай нотик бўлсанг ҳам ўзингни билганлардан пастроқ тутгин, токи сўз билимдонлиги вақтида бекор бўлиб қолмайсан. Кўп билу, оз сўзла, кам билсанг, кўп сўзлама, чунки ақлсиз киши кўп сўзлайди, деганларки, жим ўтириш саломатлик сабабидир. Кўп сўзловчи ақлли одам бўлса ҳам, халқ уни ақлсиз дейди”...

Ўрта Осиё нотиклигининг ўзига хос хусусиятлари шундан иборат эдики, у энг аввал, ўша давр тузумининг манфаатларига хизмат қиларди. Бу даврда нотиклик санъати усталарининг надимлар, воизлар, туяндалар, маддоҳлар, қасидахонлар, муаммоғўйлар, масалғўйлар, бадихағўйлар, қироатхонлар деб юритилиши ҳам ана шундан далолат беради. Аммо тилнинг яратувчиси халқ эканлигини ва унинг энг аввало, халққа хизмат қилишини туғри англоғчи соғлом фикрли кишилар унинг ижтимоий моҳиятини доимо туғри

тушуниб келганлар. Алишер Навоий давлат арбоби сифатида меҳнаткаш халқ олдида қилган нутқлари, унинг тил ҳақида айтган фикрлари бунинг далилидир. Ўзбек мумтоз адабий тилимизнинг ҳомийси бўлган буюк шоир Алишер Навоий туркий тилда гузал нутқ тузишнинг байроқдори сифатида бутун ижоди билан ўзбек тили бойликларини намоён этди. Навоий ўзбек тилида буюк асарлар яратиш мумкинлигини намойиш қилди. Мана бу ширу шакарга қулоқ тутинг.

*Кел эй маҳбуби-матлубим, сенинг ёшинг хазор ўлсун,
Ниқоб очгил кўрай юзинг, жамолинг барқарор ўлсун.*

*Шигуфто фатҳи безоринг, кеча-кундуз сани зоринг.
Ки жаннат ҳурлари доим қошингда шармусор ўлсун.*

*Ароби гуфтаам рихлат, бафорси гуфтаам қаддат,
Ба турки сўзласам бўйинг, чаманда сабзор ўлсун.*

*Ароби гуфтаам айнат, ба форси гуфтаам чашмад,
Ба турки сўзласам кўзинг, саҳарларда хумор ўлсун.*

*Ароби гуфтаам зиҳнат, ба форси гуфтаам ҳамдат,
Ба турки сўзласам куллинг, бу олам мушки бор ўлсун.*

*Ароби гуфтаам яддат, ба форси гуфтаам дастат,
Ба турки сўзласам қўлинг, кушоди корибор ўлсун.*

*Ароби гуфтаам рижлат, ба форси гуфтаам поят,
Ба турки сўзласам бўйинг, Навоий беқарор ўлсун.*



Шоир ўзининг “Муҳокаматул-луғатайн”, “Маҳбул-қулуб”, “Нажмул-жавоҳир” асарларида ўзбек тилида нутқ тузишнинг гузал намуналарини кўрсатиш билан унинг юксалишига ҳам катта ҳисса қўшди. У ўзи

нинг “Маҳбубул-қулуб” асарида шундай дейди: “Тил мунча шараф била нутқнинг олатидир ва ҳам нутқдурки, агар нописанд зоҳир бўлса, бошинг офатидир”. Яъни тил шунча шарафи билан нутқнинг қуролидир, агар у уринсиз ишлатилса, тилнинг офатидир. Алишер Навоий тўғри, қисқа, лўнда, ёқимли, мантиқли, тушунарли, жўяли, аниқ ва таъсирли нутқ ҳақида ўзининг “Арбаин” асарида, шунингдек, “Ҳамса” даги беш дostonнинг ҳар бирида ҳам ажойиб фикрларни айтиб ўтган.

Хулоса қилиб айтганда, ўзбек нутқи маданияти тарихига, жўяли, аниқ ва таъсирли нутқ ҳақида назар ташлайдиган бўлсак, қадимда бу соҳага “Нутқ одоби” номи остида анча кенг эътибор берилганлигини кўра-миз. Кейинги асрларда, айниқса, XIX-XX асрларнинг айрим вақтларида эътибор сусайганлиги кўзга ташланади. Бироқ кейинги йилларда, яъни мустақиллик шарофати билан бу соҳада кўп ишлар қилинмоқда.

«Нутқ маданияти асослари» фани ўзбек тилшунослигининг ўзига хос амалий соҳасидир. У тилшуносликнинг назарий курсларидан олинган билимларга суянган ҳолда тўғри ва чиройли нутқ тузиш йўлларини ўргатади. У тил, тил меъёрлари, нутқнинг сифатлари, нутқий услублар, нутқда учраши мумкин бўлган камчилик ва хатолар, нутқнинг талаффузига доир муаммолар юзасидан баҳс юритади. Нутқ маданияти ҳам фан сифатида ўз текшириш объекти ва вазифаларига эга. Унинг текшириш предмети нутқнинг тил қурилиши, адабий тил меъёрлари, асосий вазифаси эса ушбу меъёрдаги юзланишларни бартараф этиш бўлмоғи лозим. Бу фан адабий меъёрларни яратмайди. Ўзбек миллий адабий тили фаолиятини, унинг ривожланишини кўзатиб боради. Обьектив қонунларни кашф этади, шулар асосида тавсиялар беради.

Тарихий меросимизда яна бир нотик саркарда ҳақида эслатиб ўтишни ихтиёр этмоқчиман. Мустақиллик шарофати билан ўзбек драматургиясида ҳам

буюк Амир Темури образини сахнага олиб чиқдик. 1992 йил январдан бошлаб сиз севган Ўзбек Миллий академик театри (собик Ҳамза) сахнасида жаҳон адабиётининг намоёндаси драматург Франсуа Марлонинг «Амир Темури» асари муваффақият билан сахна юзини кўрди. Шу спектаклда менга муғул саркардаси Амир Жоққу сиймосини яратиш насиб бўлди. Бу саркарда Темури бобомизнинг жасоратли нутқини эшитиб, ўз аскарлари, отлари билан Темури аскарлари сафига қўшилади ва умрининг охиригача Темури билан ёнма-ён жанг қилади. Амир Темурининг охириги Чинмо-Чинга юришида Темури билан бир сафда ҳалок бўлади. Сўзнинг қудратига мисол бўладиган воқеа:

- Мен Турон йўлбошчисини кўрмоғим керак.
- Кимни?
- Соҳибқирон Темури!
- Темурихон мен бўламан.
- Сен Темурихон? (узига) **Қандай улўғ!** Салобатли маъбудаларга хос.

Осмонни ҳам жанг-жадалга чорлаб тургандай!

Унинг бераҳм кузлари ерга қадалган.

Гуё ичида фикрини пишириб турар,

Жаҳаннам қаърини ёриб қиличи билан,

Дузахдан чиқармоқчидай яъжуж-маъжужни.

(Темурига) Ҳукмдор!... Мардлар иши,

Бунақа бўлмайди; Уйқуда ётарканман,

Навкарларинг боғлаб қонга тиқишиди.

Бугилиб ўлишим мумкин эди.

Рубару келганда ҳушёрлигимда,

Итнинг кунини бошига солғон бўлардим.

Мен, ахир саркарда — булук бошлиғи!...

(узига) Ё парвардигор!... Нафаси ўткур.

У тенгсиз. Ҳатто Ҳурмуз ҳам бундай

Сўзламасиди, бу қадарли чечанлик билан!...

Менинг руҳим галати бир сеҳр қўйнида

*Қандай мағрур, жасоратли бу туронликлар!
(Унга) Сўзларингиз билан мендан ғолиб чиқдингиз.
Қўлга олди мардлигингиз, буюклигингиз.
Таслим бўлдим одамларим, отларим билан.
Энди зафар кутадами ёки мағлубият.
Амир Жаққу ажралмайди ҳеч қачон сиздан!...*

Амир Жаққу сиймосини яратиб, 1992 йилнинг «Энг яхши эркак ижрочиси» деган совринга сазовор бўлдим. Амир Темур бобомизнинг нотиклик санъатига ўшанда қойил қолганман.

Пулат Носиров. «Эсдаликлар».

Яна она тилимиз ва нутқимиз ҳақида сўзлашда давом этсак: «Одоб олди — тил» деган сўз бор. Тил ақлнинг калитидир, инсон тили орқали ўзининг яхши ва ёмон фазилатларини намоён этади, узаро муносабатлар жараёнида шахс сифатида шаклланади. Инсонга зарур фазилатлардан бири уз вақтида тилни ва нутқни тарбиялашдир.

Қаро бошинг ёви қизил тилдир, у қанчадан-қанча бошларни еди ва яна ҳам ейди. Бошим омон булсин десаг — тилингни тий, эҳтиёт қил.

Юсуф Хос Ҳожиб.

Тилинг истаган бир кунда бошингни ейди. Тилининг таянчи ҳам, гузаллиги ҳам авваломбор сўз. Сўзга «*Ўзнинг курки — кўз, тилининг курки — сўз*», — деб чиройли таъриф беришган.

Сўзнинг ҳам пири бор дейишади кексалар.

Сўзнинг — отаси ақл, онаси — тил. Демак, сўз ақлдан куч, тилдан ихтиёр, жило, оҳанг олади.

Тил суяксиз бўлса ҳам суякни тебратадиган хосиятга эга. Одамнинг одобли эканлиги, аввало тили билан, кейин тилни орқали куринадиган билими билан улчанади.

Биз кимларгадир фаросатли, фаҳмли, одобли, ақлли, эс-хушли, маданиятли одам деб таърифлаб, баҳо берамиз. Бунга улар одоб доирасидаги муомала маданиятини ушлаштиришлари сабабли эришганлар. Шунинг учун биз: «Уқиб, ақлингни тузат, урганиб сўзингни тузат», — деган насиҳатни ҳамиша ёшлар ёдига сингдириб боришимиз лозим.

Одамга келадиган ун фойданинг туққизи тилдан. Тил бамисоли, асов арғумоқ. Кучинг етиб асовдан зур бўлсанг, арғумоқ айтганингга кўнади, етмаса ўзингни тепиб, майиб қилади.

Кўл югурдаги ошга, тил югурдаги бошга.

Ортиқ туз ошга зарар, ортиқ сўз бошга.

Одам тилидан, мол шохидан илинади.

Англамай сўзлаган, оғримай ўлади.

Ёмғирни кўплиги ерни қуритади, сўзнинг кўплиги эрни.

Боболаримиз шундай сўзларга амал қилишга чорлаганлар. Сўзни тингловчи кулоқ керак, тингловчиси йўқ ерда сўз зоега кетади.

- Гапни гапир уққанга.
- Тингловчиси бўлмаса, сўз етим.
- Сўзни сингадиган ерга қўйиб, сўзни уққан одамга айтган яхши.
- Сўзни ўйламасдан сўзлаш бошга бало келтиради. Сабаби, айтилган сўз отилган уқ.
- Оғиздан чиққан сўзга от билан ҳам қўйиб етолмайсан.
- Уттиз тишдан чиққан сўз, уттиз маҳаллага тарқалади.
- Сўзлагунча сўзингга ўзинг хўжайин, сўзлагач ўзингга сўзинг хўжайин.

· *Сўзлай билсанг қисқа-қисқа, далили билан сўзлаган маъқул.*

· *Сўз қисқа, лўнда ва доно, ишонарли бўлмоғи лозим.*

· *Сўзинг ишонарли бўлмаса, халқдан, яъни тингловчидан ўпкалама.*

Шунинг учун ҳам «*айтилган сўзнинг қудрати — ҳақиқатда*», дейишади. Ўзбек халқи ўтмишда чечан сўзлаган кишиларни ардоқлаган. Сўзга чечанлик санъати бири-бирига карама-қарши кишиларни иноқлаштирган, ёв халқларни бирлаштирган.

Ботир ёвда ўзади — сўзга чечан даврида ўзади.

Нина кўзидан, чечан сўзидан синади.

Чеварнинг кўзи мерган, чечаннинг сўзи мерган.

Оталар сўзи — ақлнинг кузи бўлгани учун ҳам сўзнинг қудрати зарга тенг. Ўзбек халқининг нақл сўзларига, мақол ва маталларига амал қилиш нутқ санъаткорига муқаддас вазифадир. Айниқса, ҳар томонлама ўсиб келаётган она тилимизни янги авлодга ўргатишни ўзимнинг санъаткорлик бурчим деб биламан.

«Зиё» театр студиясида битилган. 1993 йил, май.

Сўзга сайқал бериб, уни уринли қўллай билш каттаю кичикка манзур бўладиган ҳолдир. Сўздан уринли фойдаланиш ва унинг таъсирини кучайтира билш катта санъаткорлик маҳоратини, буюк мураббийликни талаб қилади.

Ҳа, сўзда ҳам сўз бор, албатта. Сўзлар борки, кишига қинот боғлаб, кўкларга кўтарди, сўзлар борки... Врач дўстларимдан бирининг тунги навбатчилигида аҳволи ёмонлашаётган беморнинг ёнига чақиртиришибди. Операциядан сўнг бўладиган меъёрдан оғишни кўрмаган дўстим беморнинг руҳан эзилаётганини, унинг нима-шундир қийналаётганини сезибди. Беморни секин гапга

солиб, сабабини аниқлабди. Беморда бир касал бор деб гумон қилинган экан, лекин бу касаллик диагнози тасдиқланмабди. Палата врачлари кундузи кўрганида: «Ие, сизни бекордан-бекорга чавақлаб ташлашибди-ку. Умрингизнинг ўн йили қисқарди, деяверинг», — дебди. Дўстим беморни обдон текшириб бўлгач:

«Яхшиям вақтида операция қилиб, ўша ёмон касалликнинг сизда йўқлигини аниқлашибди. Камида бир асрни мўлжаллаб яшайверинг энди, умрингиз узоқ булар экан», — дебди дўстим беморнинг руҳини кўтариб.

Ҳа, албатта, сўзда ҳам сўз бор. Сўзни билиб ишлатмоқ нотўқлик санъатига, нотўқлик маданиятига киради.

Ҳозирги ўзбек адабий тилининг тўлиқ шаклланиганлиги ва улкан ижтимоий вазифани бажараётганлиги ҳеч биримизга сир эмас. Бу тил диёримиз вакиллари учун умумий тил сифатида шаклланди.

Ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши республикамизда давлат ишларининг, ўқиш-ўқитиш, таълим-тарбия, тарғибот-ташвиқот ишларини шу тилда олиб борилиши учун жуда катта имконият яратди. Тилга бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Ҳозир унинг барча имкониятларини ўрганиш ишлари кенг кўламда олиб борилаёпти. Лекин шунини ҳам эслаш жоизки, тилнинг ижтимоий вазифаси бажарилиш даражасини белгиловчи омиллардан бири бўлмиш нутқ маданияти етарли тараққий этмаганлиги ачинарли бир ҳолдир. Шунинг учун нутқ маданияти соҳасини чуқурроқ ўрганиш олдимизга қўйилган муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Нутқимизда учраб турадиган нуқсон ва камчиликларни бартараф қилиш, нутқ маданиятини ҳар қачонгидан ҳам яхшироқ ривожлантириш умумдавлат аҳамиятига эга бўлган сиёсий ва ижтимоий масаладир. Бу масала билан шуғулланиш ишига фақат тилшуносларгина эмас, балки республикамизда истиқомат қилувчи

барча соҳа вакиллари эътибор беришлари мақсадга мувофиқдир. Чунки нутқ маданияти умуминсон маданиятининг таркибий қисми бўлиб, кишиларнинг юксак маданиятли бўлишларини белгилайди.

Президентимиз И.А.Каримов ҳам бунга алоҳида эътибор бериб, бундай деганлар: «Ғояга қарши фақат ғоя, фикрга қарши фақат фикр, жаҳолатга қарши фақат маърифат билан баҳсга киришиш, олишиш мумкин. Энг даҳшатлиси фикр қарамлиги, тафаккур қуллиги».

Уқитувчи ва ўқувчи муносабатидаги мажбурий итоаткорлик ўрнини онгли интизом эгаллаши жуда қийин кечаяпти. Уқитувчининг бош вазифаси ўқувчиларга мустақил фикр юритиш кўникмаларини ҳосил қилишдан иборатлигини кўпинча яхши тушунамиз, лекин, афсуски, амалда, тажрибамизда унга амал қилмаймиз.

«Демократик жамиятда болалар, умуман ҳар бир инсон ҳам эркин фикрлашни ўрганмаса, берилган таълим самараси паст бўлиши муқаррар. Албатта, билим керак. Аммо билим ўз йўлига. Мустақил фикрлаш ҳам катта бойликдир». (И.А.Каримов. «Баркамол авлод орзуси», 16-бет).

Мактабда болалар мустақил фикрлашга ўргатиладими? Аминманки, сайёз ўргатилади. Мабодо бирор-та ўқувчи ўқитувчига эътироз билдирса, эртага ҳеч ким ҳавас қилмайдиган аҳволга тушиб қолади. Мактабдаги ўқиш жараёнида ўқитувчи ҳукмрон. У ўқувчидан фақат ўзи тушунтираётган нарсани тушуниб олишни талаб қилади. Принцип ҳам тайёр: «Менинг айтганим — айтган, деганим — деган». Бу ўринда мен билан Чинозда ўрта мактабда бирга ўқиган ~~қўш~~дошнинг ҳикоясини келтираман:

«Институтда бир домланинг талабалар билан булган муомаласи мени ниҳоятда ҳайратга соларди. Унинг талабаларга айтаётган сўзлари ниҳоятда кинояли, заҳарханда эди. Бу менда беихтиёр ғазаб уйғотарди. Талабаларнинг қиз ёки инитлигидан қўлъя назар доимо сенсираб муо

мала қиларди. У узининг ёқимсиз гаплари, уринсиз киноялари билан уларни узидан бездирарди. Бегона кишилар иштирок этаётган дарсда мени доскага чақирдилар. Таҳлил этилиши зарур бўлган гапни доскага ёздирдилар. Қўшма гапни ёзишда хатога йўл қўйибман шекилли, домла менга қўполлик билан: «Эй, ўқимаган... лаънати саводсиз, қишлоқи. Сени ўрта мактабда ким ўқитган ўзи?...» — дея ўшқира кетди. Мен ўз хатомни тушунмаганим бир сари, менга қилинаётган муомаладан ер ёрилмади-ки, ерга кириб кетсам. Ҳар бир сўз менга ўқдек санчилганини сезиб турардим. Домла эса ҳали-бери важоҳатидан тушадиган эмас. Шунда секингина, ҳамма англайдиган қилиб, донадона сўзлар билан: «Мени ўрта мактабда сиздан таълим олиб, Чинозга йўлланма билан борган ўқитувчи ўқитган, ўқитувчимизни сиз ўқитган экансиз», — дедим. Сўзларимдан лол қолган аудитория ҳам, домла ҳам сув қуйгандай жим қолишди.

Дарҳақиқат, муомала маданияти кишининг кайфиятигагина эмас, тарбия самарадорлигига ҳам салбий таъсир кўрсатиши кўришиб турибди. Бундай ўқитувчилар ёш авлодни тарбиялашга муносиб эмаслар. Ҳар қандай сўз ўз ўрнида қўлланганидагина кўзланган мақсадга етиши мумкин. Ҳар бир сўзни, ҳар бир иборани киши қалбига сингадиган тарзда етказа билиш нотиклик санъатидир.

Нутқ тадбиркорлигини сингдириш мактабда ҳамда ўрта ва олий таълим муассасаларида ўқитувчининг бош вазифасидир. У биринчи соатдан то охириги машғулотгача талабаларда нутқ маданияти (тадбиркорлиги)ни тарбиялашга ҳаракат қилиши керак.

Шу ўринда таниқли тилшунос олим Низомиддин Маҳмудов шундай дейди: «Айни пайтда нутқий маданият тарбияси билан мактабдаги ва олийгоҳдаги ҳеч бир истисносиз, барча ўқув фанлари ҳам билвосита шуғулланиши керак. У математика бўладими, физика ёки тарих бўладими, ўқитувчи ўз нутқий маданияти билан намуна кўрсатиши, тегишли фан соҳасининг тугал тилини намоён

этиши ва шу йул билан уқувчидаги сўз сеҳрини авайлаб куч бериши мақсадга мувофиқ. Таълим амалиётида кўргазмалилик азалдан энг зарурий омил сифатида қараб келинади. Шунинг учун ҳам уқитувчи кўп вақтини кўргазмали куроллар тайёрлашга сарфлайди. Бу маъқул, аммо унутмаслик керакки, нутқий маданиятни урганиш, чиройли сўз завқини устириш, умуман, тил эстетикаси тарбиясида асосий жонли кўргазмали курол уқитувчининг ўзидир». «*Маърифат манзиллари*», Н.Маҳмудов.

Тил ва нутқ қиёси

1. Тил алоқа материали, нутқ эса алоқа шаклидир.
2. Тилни халқ яратади, нутқни эса ҳар бир шахс яратади.
3. Тилнинг ҳаёти узоқ — халқ ҳаёти билан боғлиқдир. Нутқнинг ҳаёти эса қисқа бўлиб, у айтилган пайтдагина мавжуддир.
4. Айрим шахснинг айни замонда бир неча тили бўлиши мумкин, чунки у вақт ва ўрин билан бевосита боғланмаган. Айрим шахснинг нутқи айни замонда фақат битта бўлади, чунки у маълум вақтда ва маълум ўринда юз беради.
5. Тилнинг ҳажми ноаниқдир, нутқнинг ҳажми эса аниқ: у монолог, диалог ҳамда айрим матн ва китоб шаклида бўлиши мумкин.
6. Тил турғун статик ҳодисадир. Нутқ эса ҳаракатда бўлиши мумкин булган динамик ҳодисадир.

Тил хатосида сўз маъноси бузилади, масалан, соф-соп, тиф-тип, фан-пан, дил-тил ва ҳоказо. Тил хатосида фақат акустик томондан узгаради. Масалан, фикр-пикр, фабрика-пабрика, сафар-сапар. Тил ва нутқ ҳодисаларига объектив шароитда бўлиш — тил софлиги, нутқ маданияти ва одоби масалаларига оқилона ёндашишга олиб келади.

2-МАЪРУЗА

I. НУТҚ МАДАНИЯТИ ВА АДАБИЙ МЕЪЁР

II. Режа:

1. Нутқ маданияти тушунчаси.
2. Адабий меъёр ва нутқий маданият.
3. Нутқий фаолият ва нутқий малака.

III. Мустақил ўқиб-ўрганиш учун адабиётлар:

1. Аҳмедов А. «Тил бойлиги». Тошкент, 1968.
2. Бегматов Э., Бобоева А., Асомиддинов М., Умрқулов Б. «Ўзбек нутқи маданияти очерклари». 39-41 бетлар.
3. Головин В.Н. «Основы культуры речи». Москва, 1980.
4. Тожиев Ё., Ҳасанова Н., Тожиматов Х. «Нутқ маданияти ва услубияти асослари». Тошкент, 1994.
5. Қудратов Т. «Нутқ маданияти асослари». 22-бет.
6. Қунғуров Р., Бегматов Э., Тожиев Ё. «Нутқ маданияти ва услубияти асослари». Тошкент, 1992. 34-36 бетлар.

IV. Таянч сўз ва иборалар:

Фаолият. Малака. Атама. Стилъ. Стилистика. Услубият — илмий муаммони ўрганиш.

Таърифлаш. Меъёрнинг шаклланиши. Аниқ, равшан, ифодали нутқ туза олиш. Тулиқ ва теран фикрлаш. Мақсадга мувофиқ сўзлаш. Фикрлаш маданияти. Морфологик ва синтаксистик меъёр. Пунктацион меъёр.

V. Луғат:

Морфема — (грекча) лингвистикага оид термин бўлиб, сўзнинг энг кичик маъно англатувчи, бошқа

маъноли қисмларга бўлинмайдиган қисми (ёки бўлаги): узак морфема, аффиксал морфема.

Жаргон — (французча) бирор ижтимоий гуруҳнинг ўзига хос ва ўзигагина тушунарли бўлган, бошқалар тушунмайдиган ясама тил.

Узус — бирор тил жамоасида тил тизимида мавжуд бўлган имкониятларнинг фойдаланиладиган қисми. Узус бир тилни бошқасидан ажратиб турадиган шартларни ҳам, тилнинг ички меъёрларини ҳам ўз ичига олади.

VI. Назорат саволлари:

1. Нутқ маданияти деганда нимани тушунасиз?
2. Тил маданияти билан нутқ маданияти қайси жиҳатлари билан фарқ қилади?
3. Адабий меъёр нима?
4. Нутқий малакага қандай эришиш мумкин?

VII. Маърузанинг мазмуни:

Нутқ маданияти тўғрисида сўзлашдан олдин нутқ ўзи нима, унинг тилдан фарқи борми деган саволга жавоб топишимиз керак. Ҳар қандай соҳанинг маданияти бўлгани сингари нутқнинг ҳам ўз маданияти бор.

Тил ва нутқ бир-бирига боғлиқ ҳодисалардир, уларни бир-биридан ажратиб қараш асоссиздир. Тил нутқ учун моддий материалдир. Шу асосида нутқ ташкил топади. Тилда руҳий ва моддий материал мавжуд бўлиб, сўзнинг кишилар хотирасидаги образлари руҳий материал, нутқ яратиш жараёнида қўлланиладиган сўз шакллари, материаллар, товушлар моддий материал ҳисобланади. Тилнинг руҳий ҳодисалиги унинг оқиди сақланиши бўлса, моддий ҳодиса эса ундаги товушлардир.

Нутқ — бу тил деб аталувчи, ута муҳим вазифани бажарувчи ноёб қуролдан фойдаланувчи жараён. Тил бирикмалари имкониятларининг борлиқ, тафаккур, онг ҳамда вазият каби ҳодисалар билан муносабатда намоён бўлишидир. Нутқ ҳаракатдаги тил бўлиб, нутқ

аъзоларининг ҳаракати жараёнида пайдо бўлади ва сўз бирикмалари, эркин бирикмалар, сўз тартиби ва гаплардан ташкил топади.

Маданий гапиришга интилиш тушунчаси барча халқлар тилларида қадимдан мавжуд ҳодисадир. Бу тушунча одоб ва нафосат талаблари билан алоқадор тушунчадир.

Демак, нутқ маданияти тушунчаси ҳар бир халқ тили ва миллат маънавиятини белгиловчи ёки кўрсатувчи одоб ва нафосат категориясидир.

Ҳозирги нутқ маданияти атамаси билан юритилаётган ҳодиса ва илмий муаммо анча кенг мазмунга эгадир. Нутқ маданияти миллатнинг умумий маданиятини кўтариш, одамларга маълум тилнинг дидини (языковой вкус) тарбиялашга хизмат қилувчи фаолият ҳамдир.

Нутқ маданияти уч хил ҳодисанинг номидир:

1. Маданий нутқнинг, яъни нутқий ҳодисанинг номи.
2. Маданий нутқ тушунчаси билан боғлиқ ва нутқ маданияти деб юритилувчи (муаммосини ўрганиш) илмий муаммонинг номи.
3. Нутқ маданияти муаммосини ўрганиш билан махсус шугулланувчи соҳанинг, тилшунослик фани бўлимининг номи.

Келтирилган учта ҳодисанинг ҳар бири ўз мураккаб кўринишларига, қирраларига эга, уларни бири бири билан қориштириб юбормаслик лозим.

Ушбу баён этилган мулоҳазалар нутқ маданияти тушунчасини тушуниш ва таърифлаш тилшуносликда ҳозир қуйидаги кўринишларга эга деган хулосага келиш имконини беради:

1. *Нутқ маданияти* адабий тил ривожининг ўзига хос хусусиятларидан бири.

2. *Нутқ маданияти* бу адабий тил меъёрларининг шаклланиши ва силлиқланишига ёрдамлашишдан иборат бўлган фаолият, яъни тил ривожига онгли аралашувдир.

3. *Нутқ маданияти* тилни, унинг қонун-қоидаларини онгли идрок қилиш, аниқ, равшан, ифодали нутқ туза олиш маҳоратидир (А.Грачёв ва бошқ).

4. *Нутқ маданияти* кишиларни узаро тулиқ ва теран фикрлашиши, тилнинг барча имконият ва воситаларини пухта эгаллашдан иборатдир (Б.Н.Головин ва бошқ).

5. *Нутқ маданияти* фақат тўғри нутқгина эмас, ўқитувчилик ҳамда нутқий чечанлик ҳамдир (Г.О.-Винокур).

6. *Нутқ маданияти* тил воситаларидан ўринли фойдаланган ҳолда мақсадга мувофиқ сўзлаш ва ёза олиш санъатидир (А.Н.Ефимов).

7. *Нутқ маданияти*, бу аввало, фикрлаш маданиятидир; (Д.Э.Розенталь).

8. Миллий, ўзига хослиги билан ажралиб турувчи нутқ маданий нутқдир (М.Агафонова).

Нутқ маданияти шу тилнинг алоқа-аралашув қуроллини ишлатишга бўлган муносабатдир. Тил вакилларида бу ноёб қуролнинг имкониятларига муносабат, уни ишлатишдаги бошқа омиллар: тафаккур, онг, борлиқ, турли вазият ва ҳолатлар, мақсадга бўлган муносабат қанчалик юқори савияда бўлса, нутқ маданияти ҳам юқори савияда бўлади ва акс ҳолда нутқ маданияти ҳам паст савияда бўлади.

Нутқ маданияти тўғрисида гап борар экан, табиийки нутқда қўлланилган ўринли ёки ўринсиз сўзларнинг қўлланиши тўғрисида баҳс боради. Қўлланган тил бирлиги тўғри ёки нотўғри дейилганда, албатта, маълум бир ўлчов (мезон)га асосланганлиги тайин. Мана шу ўлчов (мезон) тилшуносликда адабий тил меъёри деб юритилади.

Ҳар лаҳжанинг, сўзлашув тилининг, адабий тилнинг ўз меъёрлари бўлганидек, нутқнинг алоҳида кўринишлари бўлган арголар, жаргонлар ҳам ўз меъёрига эга. Хусусий меъёрлар қўйидагича курсатилган:

1. Диалектик меъёр.

2. Сўзлашув нутқи меъёри.
3. Арголар, жаргонлар меъёри.
4. Адабий тил меъёри (адабий меъёр).

Адабий меъёр. Маълум бир ҳудудда тарқалган узус имкониятлари ўша ҳудудда яшовчи аҳоли учун истисносно тушунарли бўлади, яъни алоқани енгил амалга ошувига имкон беради. Бу тилнинг ўзи меъёрдан иборатлигини кўрсатади. Меъёр — тилнинг яшаш шаклидир.

Адабий меъёр узусга асосланади, ундан олинади. Адабий меъёр адабий тил билан бирга туғилади, бадиий адабиётнинг, халқ маданияти тараққиёти билан ривожланиб ўз қонун-қоидаларини мустаҳкамлаб боради.

Адабий меъёр узусдан олинганлиги сабабли ҳамма учун тушунарли бўлади. Шунинг учун жамият тараққиётида муҳим аҳамият касб этади. Жамият аъзоларини уюштиришда, катта вазифаларга отлантиришда адабий тил, унинг меъёрлари жамият учун ниҳоятда зарурдир.

Ўзбек адабий тили меъёрлари илмий асарларда қуйидагича тасниф қилинади:

1. Лексик-семантик меъёрлар.
2. Талаффуз (орфоэпик) меъёри.
3. Ёзув (орфографик) меъёри.
4. Фонетик меъёр.
5. Аксентологик (урғуни туғри қўйиш) меъёр.
6. Грамматик (морфологик, синтактик) меъёр.
7. Сўз яшаш меъёрлари.
8. Имловий меъёр.
9. Услубий меъёр.
10. Пунктацион меъёр.

Адабий меъёрнинг оғзаки ва ёзма кўринишлари мавжуд бўлиб, оғзаки адабий меъёрнинг ривожланишига халқ қизиқчилари, аскиячилар, маърифатгўи халқ шоир-бахшилари катта ҳисса қўшсалар, ёзма адабий меъёрнинг шаклланишида белгиланган ёзув шакли асосида ёзиб қолдириладиган ёзма адабиётнинг хизмати чексиздир.

Умуман олганда, адабий тил меъёрини ўрганиш янги ҳодиса эмас. Тил меъёри ва адабий меъёр муаммо сифатида нутқ маданияти илмий соҳа, деб тан олинганга қадар ҳам ўрганиб келинган. Адабий тил меъёри, унинг шаклланиши, ривожланиши, стабиллашув қонуниятлари нутқ маданияти соҳасининг текшириш объекти ҳисобланади.

Нутқ маданияти соҳасининг адабий тил меъёрига ёндашуви қуйидаги хусусиятлари билан грамматик муносабатда фарқ қилади:

— нутқ маданияти адабий тил меъёрини доимий ривожланиб, ўзгариб-бузилиб турувчи нутқий нуқсонларни юзага келтирувчи хусусиятларни топиши ва уларни тузатишга интилиши лозим;

— нутқ маданияти адабий тил меъёрини доимий ривожланиб ўзгариб турувчи ҳодиса сифатида текшириши ва тил меъёри тизимидаги янги ҳолатларни, ўзгарган, ўзгарган ҳолатларни ҳисобга олиши керак;

— нутқ маданияти тил меъёри тизимидаги қарама-қарши ҳолатларни белгиллаши лозим ҳамда барча бусларни бўйича текширилиши керак.

Нутқ маданияти адабий меъёрни маълум мақсад билан, аниқроғи маданий нутқнинг чегараси ва воқеаларини аниқлаш мақсадида ўрганади. Шу сабабдан, нутқ маданияти соҳаси адабий тил ва унинг меъёрини тизимини баҳолайди ва назарот қилади. Нутқ маданияти соҳаси адабий тилга фаол ёндашади, арашилади.

Тилнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши жамият тараққиёти билан узвий боғлиқдир. У жамият тараққиёти, меҳнат фаолияти жараёнида юзага келадиган, фанат жамиятда, одамлар орасида мавжуд бўладиган инстинмой ҳодисадир. Жамият ривожлангани сари тил ҳам шаклланиб боради. Демак, шу тилда сўзловчи индустриининг маънавияти юксалиб, нутқий малакаси ортиб боради. Акс ҳолда тил таназзулга юз тутади. Бу

эса нутқий малаканинг суншига, маънавиятнинг қашшоқланишига олиб келади.

Жамиятда яшаётган ҳар бир шахс алоҳида нутқ эгаси саналади. Лекин уларнинг ҳаммаси учун умумий бўлган нутқий қурол — ягона шу жамиятнинг тили ҳисобланади.

Инсон нутқий фаолиятга адабий тил маданияти қоидаларини мукамал билган ҳолда мустақил шуғулланиши, айниқса, бадиий адабиётларни, газета ва журналларни ўқиши, радио ва телевидениени тинглаши орқали эришади ва тинимсиз шуғулланиш натижасида нутқий малакага эга бўлади.

Адабий тил маданиятини чуқур эгаллаган ҳолда инсон нутқ маданиятига эга бўлади. Адабий тил маданиятини эгаллашда тилга бўлган эътибор, унга чинакам муҳаббат ва ҳурмат муҳим роль ўйнайди. Адабий тил ва меъёрларини шунчаки қизиқиш ва у билан номигагина шуғулланиш билан эгаллаб бўлмайди. Инсоннинг нутқий фаолияти уч қуринишда бўлади. Булар: *сузлаш, мутолаа ва эшитиш*.

Сузлаш деганда сўзловчининг маълумот, масалаҳат бериши, буюриши, ўзига номаълум бўлган нарсалар ҳақида сўраши тушунилади. Сузлаганда сўзловчининг билими, маданияти, ахлоқи, одоби юзага чиқади. Сузлашнинг диалог ва монолог қуринишлари мавжуд.

Мутолаа қилиш — укувчининг ёзма нутқ орқали асар муаллифи, тимсоллари билан мулоқотидир. Мутолаа туфайли ёзма нутқда акс этган воқеа-ҳодисадан хабардор бўлади.

Эшитиш. Жамият ўқитувчининг қўлига ёш авлодни, яъни ўз келажагини ишониб топширади. Унинг камол топишида ўқитувчининг нутқи ута муҳимдир. Демак, бу касб инсонпарварлик, ватанпарварлик, юксак маданиятлилик, нутқий малакага эга бўлиш кераклигини талаб қилади.

3-МАЪРУЗА

I. ҲИТОВЧИ НУТҚИ МАДАНИЯТИ, НУТҚ МАДАНИЯТИ ВА УСЛУБИЯТИ

II. Режа:

1. Ҳитовчи нутқида атамашунослик, сўз қўлаш ва нутқ маданияти масалалари.
2. Нутқ маданияти ва услубияти. Нутқнинг услубий турлари.
3. Ўзбек тилининг вазифавий услублари ва нутқ маданияти.

III. Мустақил ўқиб-ўрганиш учун адабиётлар:

1. Бегматов Э. «Нутқ маданияти очерклари». Тошкент. 1992, 73-бет.
2. Т.Қудратов. «Нутқ маданияти асослари». Тошкент. 1993, 28-бет.
3. Р.Қўнғуров, Э.Бегматов, Ё.Тожиев. «Нутқ маданияти ва услубияти асослари». Тошкент, 1992. 33-48 бетлар.
4. Р.Қўнғуров ва бошқалар. «Нутқ маданияти ва услубияти асослари». 1992, 67-бет.

IV. Таянч сўз ва иборалар:

Мавжуд сўз атамалар ўзгариши: арабча жумҳурият, муаррих, мунаққид, муаллиф, инқилоб каби сўзларнинг ўрнини қайта жон киритилган сўзлар эгаллаш...

Мунший, қози, додҳо, ҳарам, виқор, вожиб, воиз, лифоз, андоза, асно, афгор, муфти, қушбеги каби сўзлар.

V. Луғат:

Асно — а) бирор иш ҳаракат, воқеа-ҳодиса бўлиб турган пайт, фурсат;

б) қисқа муддатли икки воқеа-ҳодиса оралиғи.

Андоза — кийим-бош, пойабзал ёки бошқа нарса. Бичиш, тайёрлаш учун ишлатиладиган қалин қоғоз (картон).

Андуҳ — руҳий азоб, хафагарчилик, ғам, гусса, қайғу.

Додҳоҳ — Бухоро хонлигида адолат истовчилардан амир номига ариза қабул қилувчи лавозимли киши.

Воиз — диний мазмунда ваъз қилувчи, ваъз айтувчи, ваъзхон.

Вожиб — ҳар бир мусулмонга пайғамбар томонидан буюрилган, бажарилиши мажбурий бўлмаган шартлардан бири.

VI. Пазорат саволлари:

1. Атамалар ва уларнинг қўлланиши ҳақида фикрингиз қандай?

2. Нутқ услублари деганда нимани тушунасиз?

3. Нутқ услублари асосан неча кўринишга эга?

4. Ҳар бир нутқ услубини белгилайдиган хусусиятлари ҳақида сузланг.

VII. Маърузанинг мазмуни:

1. Сўзловчи нутқида атамашунослик, сўз қўллаш ва ўрнида ишлатиш нутқ маданияти масалалари бугунги кунда энг аҳамиятли масалалар сафидан жой олган. Чунки ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши унга бўлган муносабатни тубдан ўзгартирди. Ҳозирги кунда ҳамма-ҳамманинг эътиборида тилимиз тақдири бор: ёшлар, кексалар, талабалар; касбидан, соҳасидан қатъи назар ҳар бир зиёли тилимизнинг равнақи, келажаги ҳақида қайғурмоқда, ўз фикр-мулоҳазаларини баён қилмоқда. Кейинги даврда фан-техниканинг барча соҳалари ривожланди, шаклланди. Натижада ўзбек тилида ҳам барча соҳаларда атамалар вужудга келди, ўзлаштирилди, янги атамалар ясалди. Мавжуд атамаларнинг кўпчилиги ўзгарди, янгиланди. Бу атамаларнинг аксарияти

умумадабий тилга ўтиб оммалашиб кетди ва ҳамма учун тушунарли бўлиб қолди. Ўзбек тили атамачилигида илгари кўпроқ араб тилидан ўзлашган: жумҳурият, мунажжим, муаррих, мунаққид, муаллиф, инқилоб каби сўзларнинг ўрнини рус тилидан ўзлашган сўзларни қўллаш кучайди. Бошқача қилиб айтганда, айрим сўзларга қайтадан «жон» ато этилди: жумладан, вилоят, туман, шўро кабилар. Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, бир қатор сўзлар борки, уларни ҳозирги талабалар ҳам махсус луғатсиз ёки ўқитувчиларнинг ёрдамисиз тушуниши қийин: Масалан, мунший, қози, додҳо, ҳарам, аврануш, сипоҳсолар, виқор, вожиб, войиз, бадҳу, алфоз, андуҳ, андоза, асно, афгор, афтода, мисқол, муфти, қушбеги, пансод кабилар.

Бундай ҳолат мумтоз адабиёт намуналарини тўғри шарҳлаб беришга, улардаги бадииятни чуқурроқ ҳис қилишга ҳалақит қилади, у ёки бу байтни асл моҳиятини, шоир ёки адиб кўзда тутган асосий мақсадни тула англаб етмасликка сабаб бўлади. Ана шу каби сўзларнинг маъносини ўргатмаслик, ўқувчига сингирмаслик эса асар ёки газалнинг чала тушунилишига олиб келади, ўқувчиларни ва тингловчиларни уларнинг сир-асроридан бебаҳра қилади. Бу ўринда Рене Декартнинг куйидаги фикрини эслатиб ўтиш мақсадга мувофиқдир: «Сўзларнинг маъноларини одамларга тушунтириб беринг, шунда сиз инсоният оламини англашувмовчиларнинг ярмидан халос қилган бўласиз».

Инсон ўқишни, ёзишни, тинглашни, умуман, илмни, асосан ўрта мактабда ўрганади. Шундан кўра, гап ўқитувчи билими, савияси қандайлигига бориб тақалади. Бу дегани ўқитувчи фақат тилни мукаммал билсин дегани эмас, бу билан чекланиб ҳам бўлмайди. Умуман, гузал ва серқирра тилимиздан фойдаланишда, атамаларни қўллашда ҳар бир соҳа вакили ҳам жуда эҳтиёткор бўлиши шарт. Акс ҳолда маълум бир мавзунини тушунишни, англашни қийинлаштиради. Бу эса

тилимизга, маданиятимизга путур етказади. Шунинг учун саводхонликни юксак даражага кўтаришга, ўқиш-ўқитиш ишларига эътиборни кучайтириш керак.

2. Ҳозирги илмий адабиётларимизда нутқ маданияти ва стилистика (услугият), асосан, қўшиб талқин қилинади. Баъзи ҳолларда бу икки тушунча бир-бири билан қориштириб юборилади, улар орасидаги фарқ лунда, аниқ ажратиб берилмайди. Юқорида нутқ маданияти тушунчасига тўла аниқлик киритилди ва унинг моҳияти очиб берилди. Стил сўзи грекчадан олинган бўлиб, ёзиш учун ишлатиладиган учи ўткирлаштирилган таёқчани билдириши бизга маълум.

Қадимги римликлар, грецияликлар стилга кишиларни ишонтириш санъати сифатида қараганлар. Стил сўзининг асл моҳияти ҳозирги кунда ҳам ана шу изоҳлардан унча узоқлашгани йўқ. Фақат кейинги даврдаги талқинларда вазифавий стилга (аслида услуб ўшадир) кўпроқ талқин бериб юборилган: услуб (стиль) нутқнинг жамият ижтимоий фаолияти маълум томони билан боғланган ўзига хос луғати ва бошқа хусусиятларига эга бўлган кўриниши бўлиб, нутқнинг худди шундай бошқа турларидан ўз ички хусусиятлари билан тафовут қилиб туради. Стил сўзи билан услуб сўзларининг асосий маънолари эса ҳозирги кунда бир-бирига тенгдир: ёзувчининг ўзига хос услуби (ёки тили); бадий услуб (бадий стиль) каби.

Хулоса қилиб айтганда, ҳозирги кунда тил услублари қуйидаги турларга ажратилади:

1. Сўзлашув нутқи услуби (алоқа-аралашув функцияси).
2. Илмий услуб.
3. Расмий иш қоғозлари услуби (хабар, ахборот бериш).
4. Публицистик услуб.
5. Адабий, бадий нутқ услуби (тилнинг таъсир қилиш, тарғибот-ташвиқот ораси).

4-МАЪРУЗА

I. НУТҚ МАДАНИЯТИНИНГ АСОСИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

- II. Режа:
1. Нутқнинг туғрилиги.
 2. Нутқнинг аниқлиги.
 3. Нутқнинг тозаллиги.
 4. Нутқнинг мантиқийлиги.
 5. Нутқнинг ифодалиги.

III. Мустақил ўқиб-ўрганиш учун адабиётлар:

1. Бегматов Э., Бобоева А., Асомиддинов М., Умркулов Б. «Ўзбек нутқи маданияти очерклари». Тошкент, 1992.
2. Тожиев Ё., Ҳасанова Н., Тожиматов Х., Йўлдошова О. «Нутқ маданияти ва услубияти асослари». Тошкент, 1994.
3. Қудратов Т. «Нутқ маданияти асослари»
4. Қунгуров Р., Бегматов Э., Тожиев Ё. «Нутқ маданияти ва услубияти асослари». Тошкент, 1992.

IV. Тўғри сўз ва иборалар:

Сўз матнининг шаклланиши. Нутқ мантиқи. Аниқлик, туғрилиқ, тозаллик, ифодалиқ ва бошқа хусусиятлар. Сўзда ва нутқда мақсадга эришиш.

Дабларни қовуштирган масал.

V. Луғат:

Поил — диний мазмунда ваъз қилувчи, ваъз айтувчи шайхон;

Жаргон — бирор ижтимоий гуруҳнинг ўзига хос ва ўзининга тушунарли бўлган, бошқалар тушунмайдиган ясама тил;

Узус — бирор тил жамоасида тил тизимида мавжуд булган имкониятларнинг фойдаланиб келинадиган қисми. Узус бир тилни бошқасидан ажратиб турадиган шартларни ҳам, тилнинг ички меъёрларини ҳам ўз ичига олади.

VI. Назорат саволлари:

1. Нутқнинг коммуникатив сифатлари деганда нимани тушунасиз?
2. Нутқнинг тўғрилиги нутқ маданияти учун қандай аҳамиятга эга?
3. Қандай нутқ аниқ нутқ дейилади?
4. Нутқнинг аниқлигига қандай йўллар билан эришилади?
5. Ўзбек шоир ва ёзувчиларининг сўз бойлиги ҳақида сўзланг.

VII. Маърузанинг мазмуни:

Нутқ маълум бир сўзловчи ёки ёзувчи томонидан тингловчи ёки ўқувчига қаратилган матннинг шакллантирилган ташқи кўринишидир. Албатта, бу йўлланган нутқ тингловчига етиб бориб маълум бир таъсир кўрсатсагина, унга нисбатан яхши нутқ дейишимиз мумкин. Нутқ ҳар томонлама яхши бўлиши учун ўз олдига маълум талабларни қўяди. Бу талаблар нутқнинг тўғрилиги, аниқлиги, мантиқийлиги, таъсирчанлиги, тозаллиги, тушунарлилиги ва мақсадга мувофиқлигидир.

1. *Нутқнинг тўғрилиги.* «Тўғрилик деганда, — деб ёзади В.Г. Костомаров — нутқ маданиятининг зарур ва биринчи шarti сифатида адабий тилнинг маълум пайтда қабул қилинган меъёрига қатъий ва аниқ мувофиқ келишини, унинг талаффуз, имловий луғат ва грамматик меъёрларини эгаллашни тушуниш лозим бўлади».

Нутқнинг тўғрилиги унинг энг муҳим алоқавий фазилатидир. Нутқ тўғри бўлмаса, бошқа коммуникатив сифатлари ҳам вайрон бўлади. Нутқнинг тузили

ши тўғри бўлмаса, унинг мантиқийлиги, аниқлиги, мақсадга мувофиқлигига ҳам путур етади.

Нутқ тўғри бўлиши учун, асосан, икки меъёрга — урғу ва грамматик меъёрга қаттиқ амал қилишни талаб қилади. Сўзлардаги урғунинг кучиши билан маънонинг ҳам баъзан ўзгариб кетиши мумкинлигини эсдан чиқармаслик лозим. Бу ҳам нутқнинг бузилишига олиб келади.

Гап таъсиридаги бир сўзга тушадиган мантиқий (логик) урғунинг ҳам маънони фарқлашдаги хизмати катта. Грамматик меъёрга риоя қилиш деганда, гап тузиш қоидаларидан тўғри фойдаланиш, ўзак ва кўшимчаларни ўз ўрнида қўллаш, эга ва кесимнинг мослиги, иккинчи даражали бўлақларнинг уларга боғланиш қонуниятлари тушунилади.

Машғулот учун

Назм:

*I. Ақл бир тирик жонки, билмас завол,
Ақл — турмуш, асли бунӣ ёдлаб ол.
Ақлдан ғамгинлик, шодлик, уқтамлик,
Ақлдан борлигу, йўқлиги, камлик,
Киши иш қиларкан беақлу идрок,
Булур қилмишидан юрак бағри чок.*

Абулқосим Фирдавсий



II. Дустлар даврасида ота ўғлига:

— Мушугимиз туғибди, бориб хабар олиб кел, деди.

Бола қайтиб келиб:

— Учга бола туғибди: иккитаси олапар, биттаси сулранг. Иккитаси ўғил, биттаси қиз. Учовининг ҳам сўзи очилибди...

Гап шу ерга келганда ота:

— Ишни бунақа бажариши мендан, — деди.

Бола гапида давом этиб:

— Овқат товоғини ювиб, тозалаб қўйдим, энди идишга сут қўйиб келаман, — деди.

Ота:

— Боламнинг бу одати онасидан — деди фахрланиб.



III. Отам менга пул бериб:

— Узимизга, сигиримизга, товуқларимизга егулик бирор нарса ҳарид қил, — дедилар.

Мен уйлаб-уйлаб, охири битта қовун сотиб олдим-да:

— Мана дадажон, қовунни ўзимиз еймиз, пўчогини сигиримизга берамиз, уругини товуқлар ейди, — дедим.

Отам: — Балли, ота ўғил, — деб хурсанд бўлдилар.



IV. Бир йигит чопонининг этаклари билан этигини яхшилаб артди. Буни кўриб турган бир кекса киши:

— Этикни ўз пулига сотиб олган, чопон дадасининг пулига келган, — деди.

2. *Нутқнинг аниқлиги* — бу сўзнинг ўзи ифодаланаётган воқеликка мос ва мувофиқ келишидир. Аниқлик нутқнинг муҳим фазилатларидан бири сифатида қадимдан маълум. Фарб мутафаккирлари ҳам, шарқ олимлари ҳам аниқликни нутқ сифатларининг биринчи шарт деб ҳисоблаганлар.

Аристотель: «Агар нутқ ноаниқ бўлса, у мақсадга эришмайди», — деган бўлса, Кайковус: «Эй фарзанд, сўзнинг юз ва орқа томонини билгил, уларга риоя қилгил, сўзлаганда маъноли гапир, бу нотиқликнинг аломатидир. Агар гапирганда сўзнинг қандай маънога эга эканлигини билмасанг, қушга ўхшайсан...», — дейди.

Аниқлик нутқнинг фазилати сифатида срқин ифодалаш қобилияти билан, нутқ предметининг маъно

си билан, нутқда ишлатилаётган сўз маъноларини билиш билан боғлиқ бўлади.

Агар нотик ўзи фикр юритмоқчи бўлган нутқ предмети яхши билса, унга мос сўзлар танласа ва ўзи танлаган сўзларнинг маъноларига мос вазифалар юкласа, нутқ аниқ бўлиши тайин (муқаррар). Аниқликлар: нарсанинг аниқлиги ва тушунча аниқлиги.

Маишқлар

I. “Ислом ва дунё”

Биринчи бўлиб сувнинг тортишиш қувватини, қонунини аниқлаган ва кема ясаган зот Нуҳ алай-ҳиссаломдир. Аммо тарихларда Архимед дея қайд этилган.

Ернинг юмалоқлигини ва унинг радиусини илк илмий аниқлаган киши Абу Райҳон Берунийдир, Галилей эмас.

Биринчи бўлиб қон айланишини топган олим Ибн Навфисдир, аммо Вильям Ҳарвай деб қайд этилган.

Илк марта микробни аниқлаган киши Султон Муҳаммад Фотиҳнинг устози Ҳазрати Оқшом Сиддиндир, Пастер эса ундан 400 йил кейин топди.

Умуртқа сили ва артритни аниқлаган Сиддиндир, Пастар эса ундан 400 йил кейин топди.

Мусулмонлар тақвимидан.



II. Ҳазрати Алнинг васияти:

Аллома угли Ҳазрати Ҳасанга васият қилган эканлар:

— Билмаган нарсанг ҳақида сўзлама. Вазифанг бўлмаган ишга киришма. Ҳар ишни аҳлига қолдир. Фалокат келишидан кўрққан йўлингни тарк эт. Зеро бир ишда фалокат сезилганда уни тарк этмоқ кўрқув билан олга сурмоқдан хайрлидир.

Ўзингдан кучли зотлар орасинда сабр этмоққа ўрган, зеро ҳақсизлик қаршисида ҳақ учун сабр этмоқ — энг яхши одатдур-ахлоқдур.

Киши дунёда охирати учун нима ҳозирлаган бўлса, эртага шу нарсага эришади.

Суз аҳли бўлишдан кўра, иш аҳли бўлгин.



*Қачонгача излагайсан нажот мардлардан,
Мардлар ишин ўзинг қил-у, қутул дардлардан!*

Баҳовиддин Нақшбандий.

*Дард кўрган юракдан чиққан суз,
Дардли юракларга малҳам бўлади.*

*Мен саҳна ҳам дарбоз арғамчисидай тор бўлишини
истардим. Бу тажрибасиз одамларнинг қўлидан келмай-
диган ишларга қўл уриш иштаҳасини қайтарди.*

Пулат Носир. “Театр” журнали, 1999 йил.



III. Яхши, содда, аниқ фикрлар унитилиши мумкин, лекин ҳеч қачон ўлмайди.

3. *Нутқнинг мантиқийлиги* тўғрилик ва аниқлик билан чамбарчас боғланганлигидадир. Чунки грамматик жиҳатдан тўғри тузилмаган нутқ ҳам, фикрни ифодалаш учун муваффақиятсиз танланган луғавий бирлик ҳам мантиқнинг бузилишига олиб келиши табиийдир. Мантиқий изчилликнинг бузилиши тингловчи ва ўқувчига ифодаланаётган фикрнинг тулиқ бориб етмаслигига, баъзан умуман, англашилмаслигига олиб келади. Нутқни тузишдаги эътиборсизлик натижасида баъзан, ҳатто мантиқсизлик юз беради. Қўйидаги мисолга эътибор қилинг: «Фермер жонкуярлари олти ойлик давлатга сут соғиш планларини муддатидан олдин бажардилар» (Га

етадан). Гапда сўзларнинг тўғри бўлмаганлиги, «олти ойлик» бирикмасининг «сотиш» сўзидан кейин келмаганлиги туфайли мантиққа путур етаяпти, ҳатто хато фикр ифодаланаяпти.

Илмий услубда ёзилган асарлар яхлит бир тузилишга эга. Унда кириш, асосий қисм, хулоса мавжуд бўлиб, улар ягона бир ҳалқага бирлашади. Бадиий нутқ тузилиши эса, бироз бошқача. Айтайлик, фикрлар бир маромда баён қилиниб келинди-ю, бирданига узилишга беради ва энди бошқа воқеалар ҳикоя қилиниб кетилади. Бу нарса тўғ мантиқий изчилликка путур етмагандай кўринса-да, аслида ундай эмас. Бадиий асарларда, ҳукусан, роман, қисса каби жанрлардаги кенг пайвандилик тасвир қурлишининг ана шундай тузилишга тасвир беради. Мантиқдан путур етмаганлиги бундай воқеаларнинг охирида мълум бўлади. *Нутқнинг мантиқий тартиби* деганда, эҳлати бир фикрлар ривожини изчил кўриши, ҳар бир сўз, ибора аниқ мақсадга мувофиқ равишда пайвандиликдан путурли тушунамиз.

Мажбурият учун машқлар

1. «Сабр» — сабр «ерини», аммо фойда берувчи; у «ерини», аммо аён «асматини» даф этувчи. Қайси бахт-сиз сабр «ерини» тутган бўлса, у охири муродига етади, қайси бир сарифтор «унгул» сабр туғунини бушатмаган бўлса, «ерини» бахт туғунини очилади. Сабр шодликлар калитидир. Бадиийларнинг «туғундир». Сабр уртоқдир, суҳбати зерикардир, аммо мақсадга олиб борувчи; сабр узоқни кузлаган «ериндир», аммо охирида истакка етказувчи. Сабр шоддир, «ерини» юради, аммо манзилга элтувчидир.

Сабр туғдир, «огир» қадам, лекин бекатга олиб борувчидир. Сабр насиҳатгуй, ачитиб гапиради, киши табиати ушдан «озор» чекади, лекин амал қилган охирида муродига етади. Сабр табиб, бадхўр дори, бемор «ерини» «сабр» тортиди, аммо охирида соғлиққа эришади.

Сабр саҳросида роҳат қилиш изтироб чекиш билан баробар; сабр даштида дам олиш югуриш билан тенг. Сабр бор ерда айрилиқ билан куйганларга ўлишдан ғам йўқ; иштиёқ эгаларига ҳажр утида қўришдан алам йўқ.

Сабр ҳажр шомидек қоронғу ва узун, аммо сўнги висол тонги; сабр ҳаж йўлидек қийин ва йироқ, аммо ниҳояти иқбол каъбаси.

Балога гирифтор бўлиб, нобуд бўлиш хавфи остида қолган одамнинг ҳасти сабр туфайли озод; ҳар бир ноумид шахснинг тушқун руҳи сабр туфайли тетик, обод.

*Алишер Навоий асарлари асосида
«Мусулмонлар тақвими» китобидан.*



II. «Насиб этмаса»:

Мулла ака сигирини сотадиган бўлиб, иккита ҳаридорни уч мартадан қатнатди, ҳар гал нарҳини ошириб борди. Аввало, фалон мингга сотилса, яхши бўлар эди, деган эди. Нарх ўйлаганидан анча ошди... Лекин... Сигирга қараркан, ҳаваси келди. Териси товланиб турибди, имкони бўлганда-ку, қўлдан чиқармасди-ю, қизини узатиши керак. Яхши мол эди-да.



III. Дамачининг қовунини емабсиз, дунёга келмабсиз.

Дамачи — Тошкент яқинидаги Зангиота туманидаги бир қишлоқ.

Ҳасанбой ҳусайниси (узум), Қува анори, Варганда узуми, Марғилон турупи, Оққўрғон анжири. Улар қадимдан машҳур бўлгани каби Дамачи ширин-шакар қовунлари билан машҳур бўлган эди. Ҳозир шу мевалар Мирзачўлда ҳам яхши етиштирилаяпти.

IV. Мақоллар:

1. *Иш деса оғрийди ошиқ-мошигим,
Ошга деса тайёр катта қошигим.*
2. *Ошга қуноқ- ишга нуноқ.*
3. *От булсанг-у, кишнамаснг,
Одам булсанг-у, ишламасанг.*
4. *Ишчан тилаги — тонг ота қолса,
Ялқов тилаги — кун бота қолса.*
4. *Аҳмоқ кулгуга туймас,
Ялқов — уйқуга.*
5. *Ишчанлик тўрга тортар,
Ялқовлик — гурга.*
6. *Туяқушга уч десалар, мен туяман, дейди,
Булмаса юк кутар десалар, мен қушман дейди.*
7. *Ялқов хотинга боласи борлиги баҳона.*
8. *Уроқчини ёмони уроқ танлар,
Ишёқмас мардикор кетмон танлар.*
9. *Дармони йўқнинг, армони йўқ.*



4. *Нутқнинг тозалиги.* Нутқнинг тозалиги деганда, унинг аввало, унинг адабий тилнинг лисоний меъё-рига мувофиқ келиши ё келмаслиги тушунилади. Дарҳақиқат, яхши идеал нутқ ҳозирги ўзбек адабий тили талабларига мос ҳолда тузилган бўлиши, турли тил, айниқса адабий тил унсурларидан холи бўлиши керак. Бу масаланинг лисоний томони бўлиб, нутқий тозаликнинг нолингвистик жиҳатлари ҳам ундан қам бўлмаган аҳамиятга эга.

Нутқимизнинг тоза бўлишига ҳалақит бераётган лисоний унсурлар, асосан диалектизмлар ва варваризмлар билан маълум бадиий эстетик вазифани бажариши муаллифнинг маълум ғоясини, ниятини амалга оширишга хизмат қилиши мумкин. Айтайлик, муаллиф миллий колоритни бермоқчи ёки асар

қахрамонини қаерлик эканлигига ишора қилишда диалектизм ва варваризмга мурожаат қилиши, ҳатто зарурдир. Масалан, «Ёшулли, сенинг қизинг бунда гапирилмаган, овва, ёшулли, сан манглайи қара батқирдор, на сабабдан мундоқ ёмон сўзларни элга тар-қатдинг?» (Мирмуҳсин). Ушбу мисолда диалектизм-лар ҳудудий колоритни тузишга хизмат қилгани каби, қуйидаги мисолда диалектизмлар ҳудудий колоритни бузишга хизмат қилгани каби, қуйидаги мисолда варваризмлар — чет сўзлар характер яратишда ёзувчига кумаклашган.

«Дубора» яна борди бир ишга шул (сўкиб, нет — деди, келма, дуррак, пошёл!). *Мирмуҳсин*.

Паразит сўзлар деб аталувчи луғавий бирликлар ҳам тил маданияти учун ётдир. Улар, асосан сўзлашув нутқида куп ишлатилиб, нотиқнинг уз нутқини кузатиб бормаслиги, эътиборсизлиги натижасида пайдо бўлади ва бора-бора одатга айланиб қолади. Масалан, айрим кишилар ўзлари сезмаган ҳолда «демак», «хўш» каби сўзларни қайтара беришга урганиб қолганлар. «Бир докладчининг бир соатли нутқида, — деб ёзади А.Аҳмедов, — «уртоқлар» сўзи 101 марта, «яъни» сўзи 73 марта, «демак» сўзи 60 марта такрорланганлигини гувоҳи буламиз. Қаранг, бир соатлик нутқда 234 та ортиқча «бекорчи» сўз ишлатилган». (*А.Аҳмедов «Тил бойлиги». Тошкент, 1968 й. 27-бет*).

Такрорлаш учун машқлар

Назмда тез айтиш:

I. *Чаманларни, чайласини*

Четидан чигиртка чиқибди.

Чигиртка чаманни чеккасидан чиқибди.

Чаман чигирткани чеккасига чертибди.

Чигиртка чириллаб қочибди.

II. *Қалам қошинг, қаро қошинг,*

Қийиқ қайрилма қошинг қиз,
Қилур қатлимға қаст қайраб,
Қилич қотил қарошинг қиз,
Қафасда қалб қушин қийнаб,
Қанот қоқмоққа қўймайсан,
Қараб қўйгил қиёким,
Қалбимни қиздирсин қуёшинг қиз!

Э.Воҳидов.

III . *Ўзбекистон! Сен авайла болаларингни*
Улар усиб, доно бўлиб, боғлаб қўяр
Етмиш йиллик яраларингни.

1994.01.06. Болаларни асраш куни.

Азизлар!.. Меҳр топсак, оқибат топсак,
Меҳримизни олайлик қулга.
Оқибатни сотмайлик пулга,
Муҳаббатни ўрайлик гулга,
Яхши ният билан чиқайлик йулга.

П.Носиров. 1994. 1.IX. Мустақиллигимизнинг
уч йиллиги. Анқарада “Ота Турк” стадионида
уқиганман.

IV. Ақли одам қиладиган ишнинг охири нима билан ва қандай тугашини олдиндан кўз олдига келтириши керак. Қаерга боришни йўлга чиқишидан олдин билиши керак. Акс ҳолда йўлнинг ярмида сарсон бўлиб қолади, фалокатдан бошқа нарсага йўлиқмайди. Узибилармон одам ҳамиша машаққатда яшайди.

«Бири кўр, бири соғ икки одам ўраб чиқилса, уни кўриб одамлар кўзи соғ одамни айблайдилар, кўзи ожиз кишининг ишини узрли деб биладилар».

«Калила ва Димна»дан.

V. Тўғрилик ва тозаликка дўст бўл. Дунёда тўғриликдан, тозаликдан яхши дўст бўлмайди. Тўғрилик

билан ҳар нарсага эришса бўлади. Бу шундай давлат-ки, улашганинг билан камаймайди. Ут, сув, ваҳший ҳайвонлар ва бошқа зарарли нарсалар ҳам унга зиён етказа олмайди. Кимки туғри йўлдан четга чиқиб давлат орттириш билан шуғулланса, ўз умрини ёмон ишларга сарф этса, гафлатда қолади.

Бу дунёга берилган одам — бойликка ҳирс қўйган одам: ипак қуртига ўхшайди, у қанчалик кўп ипак ўраса, ўз қўл-оёғини шунчалик қаттиқ боғлаган ва нажот йўли шу қадар қийинлашган бўлади.

Туғри сўзни топиб гапиришга ўрганинг!

«Калила ва Димна»дан.

5. *Нутқнинг таъсирчанлиги* деганда, асосан, оғзаки нутқ жараёни назарда тутилган ва шунинг учун унинг тингловчи томонидан қабул қилинишидаги руҳий вазиятни эътиборга олиш ҳам муҳимдир. Яъни нотик тингловчиларни ҳисобга олиши — кишиларнинг билим даражасидан тортиб, ҳатто ёшигача ўз нутқининг тингловчилар томонидан қандай қабул қилинаётганини назорат қилиши лозим бўлади. Профессионал билимга эга бўлган кишилар олдида жўн, содда тилда гапириш мақсадга мувофиқ бўлмагани каби оддий, етарли даражада маълумотга эга бўлмаган тингловчилар олдида ҳам илмий ва расмий тилда гапиришга ҳаракат қилиш керак эмас. Хуллас, нотикдан вазиятга қараб иш тутиш талаб қилинади ва ифодаламоқчи бўлган фикрни тўлалигича тингловчиларга етказишга ҳаракат қилиш вазифа қилиб қўйилади. Хўш, таъсирчан нутқ деганда, қандай нутқни тушунмоқ керак? Унга В.Н.Головин шундай таъриф беради: «Таъсирчан нутқ деб, нутқ қурилишининг тингловчи ва ўқувчи эътибори ва қизиқишини қозонадиган хусусиятларига айтилади. Ўз навбатида, шу хусусиятларга эга бўлган нутқ таъсирчан саналади».

Омма тушунадиган тилда гапириш, уларни ишонтира олиш нотиклар олдида қўйиладиган асо

сий шартлардан ҳисобланади. Бунинг учун эса юқорида айтилганидек, мавзунӣ яхши билишдан ташқари, уни баён этишнинг аниқ белгиланган режаси бўлиши керак. Нутқдаги фикрларни биринчи ва иккинчи даражали тарзда тузиб, уларни узаро боғлаб, тингловчиларга аввал нутқ режасини таништириб, гапни боғлаш лозим. Вақтни ҳисобга олиш нотиқлик фазилатларидандир, чунки сўзлаш муддати олдин эълон қилиниб, шунга риоя қилинса, агар иложи бўлса, сал олдинроқ тугатилса, тингловчилар зерикмайди.

Сўзловчиларнинг ўз нутқига муносабати ҳам муҳимдир, чунки шундай бўлгандагина қуруқ расмиётчиликдан қочиш бўлади. Сўзловчи ва тингловчи ўртасидаги алоқа яхши бўлади. Нотиқ фикрларининг узи ёки тингловчилар ҳаётидан олинган мисоллар асосида исботлашга ҳаракат қилса, мавзуга доир субъектив фикр-мулоҳазаларини билдирса, нутқ ҳам ишонарли, ҳам таъсирли бўлади.

Такрорлаш учун машқлар

1. «Меҳнат» монолоғи:

Мен пок қалбли кишиларга доимо йўлдошман. Мени шарафлаган кишининг бошига бахт қуши бўлиб қўнаман. Мен севган ва мени севган инсон юзидан нотиқлик нури ёғилиб, кўрқув ва ваҳиманинг нима эканини биллмайди. Мен кўксидан нишонлар ял-ял товланаётган инсонларга мамнун боқаман. Шу тобда жаноб бунлаб оқибатим келади: «Э-ҳей... бу ~~бунлаб~~ уз гарбнига ~~бунлаб~~ меҳнатман».

Менинг сўзларимнинг энгил-елни ҳаёт сари ортиққан, мол-мулк ҳирида ёнаётган кишилар устидан баҳимнинг нури ёғилиб, кўрқув ва ваҳиманинг нима эканини биллмайди. Мен кўксидан нишонлар ял-ял товланаётган инсонларга мамнун боқаман. Шу тобда жаноб бунлаб оқибатим келади: «Э-ҳей... бу ~~бунлаб~~ уз гарбнига ~~бунлаб~~ меҳнатман».

майди. Чунки уларнинг бошлари ярқираётган бахт-икбол тожи йулларини равон ва ойдин қилиб турибди. Мен мағрурман! Чунки инсон мени қадрламоқда! Бу қадр эса менинг эмас, балки инсоннинг қадри, бахт қувончи, шону шавкати.

II. Назмда:

Шукур Бурҳонни ҳам кузатиб қуйдик,

Кетди, қон юраги устида қули.

Ортдан эргашиб бориб, биз қуйдик,

Бордик дўстлар ҳам, сузладик, ёлғон

Санъат фидойилари: Мен сизга айтсам,

«Ундай Шукур Бурҳон!..

— Бундай Шукур Бурҳон!..

Тиригида ҳеч ким айтолмаган гаплар

Ҳали совимаган тупроғига ёғди.

Шунча дўсти бор экан, у билмаганди.

Ёпирай, тасаввур ҳам қилмаганди...

Чунки, уч кун олдин почтадан олган,

«Меҳнат дафтарчаси»н қучоқлаб, ҳайрон

Хотини олдида: шундай йиғлаганди...

Украб-украб йиғлаганди:

Ҳунграб йиғлаганди.

Кўзга тор бўлиб ёруғ жаҳон.

Эркак боши бундай эгилганди...

Балки узилгандир ушанда жони.

У, балки мендан ҳам Яшарди кўпроқ.

У, балки Сендан ҳам Яшарди кўпроқ.

Эй, қўнғир тўпроқ! Эй муқаддас тўпроқ!

Сен Шукур бобога болиш бул юмшоқ!..

Муҳаммад Юсуф

III. Масал:

«Тишлар ғаразгуй тилдан сурабдилар:

- Нега доим бизларни шамоллатаверасан?

Тил тикиллаб жавоб берибди:

- Сендан нарида лаблар бор — уларни қовушгани-
ни кўраолмайман, уларни бир-биридан ажратиб ту-
риш менинг вазифам.

Рубоий:

*Олим агар илмига қилмаса амал
У — устига китоб ортилган эшак.
Илмсиз қозини эшак деб айтма,
Чунки бу эшакка тўхматдир бешак!
Ҳазил-мутойиба:*

- Хотиним билан ажрашмоқчиман. Мана олти ой
бўлдики, у мен билан гаплашмайди.

- Ақлинг борми ўзи! Бошқа бундай хотинни қаер-
дан топасан?...

IV. Сатира-юмор:

«Кооператив санамлар»

С. Саидов.

*Булардан Америкю Фаранг ҳиди келади
Узлари келмай бурун, қаранг ҳиди келади.
Қулоқларида зирак, зиракми ё гилдирак?
Жайрадай хурпайган соч, бу сочларни курсанг қоч!
Лаблари ҳам чўччайган, буларда ишқ кучайган,
Ноланса бети билан, имлайди кети билан.
Оёқлари билонглар, мисли чипор илонлар,
Ҳов, жўралар, инилар, огоҳ этай билинлар,
Бу тун иноқ бўлсангиз, (Булар жуда шўхдурлар)
Бир умр даволар сўнг «кооператив духтурлар».*

«Муштум»дан.

5-МАЪРУЗА

I. УЎҚИТУВЧИ НУТҚИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

II. Режа:

1. Нутқнинг таъсирчанлигига эришиш йўллари.
2. Уқитувчи ва ўқувчи муносабатларида муомала одоби.
3. Уқитувчи нутқига қўйиладиган талаблар.

III. Мустақил ўқиб-ўрганиш учун адабиётлар:

1. Маҳмудов Н. «Маърифат манзиллари», Тошкент, 1999.
2. Қўнғуров Р., Бегматов Э., Тожиев Ё. «Нутқ маданияти ва услубияти асослари», Тошкент, 1992 й.
3. Қудратов Т. «Нутқ маданияти асослари», Тошкент, 1993.

IV. Таянч сўз ва иборалар:

Тилнинг тасвирланган ифодалари. Ўзлаштириш — ўз муносабатини аниқ белгилаб олиш.

Тилда диалектик бирликка эришиш.

Мавзуга масъулият билан ёндашиш — «Осмон йироқ, ер қаттиқ». Таърифи. Илон бошлар ким, саватбошларчи? Иккиюзламачилар. Тийрак нигоҳли ўқитувчи. Нутқни такомиллаштириш.

V. Луғат:

Мантиқ — (арабча) тафаккур шакли ва қонунлари ҳақидаги фан, логика.

Нутқнинг мантиқийлиги — лексик, семантик ва синтактик меъёрга амал қилиш.

VI. Назорат саволлари:

1. Уқитувчи нутқига қандай талаблар қўйилади?
2. Уқитувчи овоздан қандай фойдаланиши керак?
3. Уқитувчи нутқида фикрни ифодалаш усуллари ҳақида гапиринг.

VII. Маърузанинг мазмуни:

Машҳур ва таниқли нотиқлар ҳам ўз нутқларининг намунали бўлишини таъминлашда қўйидаги асосли ҳолатларга алоҳида эътибор берганлар:

1. Ўзи тўхталмоқчи бўлган масала ёки мавзунини чуқур ўрганиш, ўзлаштириб олиш, ундаги масалага ўз муносабатини аниқ белгилаб олиш.

2. Ўз дунёқарашига эга бўлиш, сўз билан иш бирлиги, назария билан тажрибанинг диалектик бирлигига эришиш, фикрларни илмий асослаш.

3. Мавзуга маъсулият билан ёндашиш, уни омма олдида тўлиқ очиқ беришга, ёритишга диққат қилиш.

4. Ҳар нутққа жиддий тайёргарлик қўриш, жумладан, маърузани нимадан бошлашдан тортиб, нима билан тугатишгача жиддий ўйлаб олиш, масалаларни ўрғага ташлаш, кетма-кетлигини яхшилаб белгилаб олиш, уларнинг ўзаро боғланишини таъминлаш, маълум режалар ёки режа-конспектлар тузиб олиб, ўзи учун алоҳида ва кенг тўхталиш зарур бўлган уринларни белгилаб олиш ва бошқалар.

Нутқнинг таъсирчанлигига эришишда тилнинг тасвирий воситалари ҳисобланган метафора, метонимия, синекдоха, ухшатиш, эпитет, такрор ва адабий кучирмаларнинг ҳам ўрни беқийсдир. Нутқда таъсирчанликни таъминлаш учун мақоллар, маталлар, ҳикматлар ва сўз иборалари, айниқса, фразеологизмлардан кенг фойдаланиш зарур. Ёзувчи Абдулла Қаҳҳор ўз ҳикоя

ларининг кўпчилигида эпиграф сифатида мақоллар келтириш билан дарҳол ўқувчи диққатини тортади:

«Осмон йироқ, ер қаттиқ» (Бемор).

«Отнинг ўлими, итнинг байрами» (Ўғри) кабилар.

Масалан: 1. Оллоҳ берса қулига

Тутқазади қулига.

2. «Икки киши талашяпти ер меники деб.

Ер айтади: - Эй нодонлар, икковинг ҳам меники».

3. Биров енгилади, енгади биров,

Бу ҳаёт қонуни албатта.

Ноғора дуторни босади биров,

Аммо ўрнимас санъатда.

4. (Ҳазил-қўшиқ):

Опа-сингил, опа-сингил,

Бир йигитга қўйди кўнгил.

Ранжиб қолди энди опа,

Опасидан сингил хафа.

Янгамизни қариндоши илон бошлар,

Келар бўлса зум утмасдан нишар ошлар.

Каминанинг қариндоши сават бошлар,

Келар бўлса чимирилгай шу дам қошлар.

Илонбошга дастурхон ҳам булар қуюқ,

Сават бошга дамланади чой ҳам суюқ.

Очиқ чехрали одам иккиюзламачиликдан йироқ бўлади. Очиқ чехралилик, айниқса, ўқитувчи учун зарур фазилатлардандир. Зеро, ўқувчилар қалбига йўл топиш, меҳрини қозониш ўз фанининг чинакам ихлосманди қила олиш ҳазилакам иш эмас. Бунинг учун, албатта, ўқитувчининг кенг феъли-ю, саҳоватли қалби, уткир зеҳни-ю, теран фикри, тийрак нигоҳи муҳимдир.

Агар ўқитувчи ўқувчиларнинг юрагига яқин нарсаларни беролмаса, уларда ўзига нисбатан илиқ ҳиссиёт ҳосил қилолмаса, улар кўнглига йўл топиши жудаям қийин бўлади.

Инсон хулқи-атворида энг муҳим қонун бор, агар биз бу қонунга амал қилсак, ҳеч қачон кўнгилсиз ҳолатга тушмаймиз. Чунки бу қонун ўқувчиларни кўпроқ ўзимизга мойил қилишга ёрдам беради. Лекин биз уни озгина бузишимиз билан дарров кўнгли-сизликка учираймиз. Бу қоида қуйидагичадир: ўқувчилар билан шундай муомалада бўлингки, улар бу муомаладан ўзларининг аҳамиятлироқ эканини ҳис қилишсин. Бошқаларнинг кўз ўнгида аҳамиятли бўлиш хоҳиши инсон табиатининг энг асосий белгиларидан биридир. Чунки катталарнинг ўз суҳбат мавзуси бўлгани каби болаларнинг ҳам тўлиб-тошиб гапирадиган мавзулари бўлади. Шунинг учун кўпни кўрган кишилар болалар билан бола бўлиб, кексалар билан кекса бўлиб суҳбат қуришга ҳаракат қиладилар. Тажрибали ўқитувчилар суҳбат чоғида инсон кўнглини асрашга, унга мулоимлик билан йўл топишга ҳаракат қиладилар. Тажрибати ўқитувчилар бирор жиддийроқ фикр-ни айтишдан олдин ўқувчисини (тингловчисини) суҳбат мавзусига тайёрлаб олишга интиладилар. Шундай қилинганда тингловчи ҳар қандай ҳаяжонли ва қайғули хабарларни ҳам анча энгил қабул қилади ва тўғри муносабатда бўлади. Инсон қалбини забт этиш, унинг муҳаббатини қозониш учун кўп нарса керак эмас, ширин сўз, самимий муомала кифоя.

Инсон бутун умри давомида ўз нутқини такомиллаштириб боради. У тилимизнинг бой имкониятларидан унумли фойдаланиш орқали нутқнинг гузал, равшан, ифодали, таъсирчан бўлишига интилади. Зеро, гузал ва таъсирчан сўзлай билиш ҳам санъат. Лекин бу санъатдан бебаҳра инсонлар ҳам ҳаётимизда учираб туради. Бу санъатдан бошқа касб эгаларидан фарқли улароқ ўқитувчи бебаҳра бўлса-чи? Бу асло кечириб бўлмас ҳолдир.

Қайси фанни ўқитишдан қатъи назар, ўқитувчининг асосий қуроли, таъбир жоиз бўлса, кетмони унинг нутқидир. Кетмон ўткир бўлса, ер ҳам, кетмончи ҳам хузур

қилади, агар кетмон утмас булса, ернинг ҳам, кетмончи деҳқоннинг ҳам аҳволига вой булади. Худди шундай ўқитувчининг нутқи утмас булса, унинг билими қанчалик чуқур ва тугал булмасин, ўзига ҳам азоб, ўқувчи ёки тингловчига ҳам азоб. Она тилида пухта, лўнда ва ширадор нутқ туза билиш малакаси ва маҳорати математика ўқитувчиси учун ҳам, она тили ўқитувчиси учун ҳам бирдай зарурий фазилатдир. Ўқитувчи гузал, ўзини ҳам, сузни ҳам қийнамайдиган равон ва ибораларга бой нутқи билан ўқувчиларни маҳлиё этиб, бермоқчи булган билимини ёш инсон шуурига осонлик билан олиб киради. Зотан, она тили миллий маънавиятимизнинг дунёни теран идрок этишимизнинг заминидир».

Н. Маҳмудов «Маърифат манзиллари», 28-бет.

Машқ учун

Уйгун ва И.Султоннинг “Алишер Навоий” драматидан парча:

Навоий Султон Ҳусайн ҳузурига келар экан, унинг мақсади шаҳоншоҳни Мажидиддин қилмишларидан хабардор қилиб, вазирни сарайдан четлаштириш, шу билан давлатни мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшишдан иборат. Шунинг учун ҳам унинг дастлабки сўзлариданоқ туб маъно англатувчи пичинг, таъма сезилиб туради. Олим Ҳўжаев бунда Навоийнинг руҳий дунёсига ҳаракатни, ундаги темпни шошқалоқлик билан билдириб қўймасликка интилади. Гарчан шоҳга пичинг қилса ҳам бу сўзлар, асосан Мажидиддинга тегишли эканини назарда тутлади.

Ҳусайн: — Алишер, мен хазинанинг аҳволидан бе-хабар сизга кўп пул ваъда қилган эканман.

Навоий: — Мен шоҳимизнинг ваъдалари чин ва муътабар деб ишонган эдим.

Ҳусайн: — Мавлоно Мажидиддиннинг айтишига кўра, хазинада ақалли икки туман ҳам ақча қолмабди.

Навоий: — Мавлоно Мажидиддин айтган бўлсалар инонмоқ керак, чунки Мавлоно ҳар нарсадан ҳам хабардор.

Мажидиддин: — Шоҳим туғри айтадилар... Ҳазинанинг аҳволи оғир, ҳаражатлар куп.

Навоий: — Гапларингизга инонмоқ керак.

Бу вақтда Хусайн Бойқаронинг ҳам ички кечинмалари одатдагидан бошқача. У Мажидиддин ҳавола қилган шеърнинг мазмунидан ўзича хулоса чиқариб, Алишер билан ўзининг муносабатини ўзгариб бормоқда деб тушунади. Бу борада Мажидиддин катта иш курсатди. Алишернинг истехзоли, пичингли гапларидан сўнг унинг шубҳалари ортади ва Мажидиддин даъвосини ҳақ деб билади. Лекин ўз шубҳаларини Алишердан яширишга тиришади. Шунинг учун артист Лутфулла Назруллаев ҳам ички эҳтирос, ҳаяжонни босишга интилиб ўзини вазмин тутади:

— Алишер, мен сизни шундай вазиятда биринчи мартаба кўриб турибман. Муғомбирлик сизга ярашмас экан. Куп утмай Алишер Дарвешалининг салтанатига қарши бош кўтарганини эшитади ҳамда пичингларнинг асосий сабаби шунда эканини тушунади.

Шоҳнинг истагига кўра, у кўзғолонни бостиришни ўз зиммасига олади. Лекин унинг хаёли бошқа нарсада: у Мажидиддиннинг қилмишларидан шоҳни хабардор қилиб, ҳалокат ботқоғидан халос этмоқчи. Зотан, Алишернинг бу ерга келишидан мақсади ҳам Бойқарони Мажидиддиннинг кирдикоридан хабардор қилишдир. У сафарга жунаш олдидан:

— Шоҳим, бир илтимосим бор, дейди. ~~О~~ Хўжаев бу сўзларни айтар экан, ўз ҳаяжонини яширишга интилади. Лекин ҳар сафарги янги-янги луқмада бу яширин ҳолат аста-секин ошкор тус ола бошлайди. Оқибатда нуқтнинг суръати ҳам тобора жадаллашиб боради:

Навоий: - Амир Мажидиддин саройдан узоқлаштирилсин.

Ҳусайн: - Сабаб?

Навоий: - Давлатимизни яксон қилмоқчи булган
хоинга салтанат даргоҳида ўрин йўқ!

Мажидиддин: - Тухмат!

Навоий: - Тафтиш тамом бўлмагани ҳолда Ёдгор-
нинг бошини олдириб юборишни нима деб фаҳм-
лаш керак?

Ҳусайн: - Қачон? Ким олдириб юборди?

Навоий: - Шу бугун, улуғ вазилингиз!

Бу гапларни эшитгандан сўнг Мажидиддин қаттиқ
бевоталанади, шошиб қолади. Кузини қасрга яши-
ришни билолмайди. Худди қопқонга тушган тулки-
дай гангийди ва тезлик билан ўзини ҳимоя қилишга
тушади.

И. Пулатов “Саҳна нутқи”. Т.: Ўқитувчи, 1994.

6-МАЪРУЗА

I. НУТҚ МАДАНИЯТИ ВА НОТИҚЛИК САНЪАТИ

II. Режа:

1. Нотиқлик санъати ҳақида.
2. Нутқ маданияти ва нотиқлик санъатининг ухшаш ва фарқли томонлари.
3. Таълим жараёнида нутқ маданияти масалалари.

III. Мустақил ўқиб-ўрганиш учун адабиётлар:

1. Каримов И. «Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори».
2. Бегматов Э., Бобоева А., Асомиддинова М., Умрқулов Б. «Ўзбек нутқи маданияти очерклари». 1992.
3. Маҳмудов Н. «Маърифат манзиллари». Тошкент, 1999.
4. Маҳмудов Н. «Тил» Тошкент, 1998.
5. Тожиев Ё., Ҳасанова Н., Тожиматов Х., Йўлдошева О. «Ўзбек нутқи маданияти ва услубияти асослари». Тошкент, 1994.
6. Қўнғуров Р., Бегматов Э., Тожиев Ё. «Нутқ маданияти ва услубият асослари». Тошкент, 1992.
7. Қудратов Т. «Нутқ маданияти асослари». Тошкент, 1993.

IV. Таянч сўз ва иборалар:

Фазилат. Фаҳм, фаросат. Таълим жараёни. Маърифат манзиллари: сўзга чечан, гапни дундиради, сузомонлик санъати, гапга уста, чиройли гапирадн. Табиий қобилият. «Янги олам, янги одам қайтадан туз-

V. Луғат:

Воиз — диний мазмунда ваъз қилувчи, ваъзхон.

Нотиқ — ўз фикрини аниқ, лўнда ва таъсирчан ифода эта оладиган инсон.

VI. Назорат саволлари:

1. Нотиқлик санъати деганда нимани тушунасиз?
2. Нотиқлик санъати билан нутқ маданияти тушунчасининг ухшаш ва фарқли томонлари тўғрисида айтиб беринг.
3. Нутқ маданиятининг таълим тарбия жараёнига таъсири.

VII. Маърузанинг мазмуни:

«Бизнинг Шарқда, хусусан Ўзбекистонда нотиқлик санъати азалдан маълум ва машҳур бўлган. Чунки «Маъноли ва маданиятли, бежирим гапира билиш, сўзнинг орқа-ўнгини, муносиб ўрнини фарқлай билиш, нутқий фаҳм-фаросат, тархли нутқ одоби каби фазилатлар Туронда инсон умумий ахлоқнинг маънавий расолигининг таянч устунларидан саналган».

Н. Маҳмудов «Маърифат манзиллари».

Орамизда сўзга чечан, сўзга уста, сўз устаси, сўзамол, сўзамоллик, сўзни бопплайди, гапни дўндиради, гапга уста, чиройли гапиради каби иборалар бор. Келтирилган сўз ва ибораларнинг барчаси инсон нутқининг, инсон нутқи камолотининг даражасини умумий, жўн нутқдан фарқланадиган нутқ намуналарини ифода қилади. Аммо ҳамма ҳам бир хилда гапга чечан, ута чиройли гапирувчи бўлавермайди. Нутқий чечанлик, нотиқлик, алоҳида қобилиятдир. Чинакам нотиқлар нотиқлик маҳоратига, нотиқлик санъатига табиий қобилият, шу билан бир қаторда ўз тили, нут-қи устида тинимсиз ишлаш натижасида эришадилар.

Гап нотиклик устида борар экан, унинг энг замонавий турларидан бири — воизлик туғрисида тухталишимиз табиий. Воизлик санъати билан шуғулланадиган кишилар халқнинг назаридаги етук аллома бўлганлар ва улар нодир истеъдод соҳиби сифатида қадрланганлар. Масалан: Алишер Навоий замонасида Ҳусайн Воиз Кошифий ана шундай кишилардан бўлганлар.

Шунингдек, бундан аввалроқ, Соҳибқирон Амир Темур замонасида Воиз Ҳурмуз, Бобур Мирзо ҳамда Мирзо Улуғбек замонасида сарой аҳли орасида тиббий олимлар, мунажжимлар, Шайхул Ислом қаторида, албатта, нотиклар, саркардалар билан воизлар ҳам сарой аҳли назарида етук алломалар бўлишган.

Масалан: Ўзбекистон Миллий академик драма театри дастуридан муносиб ўрин олган, Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов қаламига мансуб бўлган «Соҳибқирон» асаридан бир парча келтирсак: «Ҳофиз Шерозийнинг Соҳибқирон Амир Темур ҳазратлари билан учрашув саҳнаси:

Ҳофиз: — Аълоҳазрат!

Мен бир йуловчи карвон элчисиман
Қора Юсуф деб аталмиш сур бир қароқчи
Карвонларни талар экан Макка йўлида
Бизни ундан қутқаришди сарбозларингиз
Элчи бўлиб келдим, сизга раҳмат айтгани
Исмим Ҳофиз, ўзим Эрондан.

Темур: — Ҳофиз?

Ҳофиз?

Шерозиймасму?

Ҳофиз: — Худди шундай, амирим!

Темур: — Сиз Ҳофизми?

Шерозийми?

Уша шоирми?

Наҳот уша шоир бўлсангиз?

(Темур Ҳофизга юзланади).
Ҳофизман денг!
Шерозийман денг!
Бунча ночор?
Бунчалар юпун?
Нима билан исботлайсиз ўзлигингизни?
Ҳофиз: — Албатта, шоир ўзлигини исботлаш учун,
Шеърларидан бўлак бирор ашё тополмас.
«Топмадим бу олам ичра, бир ҳақиқий одамий,
Янги олам, янги одам қайтадан тузмоқ керак».
Темур: — Ижозатингиз билан,
Сизга эслатсам мана бу сатрларингизни:
«Агар он Турки Шерозий бадаст орад, дили моро,
Ва холи Хиндуяш бахшам Самарқанду Бухороро»
Шундайму?... (Агар кўнглимни шод этса ўша Ше-
роз жонони,
Қаро холига бахш этгум Самарқанду — Бухорони)
Ҳофиз: — Худди шундай, Амирим!
Ҳа! Афсуски шундоқ — Амирим!
Ушбу байтим учун балки дорга тортгайсиз?
Демак, қисмат исбот қилур Ҳофизлигимни,
Мен ҳам қўлдан келгунча исбот қилурман:
(Ҳофиз кушиқ куйлайди).
Темур: — Боракалло! Боракалло! Боракалло! Офарин!...
Мен Самарқанду Бухоро деб дунёни олдим,
Сиз бир хол учун уларни ҳадя этмишсиз.
Шунчаликми?
Ҳофиз: — Ҳазрат, ахир куриб турибсиз,
Бисотимни гузалларга улашавериб,
Шундоқ ҳолга тушиб қолди.
Ночорман, юпунман.
Оқибатда мажбур булиб битта хол учун,
Дунёдаги бестакрор икки шаҳарни —
Самарқанду Бухорони ҳадя этганман.
Темур (Қаҳ-қаҳ уриб):
Ширин хаёл бандасиз,

Эҳ, сиз, шоирлар.

Мен ростини айтсам агар, ёр холи учун,
Шаҳар эмас, жонни нисор айламоқ даркор.

Гапнинг асл индаллосин эшитинг энди:

Бизнинг улуг шаҳарларни баҳолаш учун,
Бундан ортиқ ташбеҳ бўлмас, тасанно Сизга,
Энди бир байт ҳадя этсин Сизга Темур ҳам:

— Ўз лабзидан тинглаш учун Ҳофиз шеърини,
Қайта бошдан забт этардим Эрон елини.

Ҳофиз: — Минг ташаккур, Аълоҳазрат, лутфингиз
учун,

Аммо у пайт, биронта байт айтмасдим, узр.

Темур: — Бу мушкулни тангри ўзи ҳал этди осон,
Ҳофиз билан суҳбатдошман бежанг, бекурол.

Самарқанду Бухорога ташриф буюринг,
Улуг зотлар яшаб утган у жойлардан ҳам.

Яссавийни эшитгансиз?

Ҳофиз — Султон ул Орифийн
Туркистонлик авлиёдир,

Соҳиб ҳикматдир.

Темур — Шоир аҳли куйласа бас икки жиҳатни,
Яссавийдек ҳикматларни ёзсинлар ёки,

Ёр жамолин васф этсинлар Сиздек — Ҳофиздек.

Ҳофиз — Шеърияту, илму фанга Сиз каби жумард,
Олий ҳикмат ҳомий берсин доим Оллоҳим.

Ана шунда гуллаб яшнар Эронзамин ҳам,

Ана шунда чарақлагай Турон ҳам абад.

Хайр, амирим! Худо Ҳофиз!

Темур — Хайр, устоз! (Қарсак, мулозим киради).

Сиз шоирнинг елкасига зарбоф тун ёпинг,
От миндиринг.

Илҳомидек учқур саман от

Карвонини кузатингиз манзилигача,

Инъом беринг, икки шаҳар ҳирожи қадар.

Ҳофиз — Хайр Амир!

Аллоҳ ёр бўлсин! (Чиқиб кетади).

Тил ва нутқ ҳар иккала соҳа инсон нутқи билан алоқадодир. Ҳар иккаласи ҳам кишилар нутқий фаолиятининг фойдали таъсирчан, уткир бўлиши учун курашади, инсоннинг нутқий маданияти, унинг нутқий ҳолатини ўстиришга хизмат қилади. Нутқ маданияти ҳам, нотиклик ҳам нутқий одам, нутқий гузаллик, нутқий мантиқ қонуниятларидан озикланган ҳолда иш кўради. Аммо шунга қарамасдан, бизнинг назаримизда, нутқий санъат маъносидоги нотикликни, яъни фавқ-улодда нутқий маҳорат ва қобилият бўлган нотикликни оммавий нутқдан фарқлаш лозим.

Баъзи шахсларда учрайдиган нотиклик санъати оғзаки нутқ соҳасида шахсий қобилият ва фаолият туфайли эришилувчи алоҳида санъатдир. Нотикликда қобилият ва маҳоратнинг меҳнат билан қушилиб келганини куриш мумкин, ҳар бир халқнинг ўтмиш маданий ҳаётида у халқдан етишиб чиққан ва чин маънода нотик деган мўътабар номга сазовар бўлган шахсларнинг унчалик эмаслиги ҳам аслида ана шундай омил туфайлидир.

Ҳар бир соҳанинг ўз атамалари тизимида битта атама фақат битта маънони ифодалайди. Атамаларни қўллашда ҳар қандай мураккаб фикрни ихчам ва осон, лунда ва аниқ, шунингдек, тушунарли ифодалаш шу йўл билан фикр алмашувини осонлаштириш мақсад қилиб қўйилади. Атамачилик тил лексикасининг таркибий қисми ҳисоблангани учун кишилар ўртасидаги алоқани таъминлашда катта роль ўйнайди. Айниқса, атамаларга хос бўлган маъно жиҳатидан аниқлик, тушунчанинг моҳиятини ёки энг асосий белгисини аниқ ифодалаб бериш, улардаги тузилиш жиҳатидан ихчамлик, қисқалик, ишлатишга қўлайлик кабилар тушунчани тушунарли, аниқ ва қисқа бўлишини таъминлайди.

Шундай қилиб, мавжуд луғатлардан кенг фойдаланиш, сўз ва атамалар маъносини мавжурангаш кишининг сўз бойлигини оширишда катта аҳамиятга эга.

Машиқ учун

I. Менинг фикрим ва истакларим:

Мен буш кунгилни яхши кўраман, буш одамни эмас.

Қора қошни, қора кўзни, қора тунни ҳам хуш кўраман, лекин қора дилни эмас. Икки қошни, икки кўзни, икки кокилни ёқтираман, лекин икки юзликни эмас.

Саҳнадаги ижод гирдобидаги ёлғизликни севаман, ҳаётдаги танҳоликни эмас.

Очиқликни яхши кўраман. Яъни очиқ эшик, очиқ чеҳра, очиқ кўнгулни, лекин дилимни ҳар кимга очишни ёмон кўраман.

*Узимга ўхшаган бўлсанг, қўлим узатай,
Қалбимдан сув ичар бўлсанг, қалбим узатай,
Муҳаббат қасридан кўнглим гар, дўст эрсанг, киргил
Магар уткинчи бўлсанг, йўлга кузатай.*

Оқ юрак яхши, оқ тилак яхши, лекин оқ қилинган фарзанддан худо асрасин.

Қизилликни ҳам ёқтираман: лаби қизилни, юзи қизилни, қизил қаламни, қизил кўйлакни, лекин эл олдида шармандаликдан қизарган юзлардан худо асрасин.

Бирлик кўп яхши нарса: тил билан дил бирлиги, Ватан бирлиги, дўстликнинг бирлиги, фикрнинг бирлиги. Лекин ёмонликнинг бирлигидан қўрқаман: тўхмат ва гийбат бирлиги, икки ёмоннинг бирлиги, хиёнат ва разолат бирлиги, сохта сузи, сохта дилнинг бирлиги, ҳасад ва ёлғоннинг бирлиги. Ҳаммаси бирлашса қиёмат бўлади...

Пулат Носир.

II. 2001 йил — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Азим Муллахонов куйлаган кўшиқ.

(2002 йил 9 май утганларни хотирлаш ва қарияларни қадрлаш куні).

Деразамни олдида тунда, сайраган қуш сизмасму, ота?
Ё қўлимга куклам мозорда, ёпишган гул сизмасму,
ота?

Не йилдурки дунёда йўқсиз, юрагимга битган ар-
монсиз,

Кўрмагансиз мани ўғлимни, эркатоийм — тухлим-
тухлимни

Мен ҳам ёшим утгайин сайин, бошимга оқ тушгани
сайин

Отам! — дея ўғлимни, кутараман ўзим кўнглимни.

Деразамнинг остида тонгда сайраган қуш сизмас-
му, ота?

Ё қўлимга куклам мозорда, ёпишган гул сизмасму,
ота?

III. Бобомдан илк урганганларим

- Бошингда нима бор?
- Тожи давлат.
- Кузингда нима бор?
- Нури Муҳаммад.
- Тилингда нима бор?
- Каломи шаҳодат.
- Қулоғингда нима бор?
- Азону қомат.
- Бурнингда нима бор?
- Буйи Муҳаммад.
- Қулингда нима бор?
- Хайру саҳоват.
- Белингда нима бор?
- Камари хизмат.
- Тиззангда нима бор?
- Ҳурмату иззат.
- Қалбингда нима бор?
- Аллоҳга муҳаббат.

«Мусулмонлар тақвими» китобидан.
Фозил Зоҳид 2002 йил, Хоразм.

IV. Тақдир монологи

*«Кимдир сўзга чечан, тили узундир.
Кимдир ўз гапин ҳам айтолмай ҳалак.
Кимдир боши баланд қули узундир.
Кимдир оғзидагини ютади аранг.
Қайнаб ётаберар дунё қозони
Ким чўмичлаб олар, кимга қошиқ йўқ
Кимнидир тарк этар кунгул изҳори
Қайсидир шурликка битта ошиқ йўқ
Кимдир тақдир дейди, силтайди қўлни
Сунгра ҳасрат билан утади умри.
Кимдир минг азобда топади йўлни,
Ва бахтнинг кунглида янграйди кунгли.
Ҳар нечаки қодирим ҳазрати инсон
Бахтсизлик хатосин ўзингдан изла.
Орзу қил, курашгин, толега ишон
Ерни ўпиб туриб, юлдузни кўзла!...»*

Замирахонга. 1997 йил, 31 октябрь.

7-МАБРУЗА

I. ТИЛНИНГ ТАСВИРИЙ ВОСИТАЛАРИ ВА НУТҚ МАДАНИЯТИ

II. Режа:

1. Тасвирий воситалар нима?
2. Троплар ва уларнинг турлари (метафора, ўхшатиш, синекдоха, муболаға ва кичрайтириш, аллегория, символ, ирония, антифраза, сарказм, перифраз, жонлантириш), эпитетнинг сифатлаш метонимияси.
3. Хулоса.

III. Мустақил ўқиб-ўрганиш учун адабиётлар:

1. Раҳматуллаев Ш. Нутқимиз кўрки. Т., 1970 й.
2. Тожиёв Ё., Ҳасанова Н., Саидова Р., Йўлдошева О. Ўзбек нутқи маданияти ва услубият асослари амалиёти. Т., 1994 й.
3. Қиличев Э. Бадиий тасвирнинг лексик воситалари. Т., 1982 й.
4. Қўнғуров Р., Бегматов Э., Тожиёв Ё. Нутқ маданияти ва услубий асослари. Т., 1992 й.
5. Қўнғуров Р. Ўзбек тилининг тасвирий воситалари. Т., 1977 й.

IV. Таянч сўз ва иборалар:

Нутқ маданияти ва тасвирий ифода воситалари, ўхшатиш, сифатлаш (эпитет) метафора, метонимия, синекдоха, муболаға, кичрайтириш, аллегория, символ, ирония (кесатиқ), антифраза, сарказм, перифраз, жонлантириш, апостроф.

V. Назорат саволлари:

1. Маданий нутқда тасвирий воситалардан тропларнинг ўрни қандай?

2. Тасвирий воситалар ва уларнинг турлари ҳақида сўзлаб беринг.

3. Тропларнинг айрим турлари бир-бирига ухшаसाда, аммо улар фарқланадилар. Булар қайсилар?

VI. Маърузанинг мазмуни:

Сўзловчи ёки ёзувчи ўзи баён қилаётган фикрнинг тингловчига ихчам, аниқ, таъсирчан ва тушунарли қилиб етказиб беришга ҳаракат қилади. Масалан, кўпинча бирор нарса, белги, хусусиятини тингловчи ёки ўқувчига тушунарли, аниқ қилиб тасвирлаб бериш учун узундан-узоқ ва бирдан ортиқ гапларга мурожаат қилишга тўғри келади. Шундай вақтларда сўзловчи ва ёзувчи айти шу фикрни баён қилиб беришда айтганимиздан бирдан ортиқ, узундан-узоқ гапларни қаторлаштириб ташлашдан қочади-ю, аммо шу фикрни бошқа воситалар билан ифодалайди. Бу тилшунослик ва адабиётшуносликда ифода — *тасвирий воситалар* дейилади.

Махсус ифода — тасвирий воситалар троплар ва фигуралар деб иккига бўлинади. Махсус ифода — тасвирий воситалар, тилда образлилик, ҳиссийликни келтириб чиқаради. Улардан фойдаланиш билан муаллиф тингловчининг сезгисига таъсир қилади. Бундан ташқари, баёнда қисқаликка, аниқликка эришилади. Бунинг учун эса, маълум шарт-шароитлар керак бўлади: биринчидан, муаллиф нотик ёки ёзувчи ифода тасвирий воситаларнинг табиатини, хусусиятини яхши тушунган, билувчан бўлиши керак; иккинчидан, ифода тасвирий воситаларига нутқни бўяш, кўр-кўрона, ҳаддан ташқари, ўринли-ўринсиз мурожаат қилавермаслик керак. Яъни уларни ишлатиш ўрни, пайти, вазифасини яхши тушуниш керак. Акс ҳолда, нутқ маданияти бузилади, тингловчи ёки

уқувчидан уша нутққа, у орқали муаллифга нисбатан салбий муносабат уйғониши мумкин.

Ифодалилик, экспрессивлик ва аниқликни танлаш ниятида бирор нарсанинг номини, белгисини иккинчисига кучириш, ўхшатиш ёки сўзларни шу мақсадда, умуман, кучма маънода ишлатиш *троп*лар дейилади. Троп — нутқда сўз ёки ибораларни кучма маънода ишлатишдир. Қандайдир хусусияти билан бир-бирига яқин икки тушунчани қиёс қилиб тропларга асос қилиб олинади. Тропларнинг турлари: эпитет (сифатлаш) — грекча сўз бўлиб, изоҳловчи деган маънони англатади.

Метафора — ўхшатиш, сифатлаш, метонимия, синекдоха, муболаға, кичрайтириш, киноя, аллегория, жонлаштириш, перифраз каби усуллар тропларнинг турлари бўлса, такрор, антитеза, градания, эллипсис, жим қолиш, риторик суроқ, боғловчисизлик, кўп боғловчилик фигураларнинг (стилистик фигураларнинг) кўринишлари ҳисобланади. *Эпитет* поэтик аниқловчи. У бошқа доимий аниқловчилардан экспрессивлик ҳосил қилиш кучма маънода ишлатилиши билан фарқ қилади. Оддий, доимий, анъанавий эпитетлар кишида ҳаёжон, тугён уйғотмайди. Бўларга кум-кўк осмон, қора куз, олтин куз бирикмалари таркибидаги аниқловчиларни мисол тарзида кўрсатиш мумкин.

Бадиий ифодалиликни кучайтириш учун хизмат қилиш эпитетларнинг услубий вазифасини кўрсатади. Услубий эпитетда муаллиф тасвирланаётган нарса ёки воқеанинг ўзи зарур деб ҳисоблаган томонини маълум нуқтаи назардан туриб баҳолайди.

Масалан: «*Мен бир қаро тунда туғилдим,
Туғилдим, шу он бўғилдим*», — деб шоир Ҳ.Олимжон, тун олдидан сифатловчи қора сўзни келтиради. Аммо бу сўзни шоир кучма маънода (туғилган вақтидаги турмушни қора тунга ўхшатади) ишлатади ва экспрессивликни таъминлайди. Эски турмушни танқидий баҳолайди.

Эпитетлар сифатида, одатда сифатлардан фойдаланилади. Аммо улар отлардан (велосипед, кўзойнак, пулат от, бахмал қир), сифатдошлардан (яшнаган дала, ошиб келган, қалқиб келган қорқизим) ҳам эпитет сифатида ишлатилиши мумкин.

Ухшатиш — нарса ва ҳодисалар ўртасидаги ухшашликка асосланиб, уларнинг бири орқали иккинчисининг белгисини, моҳиятини туларок, аниқроқ, бўрттириброқ кўрсатиб бериш *ухшатиш* дейилади. Ухшатиш энг қадимий ва кўп қўлланадиган тасвирий воситалардандир. У асосан, нутқий ҳодиса ҳисобланади.

Ухшатиш тўрт асосий қисмдан таркиб топади: 1) ухшатиш нарса; 2) ухшатиладиган нарса; 3) ухшатиш асоси, белги; 4) ухшатиш воситаси. Масалан:

«Тоглардаги қип-қизил лола

Булиб гуё ёқут пиёла.

Булоқлардан узатади сув

Эл кўзидан қочади уйқу» (Ҳ. Олимжон).

Бунда ухшатиш нарса — лола, ухшатиладиган нарса — пиёла, ухшатиш асоси — ёқут, ухшатиш воситаси — гуё. Ухшатишда чоғиштириладиган нарса ҳам, асосан унинг тўғри маъносида қолади.

Метафора — бу грекча сўз бўлиб, кўчим, кўчирма деган маънони билдиради. Нутқда образлилик, экспрессив бўёқ бериш ниятида нарса ва ҳодисалар ўртасидаги ухшашликка асосланиб, сўз ёки ибораларни кўчма маънода ишлатиш метафорадир. Масалан: киши умрини *гунча*, *бахор*, *сўлмоқ*, *хазон бўлмоқ* сузлари орқали тасвири кўчма маънода ишлатилганлиги сезилиб туради. Демак, *гунча* ва ёшлик, *бахор* ва йигитлик, *сўлмоқ* ва сўлмоқ сузлари англаган маънода қандайдир яқинлик мавжуд.

Метафорани яширин ухшатиш дейиш ҳам мумкин. Чунки метафорада ҳам, ухшатишда ҳам, асосан бирор нарса ёки ҳодиса бошқаси билан қиёс қилинади. Аммо уларга бир ҳодиса сифатида қараш мумкин эмас.

Юқорида кўрганимиздек, ухшатишда ҳар доим икки аъзо (ухшатиш ва ухшатиладиган) юзада бўлади.

Метафора, тузилишига кўра икки хил бўлади: содда ва кенгайган. Содда метафора биргина сўздан ташкил топса, кенгайган метафора икки ёки ундан ортиқ сўзлардан ташкил топади. Масалан: гумбаз (осмон маъносида), арслон, лочин (кучли одам маъносида), тулки (маккор маъносида) каби метафоралар содда: пулат от, зангори кема (пахта териш машинаси маъносида), оқ олтин (пахта), зангори олтин (газ), пулат қуш (самолёт маъносида) каби метафоралар эса кенгайган метафоралардир.

Метафораларни қўллаётганда сўзнинг ўз ва кўчма маънолари ҳамда улар ўртасидаги яқинлик, ухшашликни яхши билиш лозим, акс ҳолда айтилаётган фикр тингловчи ёки ўқувчида нотўғри тасаввур ҳосил қилиши ҳам мумкин.

Қуйидаги мисолда метафоранинг энг яхши намуналарини кўраемиз:

«Бор лочиним, бор шунқорим, яхши бор!

Бор, арслоним, ифтихорим, яхши бор!»

- Уйғун, «Хайрлашув»

Агар метафора нарса ёки ҳодисанинг номига айланиб кетса, у тил асоси сифатида тилшуносликнинг объекти ҳисобланади. Бадий метафора эса ёзувчининг индивидуал услубига хос бўлиб, уни кўпроқ адабиётшунослик ўрганади. Масалан: ёй — асли ёмғир ёққандан кейин турли хил физик-кимёвий ҳодисалардан сўнг кўринадиган ярим доира шаклидаги рангбаранг чизиқ. Унинг номи ов учун қўлланиладиган қуролга ҳам ўтган (камалак).

Метонимия — грекча сўз бўлиб, бошқача ном бериш, қайта номлаш, номини алмаштириш деган маънони англатади. Метонимия ҳам сўзларнинг кўчма маъносига асосланади. Бунда ташқи ва ички томонидан бир-бирига алоқадор нарса ёки ҳодиса

нинг номи бошқа нарса ёки ҳодисага кўчирилади. Агар метафорада бир-бирига ўхшаш нарсалар белгилари кўчирилса, метонимияда икки нарса бир-бирлари билан қандайдир алоқада бўлса ҳам, умуман узаро фарқланувчи (бир-бирига ўхшашликка асосланмаган) нарсалар белгилари чоғиштирилади, кўчирилади. Нрсалар ўртасидаги ички ёки ташқи алоқа боғланиш, нарсаларнинг номини бошқа нарсаларга ўтказиш бир неча хил кўринишларга эга, жумладан:

1. Нарса (идиш) ичидаги нарсанинг маъноси уша нарсага (идишга) ўтказилади. *Масалан: Бир товоқ (лаган) палов едим дейиш ўрнига, баъзан, бир товоқни туширдим. Бир коса қимиз ичдим дейиш ўрнига, бир косани туширдим деймиз. Бунда палов ва қимиз маъноси товоқ ва косага кўчирилган.*

2. Муаллифнинг номи асарнинг номи билан қўлланилади: *Ҳамзани ўқидим. Бу ўринда Ҳамза асарларини ўқидим деган маъно тушунилади.*

3. Ҳаракат ёки унинг натижаси шу ҳаракатни бажаришдаги восита, қурол билан алмаштирилади: *унинг пероси қасос ўти билан ёнарди.*

4. Бирор нарсани ўзи ясалган материал билан алмаштириш: *қўлда пулат ширқиллар* (қиличи демоқчи).

5. Маълум мамлакатда, давлатда ёки маълум уринда яшаб турган кишилар маъноси шу ерга, давлат ёки мамлакатга кўчирилади: *«Мажлисга бутун қишлоқ келди».*

6. Алоҳида олинган аниқловчи тулиқ нарсани алмаштиради: *Ялқов Мамажон самоварда ётиб тўш куради (П.Жоҳидов «Халқ тили ва реалистик проза», 109-бет).*

7. Аниқ тушунча номи ўрнида мавҳум маъноли от қўлланилади:

«Мажлис ботир, кескин сузла, дағдағадир.

Шу рапортни бериш учун қилди қарор».

Ф. Фулом «Кукан»

«...*Мажлис раисга хўрайиб қарайди*». (А.Қаҳҳор, «*Синчалак*»). Мажлис қарор қилди, мажлис қарайди, гапларидан мажлисда иштирок этаётган одамлар қарор қилди, мажлисдаги кишилар қаради тушунчаси англашилади.

Синекдоха. Синекдоха нарсаларнинг сон ёки бутун ва қисмлари орасидаги муносабат назарда тутилади (бирга англамоқ, қўшиб фаҳхламоқ). Баъзи шевада бизнинг уйга (ҳовлимизга) келинг, дейиш ўрнига бизнинг эшикка келинг дейдилар. Бу гапда эшик синекдохадир.

Лаҳжавий унсур сифатида бундай ҳодиса баъзан бадий асар тилида ҳам учраб қолади. «*Эшикка келинг, ака, чой-нон ичиб келинг*». С.Аҳмад «*Уфқ*».

Синекдоханинг кўринишлари:

1. Бутун ўрнида қисм: Оғзаки нутқда баъзан кишиларни чақираётганда уларни исм ёки фамилияларини айтмасдан, бирор ажралиб турган белгисига қараб, қорни катта бўлса, «*Эй қорин*», калласи жуда катта бўлса, «*Эй калла*», соқол кўйган бўлса, «*Эй, соқол*» тарзида мурожаат қилишларга дуч келамиз. Бунда ана шу айтилган қисм орқали киши ёки унинг исми тушунилади. Мисоллар: *Каллинг нимаси бор — темирдан тароғи бор (Мақол)*. Каллик белгиси кишининг соч тўкилган қисмига нисбатан.

2. Қисм ўрнида бутун. Илгарилари «пиво» сузи, умуман ичимлик маъносини англаган, ҳозир эса у ичимликнинг бир турини англатади. Бунга жинс ва тур муносабати тарзида ҳам қаралиши мумкин.

3. Кўплик ўрнида бирликни ишлатиш: *Сотувчи, ҳаридор билан хушмуомалада бўлади (оғзаки нутқдан)*. *Айбни Аҳмад қилади, калтакни Раҳмат ейди*.

4. Жинс ўрнида тур пушка ўрнида курол, бедана ўрнида қуш, сазан ўрнида балиқ сўзларини, ишлатилиши бунга мисол бўла олади.

Муболаға ва кичрайтириш: Муболаға орттириб, бўрттириб кўрсатиш, маҳоват қилиш маъносини бил

диради. Айрим адабиётларда бу атама ўрнида гиперболча атамаси ҳам ишлатилади. *Кичрайтириш* деб нарса ва ҳодисаларни ўз ҳолатига нисбатан ҳаддан ташқари кичрайтириб тасвирланишига айтилади.

Бъъзи лисоний адабиётларда «кичрайтириш» ўрнида литота (грекча, содаллик демак) атамасидан фойдаланилса, бошқаларида метозис терминининг ишлатилганлигини кўрамиз. Классик адабиётимизда бу сўзга *тарифий* деб юритилган. Муболагада бирор нарса, унинг белги ва хусусияти оширилиб кўрсатилса, литотада унинг акси юз беради, ҳар иккаласи ҳам кўчма маънога асосланади. Лекин тропнинг бош-қа турларидаги кўчма маъно асосида қандайдир ўхшатиш, қиёс ёки бошқа бирор нарса, воқеа-ҳодиса тушунилса, мосликни талаб қилади.

*Кичрайтириш: «Бу сўзнинг маъноси шу қадар теран,
Денгизлар бир хўплам унинг қошида».*
Уйғун «Тинчлик куйлари».

Қадимги адабиётимизда муболага бадий маҳораг, асар учун зарурий фазилат саналган. Шу сабабли, шоирлар ҳам муболагага куп мурожаат қилганлар, ҳатто баъзан уни ошириб ҳам юборганлар. Беҳад кучайтирилган, бұрттирилган муболага ифрат ёки ибрак дейилади. Муболага ҳақиқатга маълум даражада мос келиши керак, акс ҳолда бадий буюк йўқолади, уқувчида ишончсизлик ҳосил қилади.

Аллегория — грекча сўз булиб, киноя, қочириқ, кесатиш деган маънони англатади. Аллегория ~~қав~~маъ-ҳум тушунчалар аниқ нарса билан алмаштирилади. Бунда тасвирланаётган нарсанинг асосий хусусияти билан ишора қилинаётган тушунча бир-бирига маълум даражада мос келиши керак.

Масалан: *«Элга берсанг ошингни, эрлар силар бошингни,*

Итга берсанг ошингни, итлар гажир бошингни».
«Курпангга қараб оёқ узат».

Аллегорияга кўпроқ бадий усулнинг масал, эр-так жанрида, публицистик услубда тез-тез мурожаат қилиб турилади. Масалан: С.Абдиқаҳҳорнинг «Дарё билан жилға» масалида «Бирлашган ўзар, бирлашмаган тузар» тушунчаси дарё ва жилға образлари орқали берилган. (Дарё, жилғага бизга қўшил, дейишига қарамай манманлик қилиб, чўллар томон йўл олади. Аммо йўлда қумлоққа дуч келиб, унга сингиб кетади). Суз билан иш бирлиги ғояси унинг «Ваъзхон айиқ» масалида илгари сурилади. Айиқ ваъзхонлик қилиб, қуён, сен сабзини барги билан е, тошбақа йўлдан юр, экинларни босма дейди-ю, аммо ўзи уйига қайтишда экинларни поймол қилиб кетади.

«Айиқбой кетди секин, пойхон этиб, босиб экин...»

Масалларда тулки образи орқали лаганбардорлик, айёрлик танқид қилинса, очкўзлик жосуслик, бевафолик бўри, илон, чаён образлари орқали ифодаланади.

Символ – тропнинг бир тури сифатида бадий нутқда ҳаётий воқеа, тушунча ва нарсалар ифодаси учун шартли равишда кўчма маънода ишлатиладиган сўз ёки сўзлар бирикмаси *рамз* (символ) дейилади: Масалан: тонг – ёшлик, қувноқлик, бахт рамзи; тун – бахтсизлик, улим рамзи, қорасовуқлик рамзи. Рамз нарса ёки воқеанинг кўриниши шакли эмас, балки шу ҳақда ёзувчи кўрганидан қолган сезги ва таассуротларга асосланган.

Ирония (кесатиқ) грекча зимдан кулиш, кесатиш маъносида тушунилади. Баъзан сўзловчи бамайлихотир, жиддий ҳолда гапиради-ю, аммо сўзларни ўз асл маъносига қарама-карши маънода қўллаб, бирор киши, унинг қилиғи ёки ҳодиса устидан кесатиб, масҳараомуз кулади.

Суз ва ибораларни кесатиш, масҳараомуз кулиш ниятида ўз маъноларига қарама-карши маънода иш

латилиши *кесатик* (ирония) дейилади. Ҳақиқатда ҳам итвачча, малъун, аблаҳ, қабих, бемаъни типидаги дағал маъноли сўзларни ўринли-ўринсиз ишлата бериш нутқни нурсизлантиради, унинг кучини, таъсирини пасайтиради.

Антифраз ирониянинг бир кўриниши бўлиб, шахс ёки нарсага хос бўлган у ёки бу ижобий хусусият кулгули оҳанг билан инкор қилинади, ёзувда у қўштирноқ ичига олинади. «*Яшанг! Хотинингизнинг ҳам кайфи ошса, хиқичоқ тутиб, худди ўзингиздай жуда «ширин» булар экан*» (А.Қаҳҳор «*Йўллар*»). Бу ўринда ширин сўзи ўз маъносида ишлатилмаган.

Сарказм грекча сўз бўлиб, аччиқ, заҳарханда, истеҳзоли таъна, пичинг демакдир. Сарказм сўзловчининг мурожаат қилинаётган кишига нисбатан устунлик ҳиссиётига асосланади. Сарказм биз кўрсатган хусусиятлари билан иронияга ўхшаш бўлиб, салбий томонлар фош қилинади.

Перифраз грекча айлана, атроф, бошқача гапирман демакдир. Нарса ва ҳодисаларнинг номларини уларнинг муҳим белги ёки хусусиятини тасвирлаб кўрсатувчи воситалар ёрдамида баён қилиш перифраз дейилади. Перифразда нарса ва алмаштирилган тасвирий ифода ўртасида боғлиқлик, яқинлик бўлиши керак.

«Шу билан муҳтарам устоз менга гўё муборак кўзойнақларини бердилар» (А.Қаҳҳор «*Ўтмишдан эртақлар*»), А.Қаҳҳорнинг «*Ўтмишдан эртақлар*»ини ўқиган киши «муҳтарам устоз» бирикмаси А.П.Чехов ҳақида эканлигини яхши тушуниб олади.

«*Куллар*» романининг муаллифи С.Айниев «*Навоий*» романининг муаллифи Ойбек, қадимги Сўғдиённинг маркази Самарқанд тарзидаги перифразтик ибораларни тез-тез учратиб туради.

Перифраз фикрга аниқлик киритади. Масалан: «*Ўзбек адабий тилининг байроқдори*» дейилганда, кўз олдимизга, албатта Алишер Навоий келади.

Фақат отлар эмас, феъл, сифат, олмош, ҳатто фразеологизмлар ҳам перифразтик қўлланилиши мумкин: овқатландим урнида тамадди қилдим, анқов маъносида аммамнинг бузоғи фразеологизми; «Гап кўп, кўмир оз», «Бўш қоп тик турмас» типигаги мақоллар ҳам перифразтик маънога эга.

Жонлантириш. Жонсиз нарсаларни инсон каби ҳаракат қиладиган, фикрлайдиган, сўзлайдиган қилиб тасвирлаш *жонлаштириш* дейилади.

Жонлантиришга шеърин асарларда, эртак ва масалларда кўпроқ мурожаат қилинади.

Вокзалда соат учдир, Москвада интизом

Терлаб-пишиб, ҳансираб, тўхтади паровоз ҳам.

Жонлантириш кўп томонлари билан аллегория ва *апострофга* ўхшаб кетади. Чунки аллегорияда ҳам, *апострофда* ҳам жонлаштириш борга ўхшайди. Аммо булар ўртасида муҳим фарқлар мавжуд. Масалан: аллегорияда ҳайвон-жониворлар инсонлар каби ҳаракати орқали тасвирланаётган инсоний образларга (кишиларга) қаратади. Бунда одамларнинг қилиқлари, хусусиятлари ҳайвонларга кўчирилади, аммо шу ҳайвон, жониворлар ҳаракати, ҳолати орқали ўқувчи одамларни тушунади. «Калила ва Димна»даги масаллар бунга яққол мисол бўла олади...

Гулханийнинг «Туя билан буталоқ», «Тошбақа билан чаён», «Маймун билан нажжор», Криловнинг «Квартет», «Бўри билан қўзичоқ» асарлари аллегорияга классик мисол бўла олади. «Тошбақа билан чаён»да дўст, меҳрибон кишини тошбақа образи орқали ва яхшиликка ҳам ёмонлик қиладиган, баъзан ниш уришни ўзига касб қилиб олган кишини чаён образи орқали тушунамиз.

Жонлантиришда эса хусусият, белги жонсиз нарсаларга кўчирилади, лекин улар орқали одамлар тушунилмайди, унда образлар тизими бир қатор бўлади.

Апостроф — янада бошқача хусусиятга эга. Бунда жонсиз нарса ҳаракат қилмайди, балки унга жонли нарсасдек мурожаат қилинади. Яъни бу ўринда жонлаштирилади нарса мурожаат қилаётган кишига нисбатан суэт характерда бўлади.

*«Сиёҳдон омон бўл, ишчан ҳамдамим
Ишонки, суққабош бўлмагайсан ҳеч.
Сени кўп безовта қилдим қаламим
Сен ҳам ухлатмагин мени эрта-кеч».*

М. Шайхзода «Сиёҳдон».

Демак, маданий нутқ эгаси, ўз нутқи жараёнида турли хил троплардан фойдаланиши провардида фикрнинг тўлиқ ва мазмунли ҳамда тушунарли бўлишига ёришади. Бунда албатта, тропнинг турларидан ўз ўрнида фойдаланиб қўллай олиш мақсадга мувофиқдир. Бинобарин, троплар фикрни аниқ, лўнда, тушунарли ва мазмунли ифодалашда қўл келади.

8-МАЪРУЗА

I. НУТҚ МАДАНИЯТИ ВА НОТИҚЛИК САНЪАТИ

II. Режа:

1. Нотиқлик санъати ва уни эгаллаш йул-йуриқлари.
2. Маърузаларда нутқ маданияти.
3. Таълим жараёнида нутқ маданияти масалалари.
4. Хулоса.

III. Мустақил ўқиб-ўрганиш учун адабиётлар:

1. Аҳмедов А. Нотиқлик санъати. Т.:1967 йил.
2. Елигулашвили Г.С. Лектор нутқининг таъсирчанлиги. Т.: 1980 йил.
3. Жалилов Х. Нотиқлик санъати. Т.: 1976 йил.
4. Раҳматуллаев Ш. Нутқимиз кўрки. Т.:1970 йил.
5. Тожиев Ё., Ҳасанова Н., Саидова Р., Йўлдошева О. Ўзбек нутқ маданияти ва услубият асослари амалиёти. Т.: 1994 йил.
6. Қўнғуров Р., Бегматов Э., Тожиев Е. Нутқ маданияти ва услубияти асослари. Т.: 1992 йил.
7. Ўринбоев Б., Солиев А. Нотиқлик маҳорати. Т.: 1984 йил.
8. Хужаева Л. Лектор ва сўз санъати. Т.: 1967 йил.
9. Хужаева Л. Нотиқлик санъати. Т.: 1975 йил.

IV. Таянч сўз ва иборалар:

Нутқ маданияти ва маданий нутқ, нотиқлик санъати, уларнинг ўхшаш ва фарқли томонлари, оммавий маърузаларда маданий нутқ белгилари, таълим жараёнида, ўқиш-ўқитишда нутқ маданияти, сўзларни, атамаларни уринли қўллаш.

V. Назорат саволлари:

1. Нотиқлик санъати нима? Нотиқлик санъати билан маданий нутқ тушунчалари орасидаги ўхшашлик ва фарқли томонлари нималардан иборат?

2. Маърузаларда маданий нутқ ва унинг асосий хусусиятлари.

3. Таълим жараёнида (ўқиш-ўқитишда) маданий нутқ масалалари, сўз ва атамалардан ўринли фойдаланиш заруриятлари.

VI. Маърузанинг мазмуни:

Ҳозирги лингвистик адабиётларда нотиқ, нотиқлик санъати: воиз, воизлик, воизлик санъати каби тушунча ва атамаларга дуч келамиз.

Олтинчи мавзудаги масалаларни қайта тулдириш ва мукамалроқ тушунтириш мақсадида шу мавзуга қайта муружаат қилдик.

Нотиқлик қадим даврлардан бери алоҳида маҳорат, санъат сифатида, инсондаги махсус ноёб қобилият тарзида талқин этиб келинади. Шу туфайли нотиқликни нутқ маданиятидан фарқлаш лозим. Ҳар қандай оғзаки нутқ шакли нутқий маҳорат маъносидаги нотиқлик бўлавермайди. Сўзлаш маданияти ҳақида гап юритувчи ва ҳатто нотиқлар, тарғиботчиларга мўлжалланган асарлар ҳам, бизнингча, «Нотиқлик санъати» номи билан аталавермаслиги керак.

Нотиқлик санъатида тингловчиларни, оммани ўзига тортишга интилиш мақсади биринчи ўринда туради. Нотиқнинг нутқи чиройли, жозибали бўлиши шарт. Чиройлиликка эришиш учун нутқнинг мазмунига, мантиқий кучига, жумлалар жимжимадорлигига катта эътибор берилади.

Г.О. Винокур ўзининг «Культура языка» («Тил маданияти») асарида нутқ маданиятининг нотиқлик билан боғлиқ томонларига алоҳида тўхталади. «Нотиқлик нутқи» деганда, мен ҳар қандай монологик оғзаки нутқ

ни эмас, балки тингловчиларни маълум ҳаракатга чорловчи ёки уларда қандайдир ғоялар, тасаввурлар тизимини уйғотишга қаратилган махсус вазифа бажарувчи нутқни тушунаман».

Нутқ маданияти ва нотиқлик санъати умумий, ухшаш томонларга эга. Ҳар иккала соҳа тил ва нутқ, инсон нутқи билан алоқададир. Ҳар иккаласи кишилар нутқий фаолиятининг фойдали, таъсирчан, уткир бўлиши учун курашади, инсоннинг нутқий маданиятини, унинг нутқий ҳаётини, устиришга хизмат қилади. Нутқ маданияти ҳам, нотиқлик ҳам нутқий одоб, нутқий гузаллик, нутқий мантиқ қонуниятларидан озиқланган ҳолда иш кўради. Шунга қарамасдан, бизнинг назаримизда, нутқий санъат маъносигадаги нотиқликни, яъни фавқуллодда нутқий маҳорат ва қобилият бўлган нотиқликни оммавий нутқ (нотиқлик)дан фарқлаш лозим. Баъзи нотиқларда учрайдиган нотиқлик санъати оғзаки нутқ соҳасида шахсий қобилият ва фаолияти туфайли эришилувчи алоҳида санъатдир.

Нутқ маданияти тушунчаси айнан нотиқлик санъатининг ўзи эмас, аммо у нотиқлик маҳоратига нисбатан олганда қандайдир ута оддий ва ута сийқа тушунилувчи ҳодиса ҳам эмас. Нутқ маданиятига нутқнинг турли услуб ва жанрга хос бўлган тил вариантларини, фикр ифодалашнинг кўп сонли воситаларини эгаллаш, шунингдек, нутқнинг ижтимоий анъаналаридан келиб чиқувчи турлича типлари ва жанрларини ушлаштириш ҳам тааллуқлидир.

Нутқ маданияти ва нотиқлик санъати тушунчалари орасида баъзи ухшашлик, яъни умумий томони бор. Бу ҳар иккала соҳанинг мақсади иш кўриш кўролининг умумийлигида кўринади, аммо шунга қарамасдан нутқ маданияти тушунчаси билан нотиқлик тушунчаси айнан бир нарса эмас. Улар орасидаги баъзи муҳим фарқли томонлар, белгилар қуйидагилар:

1. Нутқ маданияти — адабий тил билан боғлиқ ҳодиса. Унинг пайдо бўлиши, лисоний асоси, талаб ва мезонлари адабий тил ва унинг меъёрлари билан боғлиқдир. Нотиқлик санъати учун булар асосий белгилар эмас. Нотиқлар орасида адабий тил талабларига тула амал қилмайдиганлар, маълум лаҳжа ёки шевада ҳам чинакам нотиқлик санъатини намойиш қилувчилар учрайди. Сузга чечанлик, нотиқлик тил материалининг характериға қараб эмас, нутқнинг тасирчанлигиға, нутқий санъатға қараб белгиланади.

2. Нотиқлик — бу нутқнинг оғзаки тақлиди. Нотиқлик санъати — оғзаки нутқ санъатидир. Нутқ маданияти эса нутқнинг ҳам оғзаки, ҳам ёзма шакли учун тааллуқли тушунча.

3. Нутқ маданияти жамият аъзоларининг умумий нутқий фаолиятини кўзда тутуди. Нутқ маданияти соҳасининг мақсад ва пировард орзуси барчаннинг, бутун халқнинг нутқини маданийлаштиришни мулжаллайди. Классик маънодаги нотиқлик эса алоҳида шахсларнинг нутқий маҳорати санъатини ифодалайди. Нотиқлик, асосан нутқ воситасида кишиларға муайян ғоя ва мақсадларни етказишни, уларни маълум бир мақсадға сафарбар қилишини кўзда тутуди.

4. Нотиқ нутқи, асосан кўпчилик тингловчига, кенг аудиторияларға мулжалланган бўлади. Нутқ маданияти мана шундай тингловчилардан ташқари, кишилар орасида одобни, суҳбатларни, яқка кишиға қаратилган нутқларни ҳам ўз ичига қамрайди.

5. Ҳар бир киши она тилининг имконият ва бойликларини яхши эгаллаган, нутқ маданияти талабларига жавоб берадиган сузамол шахс бўлиши мумкин. Аммо ҳар бир шахс ҳам санъаткор маъносидаги нотиқ бўла олмаслиги мумкин. Лекин адабий тилдан фойдаланувчи ҳар бир нотиқ нутқ маданиятидан хабардор бўлиши шарт.

6. Нутқ маданияти кўпчиликни, кенг халқ оммасини кўзда тутиб иш қурувчи соҳадир. Бу маънода нутқ

маданияти кенг омма учун мулжалланган талабдир, аммо нотиқлик бу аввало қобилият, шахсий қобилиятдир.

7. Нутқ маданияти — бу фақат нутқ ҳақидаги нутқий фаолиятга тегишли тушунча ва соҳа эмас, у тил маданияти билан ҳам, яъни адабий тилни ва унинг меъёрларини урганиш ва бу меъёрларни қайта ишлаш иши билан ҳам шуғулланади. Нотиқлик санъати эса бундай илмий-меъерий фаолиятни кўзда тутмайди.

8. Нотиқлик кўпроқ нутқнинг мазмунига, мантиқий асосларига, мундарижавий тузилишига эътибор қилади, нутқ маданияти соҳаси эса, кўпроқ нутқнинг тил қурилиши — лисоний тузилишига эътибор қилади.

9. Нотиқлик, асосан аниқ бир шахс, нотиқ ёки гуруҳ нотиқлари нутқи ҳақида қайғуради. Бунда у нотиқни тинглаётганлар, яъни кенг маънода тингловчилар оммаси нутқини ҳам кўзда тутмайди. Нутқ маданияти эса, бундан фарқли равишда, умуман кишиларнинг нутқий фаолияти, нутқ маданияти мақсадига кўра ва нутқий фаолияти нуқтаи назаридан кенг мақсадли соҳа, нотиқлик эса тор соҳадир.

10. Нотиқлик санъати нотиқ учун олдиндан қандай сўзлаш схемаси ва режасини бермайди ва бу тип нутқ доимо ҳам олдиндан тайёрланган, тайёргарлик қўрилган нутқ эмас. Нутқ маданияти соҳаси эса, жамият аъзоларининг она тили, яъни адабий тил бойликлари ва воситаларидан мақсадга мувофиқ шароит ва услуб тақозосига кўра, ўринли фойдалана олиш кўникмасини беради. Бундай кўникма, аслида ҳар қандай нотиқ учун ҳам зарур.

11. Нотиқлик ва нотиқлик санъати ҳақидаги фан анча қадимий тарихга эга, нутқ маданияти илмий муаммо ва илмий соҳа сифатида ҳали янги ва ётдир.

Оммавий маърузалар, уларда нутқ маданияти

Мафкуравий ва илмий тарғибот кишилар ўртасида, махсус маърузалар ўтказиш, маърузалар қилиш,

ҳар хил суҳбатлар уюштириш кабилар орқали амалга оширилади. Ана шу маърузалар, суҳбатлар ва ҳар хил чиқишларнинг оммага қай даражада таъсир қилиши, уларни ишонтириш, кайфиятларини ўзгартириш, улар диққатини қўйилаётган масалаларга тортиш нотиқлардан катта маҳорат талаб қилади. Чунки ҳар бир нутқ оммани ишонтира оладиган, уларга тушунарли, ёрқин, таъсирчан, мантиқли ва аниқ бўлгандагина кишиларга ўзгача таъсир қилади. Ана шуларни таъминлаган нотиқ эса ўз олдига қўйиладиган қўйидаги асосий ҳолатларга алоҳида эътибор берганлар:

1. Ўзи тўхталмоқчи бўлган мавзунини (масалани) чуқур ўрганиш, ўзлаштириб олиш, ундаги масалаларга ўз муносабатини аниқ белгилаб олиш.

2. Ўз дунёқарашига эга бўлиш, сўз билан иш бирлиги, назария билан тажрибанинг диалектик бирлигига эришиш, фикрларни илмий асослаш.

3. Мавзуга масъулият билан ёндашиш, уни омма олдида тўлиқ очиб беришга, ёритишга диққат қилиш.

4. Маърузалар, оммавий чиқишлар пайтида тингловчилар билан яқин алоқа, мулоқотни таъминлаш. Тингловчиларнинг кайфиятини ҳис қилиб туриш, бу орқали эса уларнинг лектор фикрларини фақат тушуниб олишларинигина таъминламасдан, бу фикрларга ишонтира олиш.

5. Ҳар бир нутққа жиддий тайёргарлик кўриш, жумладан, маърузани нимадан бошлашдан тортиб, нима билан тугатишгача жиддий уйлаб олиш, масалаларни ўртага ташлаш, кетма-кетлигини яқин белгилаб олиш, уларнинг ўзаро боғлиқлигини таъминлаш, маълум режалар ёки режа-конспектлар тузиб олиш, ўзи учун алоҳида ва кенг тўхталиши зарур бўлган уринларни белгилаб олиш ва бошқалар.

Тилни яхши билиш, ўринли ва тўғри фойдаланиш малакасига эга бўлиш — нутқ маданиятини эгаллашдир. Мавзунини чуқур билиш, масалаларни

ни эмас, балки тингловчиларни маълум ҳаракатга чорловчи ёки уларда қандайдир ғоялар, тасаввурлар тизимини уйғотишга қаратилган махсус вазифа бажарувчи нутқни тушунаман».

Нутқ маданияти ва нотиқлик санъати умумий, ўхшаш томонларга эга. Ҳар иккала соҳа тил ва нутқ, инсон нутқи билан алоқададир. Ҳар иккаласи кишилар нутқий фаолиятининг фойдали, таъсирчан, ўткир бўлиши учун курашади, инсоннинг нутқий маданиятини, унинг нутқий ҳастини, ўстиришга хизмат қилади. Нутқ маданияти ҳам, нотиқлик ҳам нутқий одоб, нутқий гузаллик, нутқий мантиқ қонуниятларидан озиқланган ҳолда иш кўради. Шунга қарамасдан, бизнинг назаримизда, нутқий санъат маъносидаги нотиқликни, яъни фавқуллода нутқий маҳорат ва қобилият бўлган нотиқликни оммавий нутқ (нотиқлик)дан фарқлаш лозим. Баъзи нотиқларда учрайдиган нотиқлик санъати оғзаки нутқ соҳасида шахсий қобилият ва фаолияти туфайли эришилувчи алоҳида санъатдир.

Нутқ маданияти тушунчаси айнан нотиқлик санъатининг ўзи эмас, аммо у нотиқлик маҳоратига нисбатан олганда қандайдир ута оддий ва ута сийқа тушунилувчи ҳодиса ҳам эмас. Нутқ маданиятига нутқнинг турли услуб ва жанрга хос бўлган тил вариантларини, фикр ифодалашнинг кўп сонли воситаларини эгаллаш, шунингдек, нутқнинг ижтимоий анъаналаридан келиб чиқувчи турлича типлари ва жанрларини ўзлаштириш ҳам тааллуқлидир.

Нутқ маданияти ва нотиқлик санъати тушунчалари орасида баъзи ўхшашлик, яъни умумий томони бор. Бу ҳар иккала соҳанинг мақсади иш кўриш қуролининг умумийлигида кўринади, аммо шунга қарамасдан нутқ маданияти тушунчаси билан нотиқлик тушунчаси айнан бир нарса эмас. Улар орасидаги баъзи муҳим фарқли томонлар, белгилар қуйидагилар:

1. Нутқ маданияти — адабий тил билан боғлиқ ҳодиса. Унинг пайдо булиши, лисоний асоси, талаб ва мезонлари адабий тил ва унинг меъёрлари билан боғлиқдир. Нотиқлик санъати учун булар асосий белгилар эмас. Нотиқлар орасида адабий тил талабларига тула амал қилмайдиганлар, маълум лаҳжа ёки шевада ҳам чинакам нотиқлик санъатини намоёиш қилувчилар учрайди. Сузга чечанлик, нотиқлик тил материалнинг характерига қараб эмас, нутқнинг тасирчанлигига, нутқий санъатга қараб белгиланади.

2. Нотиқлик — бу нутқнинг оғзаки тақлиди. Нотиқлик санъати — оғзаки нутқ санъатидир. Нутқ маданияти эса нутқнинг ҳам оғзаки, ҳам ёзма шакли учун тааллуқли тушунча.

3. Нутқ маданияти жамият аъзоларининг умумий нутқий фаолиятини кўзда тутаяди. Нутқ маданияти соҳасининг мақсад ва пировард орзуси барчаннинг, бутун халқнинг нутқини маданийлаштиришни мўлжаллайди. Классик маънодаги нотиқлик эса алоҳида шахсларнинг нутқий маҳораги санъатини ифодалайди. Нотиқлик, асосан нутқ воситасида кишиларга муайян гоё ва мақсадларни етказишни, уларни маълум бир мақсадга сафарбар қилишини кўзда тутаяди.

4. Нотиқ нутқи, асосан кўпчилик тингловчига, кенг аудиторияларга мўлжалланган бўлади. Нутқ маданияти мана шундай тингловчилардан ташқари, кишилар орасида одобни, суҳбатларни, яққа кишига қаратилган нутқларни ҳам уз ичига қамрайди.

5. Ҳар бир киши она тилининг имконият ва бойликларини яхши эгаллаган, нутқ маданияти талабларига жавоб берадиган сузамол шахс бўлиши мумкин. Аммо ҳар бир шахс ҳам санъаткор маъносигаги нотиқ бўла олмаслиги мумкин. Лекин адабий тилдан фойдаланувчи ҳар бир нотиқ нутқ маданиятидан хабардор бўлиши шарт.

6. Нутқ маданияти кўпчиликни, кенг халқ оммасини кўзда тутиб иш қурувчи соҳадир. Бу маънода нутқ

маданияти кенг омма учун мўлжалланган талабдир, ammo нотиклик бу аввало қобилият, шахсий қобилиятдир.

7. Нутқ маданияти — бу фақат нутқ ҳақидаги нутқий фаолиятга тегишли тушунча ва соҳа эмас, у тил маданияти билан ҳам, яъни адабий тилни ва унинг меъёрларини урганиш ва бу меъёрларни қайта ишлаш иши билан ҳам шуғулланади. Нотиклик санъати эса бундай илмий-меъерий фаолиятни кўзда тутмайди.

8. Нотиклик кўпроқ нутқнинг мазмунига, мантиқий асосларига, мундарижавий тузилишига эътибор қилади, нутқ маданияти соҳаси эса, кўпроқ нутқнинг тил қурилиши — лисоний тузилишига эътибор қилади.

9. Нотиклик, асосан аниқ бир шахс, нотик ёки гуруҳ нотиклари нутқи ҳақида қайғуради. Бунда у нотикни тинглаётганлар, яъни кенг маънода тингловчилар оммаси нутқини ҳам кўзда тутмайди. Нутқ маданияти эса, бундан фарқли равишда, умуман кишиларнинг нутқий фаолияти, нутқ маданияти мақсадига кўра ва нутқий фаолияти нуқтаи назаридан кенг мақсадли соҳа, нотиклик эса тор соҳадир.

10. Нотиклик санъати ногик учун олдиндан қандай сўзлаш схемаси ва режасини бермайди ва бу тип нутқ доимо ҳам олдиндан тайёрланган, тайёргарлик кўрилган нутқ эмас. Нутқ маданияти соҳаси эса, жамият аъзоларининг она тили, яъни адабий тил бойликлари ва воситаларидан мақсадга мувофиқ шароит ва услуб тақозосига кўра, ўринли фойдалана олиш кўникмасини беради. Бундай кўникма, аслида ҳар қандай нотик учун ҳам зарур.

11. Нотиклик ва нотиклик санъати ҳақидаги фан анча қадимий тарихга эга, нутқ маданияти илмий муаммо ва илмий соҳа сифатида ҳали янги ва ётдир.

Оммавий маърузалар, уларда нутқ маданияти

Мафкуравий ва илмий тарғибот кишилар ўртасида, махсус маърузалар ўтказиш, маърузалар қилиш,

ҳар хил суҳбатлар уюштириш кабилар орқали амалга оширилади. Ана шу маърузалар, суҳбатлар ва ҳар хил чиқишларнинг оммага қай даражада таъсир қилиши, уларни ишонтириш, кайфиятларини ўзгартириш, улар диққатини қўйилаётган масалаларга тортиш нотиқлардан катта маҳорат талаб қилади. Чунки ҳар бир нутқ оммани ишонтира оладиган, уларга тушунарли, ёрқин, таъсирчан, мантиқли ва аниқ бўлгандагина кишиларга ўзгача таъсир қилади. Ана шуларни таъминлаган нотиқ эса ўз олдига қўйиладиган қўйидаги асосий ҳолатларга алоҳида эътибор берганлар:

1. Ўзи тўхталмоқчи бўлган мавзунини (масалани) чуқур ўрганиш, ўзлаштириб олиш, ундаги масалаларга ўз муносабатини аниқ белгилаб олиш.

2. Ўз дунёқарашига эга бўлиш, сўз билан иш бирлиги, назария билан тажрибанинг диалектик бирлигига эришиш, фикрларни илмий асослаш.

3. Мавзуга масъулият билан ёндашиш, уни омма олдида тўлиқ очиб беришга, ёритишга диққат қилиш.

4. Маърузалар, оммавий чиқишлар пайтида тингловчилар билан яқин алоқа, мулоқотни таъминлаш. Тингловчиларнинг кайфиятини ҳис қилиб туриш, бу орқали эса уларнинг лектор фикрларини фақат тушуниб олишларинигина таъминламасдан, бу фикрларга ишонтира олиш.

5. Ҳар бир нутққа жиддий тайёргарлик кўриш, жумладан, маърузани нимадан бошлашдан тортиб, нима билан тугатишгача жиддий уйлаб олиш, масалаларни уртага ташлаш, кетма-кетлигини яқини белгилаб олиш, уларнинг ўзаро боғланишини таъминлаш, маълум режалар ёки режа-конспектлар тузиб олиш, ўзи учун алоҳида ва кенг тўхталиши зарур бўлган ўринларни белгилаб олиш ва бошқалар.

Тилни яхши билиш, ўринли ва тўғри фойдаланиш малакасига эга бўлиш — нутқ маданиятини эгаллашдир. Мавзунини чуқур билиш, масалаларни

тўғри англаш, уларга муносабат, тушунарлилик, таъсирчанликни, аниқлик ва мантиқлиликни таъминлаш, тингловчилар диққатини тортиш, фикрларни қандай баён қилиш кабиларнинг ҳаммаси тил орқали, унинг бевосита иштирокида амалга оширилади. Нутқ маданияти эса олам-олам мазмунни гўзал ифодалаб беришга асосланади.

Ҳар қандай нотик нутқнинг маданиятли бўлишини таъминлашга ҳаракат қилар экан, аввало, ўз она тилининг бебаҳо неъматларидан фойдалана олиши, сўз қадрига ета билиши лозим. Бундан ташқари, нутқнинг гўзал, латофатли, маънодор ва олижаноб бўлиши учун кишининг ўзи ҳам табиатан самимий, мусаффо бўлиши керак. Чунки ҳамма вақт ҳам чиройли сўзларни қаторлаштириб танлаш, баландпарвоз жумлалар тузиш билан маданий нутққа эришиб бўлмайди.

Кайковуснинг шундай фикри бор: «Ҳамма қобилиятлардан энг яхшиси нутқ қобилиятидир. Нутқни жуда яхши ва санъаткорона ўрганиб ол, доимо гапга чечан бўлишга ҳаракат қил. Нутқи ширин кишининг меҳрибон кишилари ҳам кўп бўлади».

Кўринадики, сўзловчи тил воситаларидан ўринли фойдаланган ҳолда тингловчи онгига, сезгисига ва кайфиятига таъсир қила оладиган, уни ишонтира оладиган, кўтарилаётган масалаларни тўғри, аниқ ва осон англаб олишини таъминлайдиган бўлиши керак. Шундай қилиб, нотиклик санъатини қуйидаги кўринишларга ажратиш мумкин: а) ижтимоий — сиёсий чиқишлар тили; б) тарғиботчи ва ташвиқотчилар нутқи; в) академик нутқ; г) суддаги нутқ;

д) махсус сўз усталарининг чиқишлари ва бошқалар.

Ижтимоий-сиёсий мавзулардаги чиқишларга, одатда маълум бир масъул кишиларнинг расмий нутқлари, ҳисоботлари киради. Тарғибот ва ташвиқотчиларнинг чиқишлари, одатда маълум бир муаммоларни оммага сингдириш, омма онгидаги тушунмовчилик ва чалкаш

ликларга барҳам бериш, уларни тўғри йўлга солиш, омма учун номаълум бўлган ҳолатлардан уларни хабардор қилиш, айрим нарса ҳодисалар моҳиятини тўла очиб бериш каби вазифалар билан боғлиқ бўлади.

Нотиқ доимо тежамкорликка эътибор бериши, зарур бўлмаган сўзларни қўлламасликка ҳаракат қилиши, ортинча такрорларга берилмаслиги керак. Нутқнинг чўзилиб кетиши унда такрорлар бўлиши, зарур бўлмаган сўзларнинг кўп учраши нутқни сийқалаштиради, уни зерикарли қилиб қўяди. Буюк сўз санъаткорлари, нотиқлар доимо ана шу белгиларга алоҳида эътибор берганлар ва бу билан нутқ маданияти ривожига катта ҳисса қўшганлар. Нотиқ тил воситаларидан яхши фойдалангандагина намунали нутққа эриша олади. Ҳар бир тарғиботчи ва ташвиқотчи учун, шунингдек, ҳар бир раҳбар ёки, умуман омма олдида маъруза ўқувчи, суҳбат ўтказувчи ҳар бир шахслар учун буюк нотиқларнинг чиқишлари доимо ибрат бўлиши керак. Ҳар бир нотиқ улардан ўрганишга ҳаракат қилса, ўз нутқининг омма учун тушунарли ва таъсирчан бўлишига эришиши шубҳасиздир.

Нутқнинг бойлиги нотиқ маданиятининг асосий мезонларидан биридир. Бу сўзловчидан муайян сўз бойлигига эга бўлишни талаб қилади. Сўзловчи эса ўз сўз бойлигини, асосан луғатлар орқалигина бойитиши мумкин. Бадиий асарларни кўп ўқиш ҳам кишининг сўз бойлигини орттиришга ёрдам беради. Шундай қилиб, атамаларни чуқур билиш, мавжуд луғатлардан кенг фойдаланиш кишининг сўз бойлигини оширишда, сўз ва атамалар маъносини чуқур англашда катта аҳамиятга эга. Ҳар бир олим ва ушбу фанларнинг ўқитувчилари ўз соҳасига оид атамаларни тўғри изоҳлаб берсагина, илмий тушунчаларни бошқаларга тўғри еткази олади. Илмий тадқиқотларда, ўқув-ўқитиш жараёнида ҳар бир сўзнинг маъносини тўғри ва мукамал изоҳлаб бериш, ўз навбатида сўз қўллаш соҳасидаги юксак нутқ маданиятини таъминлайди.

9-МАБРУЗА

I. НУТҚ МАДАНИЯТИНИ ЭГАЛЛАШНИНГ УСУЛ ВА ЙЎЛЛАРИ

II. Режа:

1. Нутқ маданияти ва адабий тил тушунчалари.
2. Ўзбек тилида нутқ кўринишлари.
3. Тил ва нутқ маданиятини эгаллашнинг тўрт йўли.
4. Тилни, нутқ маданиятини эгаллашнинг босқичлари ва муҳим томонлари.
5. Хулоса.

III. Мустақил ўқиб-ўрганиш учун адабиётлар:

1. Мусаев К. Бадий таржима ва нутқ маданияти. Т.: 1976 йил.
2. Раҳматуллаев Ш. Орфография қоидалари – саводхонлигимиз асоси. Т.: 1990 йил.
3. Тожиёв Ё., Ҳасанова Н., Саидова Р., Йўлдошева О. Ўзбек нутқ маданияти ва услубияти асослари амалиёти. Т.: 1994 йил.
4. Тожиёв Ё., Ҳасанова Н., Тожиматов Х., Йўлдошева О. Ўзбек нутқ маданияти ва услубияти асослари (оммабоп қўлланма). Т.: 1994 йил.
6. Қўнғуров Р., Бегматов Э., Тожиёв Ё. Нутқ маданияти ва услубияти асослари. Т.: 1992 йил.
5. Қудратов Т. Ўзбек нутқи маданияти. Қарши, 1975 й.

IV. Таянч сўз ва иборалар:

Маданий нутқ ва адабий тил тушунчаси, тилни (нутқни) табиий ҳолда эгаллаш, тилни ўқиш, ўқитиш орқали эгаллаш, мустақил ўрганиш, нутқий тақлид: нутқ маданиятининг тилшунослик, услубият, эсте

тика, философия, психология, адабиётшунослик каби фанлар билан алоқадорлиги.

V. Назорат саволлари:

1. Нутқ маданиятининг йўл-йўриқлари ва унинг муҳим томонлари нималардан иборат?

2. Нутқ маданиятининг тилшунослик, адабиётшунослик, мантиқ, фалсафа, эстетика ва этика, психология каби фанлар билан алоқадорлиги.

VI. Маърузанинг мазмуни:

Жамият аъзоларининг узаро олишув жараёнида тилдан фойдаланиши ва фойдалана олиш қобилияти ўзининг маълум қонуниятига эга. Бундаги бир умумий ҳолат шундан иборатки, ҳар бир киши ҳам уз она тили ёки узи эгаллаган бошқа бирор тилдан эҳтиёжига яраша фойдаланиш кўникмасига эгадир. Ушбу кўникма кўп замонлар давомида авлоддан-авлодга утиб келувчи инсоний мушоҳада ва тафаккур анъаналарининг ҳар бир шахсда тақрорланувчи интеллектуал хусусиятларига таянади. Бундай қобилият шахснинг ўзи гапираётган тил ёки тил шаклининг меъёрий тизимини эгаллаганлиги, уни ижодий идрок эта олиши билан боғлангандир. Шахснинг ўзи эгаллаган тилни қайси даражада (оддий ёки чуқур) билиши шу шахснинг ўз фаолияти, интилиши, ҳаётий тажрибаси ҳамда ҳаётий эҳтиёжига боғлиқ бўлган масаладир.

Демак, одамнинг ёшлиқдан маълум бир тилда сўзлаш олиши табиий, шахсий ва объектив қобилиятдир. Шу туфайли ҳам нутқ маданияти соҳаси кишиларнинг умуман, сўзлашга маълум тил воситасида фикр алмашишга ўргатиш вазифасини кўзда тутмайди. Чунки қайд этилганидек, инсоннинг ўз она тилида сўзлаш олиш қобилияти аввалдан бор бўлган табиий инстинктдир. Шундай экан, нутқ маданияти соҳасининг мақсади нима? Бу соҳа, умуман, она тилида эмас, балки жамият аъзола

рини она тилини махсус шаклида (маданий шаклида) гапира олишни ургатишни кўзда тутди. Тилнинг бундай шакли маълум бир миллий тилда гаплашувчи ижтимоий гуруҳларнинг барчаси учун муштарак бўлган тил — адабий тилдир. Шу туфайли нутқ маданияти учун кураш бу кишиларнинг ўзаро ҳар қандай фикр алмашишини маданийлаштириш (масалан, шева ва лаҳжаларда гаплашиши) учун кураш эмас, балки бутун миллат аъзолари учун ягона бўлган адабий тилда тўғри фикр алмашиш учун курашишдан иборатдир, яъни:

— нутқ маданияти соҳаси бутун миллатни (халқни) кўзда тутиб иш олиб боради;

— нутқ маданияти фақат зиёлилар (уқимишли оманинг) нутқини яхшилашни кўзда тутди;

— нутқ маданияти соҳаси, биринчи навбатда, ёш авлод нутқини тўғрилашни кўзда тутиб иш кўради;

— нутқ маданияти тушунчаси адабий тил билан боғлиқдир. Шунинг учун адабий тилни эгалламаган ва унда сўзлай олмайдиган кишининг нутқий маданияти ҳақида гапириш ҳам ортиқчадир.

— нутқ маданияти соҳаси адабий тилда гапирувчилар, адабий тилни эгаллаган ва эгаллаётганлар нутқини, нутқий фаолиятини кўзда тутган ҳолда иш кўради.

Аммо ҳозирда адабий тил умумхалқнинг сўзлашув куралига айланаётган бизнинг жамиятимизда ҳам аҳолининг купчилик қисми маҳаллий лаҳжа ва шеваларда ёки адабий тил билан ўз шеваларининг қандайдир қоришмасидан иборат бўлган бир тилда сўзлашмоқдалар. Ўзбек миллатига мансуб кишилар кундалик фаолиятларида ўзбек адабий тилидан қай даражада фойдалаётганига қўра, қуйидаги гуруҳларга ажратилади:

1. Ўзбек адабий тили меъёрида гапира олувчи ва ёза олувчи кишилар гуруҳи.

2. Ўзбек адабий тилида ёза олувчи, аммо оғзаки нутқида адабий тил меъёрларига тулиқ амал эта олмайдиган кишилар гуруҳи.

3. Расмий доираларда адабий тилда сўзлай олмайдиган, аммо оддий сўзлашувда, айниқса оилада шевасида ва шева билан адабий тилнинг аралашмасидан иборат бир тилда гапирувчи шахслар гуруҳи.

4. Маҳаллий шеванинг кучли таъсири сезилиб турадиган нутқ эгаси бўлмиш кишилар гуруҳи.

5. Маҳаллий шевани, кучсиз таъсири (асосан, талаффузида айрим сўзларни танлашда) сезилиб турадиган тилда сўзлайдиган кишилар гуруҳи.

6. Адабий тилни уз маҳаллий шевасида гапирадиган кишилар гуруҳи.

Ўзбек аҳолиси нутқининг келтирилган куринишлари оғзаки нутқ маданиятини барчадан бир хилда талаб этиб бўлмаслигига ёрқин далилидир. Кишиларнинг «адабий тилни билмаслиги» тушунчаси нисбий ҳодиса бўлиб, яъни адабий тилни тамоман тушунмайди маъносида эмас, балки улар адабий тилдан тула маънода фойдаланмайди, бу тилда гапиришга ва ёзишга тамоман одатланмаган деган маънода тушуниш лозим. Аммо шундай бўлганда ҳам келтирилган олтинчи гуруҳ кишиларининг мавжудлиги, ҳаттоки уларнинг ўзбек аҳолисининг кўпчилик қисмини ташкил этиши нутқ маданияти талабларини бутун ўзбек миллати доирасига қўйиш мумкин эмаслигини кўрсатиб турибди. Бунга сабаб, ўзбек аҳолисининг маълум қисми ҳали адабий тилда гаплашишга ўтмаган ва бундай нутқий фаолиятга ҳали тулиғича кўникмаган.

Мана шу каби сабаблар туфайли бўлса керак, нутқ маданияти соҳасининг иш тутиш доирасини (маданияти ҳақидаги гап кетганида кимларни кўзда тутиш лозимлигини) белгилаш фанда мулоҳазалидир. Чунончи, баъзи тадқиқотчилар нутқ маданияти, асосан, ўқимишли кишиларни (зиёлилар оммаси) кўзда тутиб иш кўради, деган фикрни олдинга сурадилар: «Ўзбек адабий тилидан фойдаланиб иш олиб борадиган ва нутқ

маданиятлари юқори бўлиши шарт деб ҳисобланувчи кишилар деганда, биринчи навбатда, олимлар, матбуот ходимлари (журналистлар) адиблар, шоирлар, артистлар, лекторлар давлат арбоблари, идора ва ташкилот хизматчилари, адабий тилнинг оммавий оғзаки шакли бўлган, радио, телевидение, кинонинг диктор ва нотиқлари: педагоглар, ташвиқотчилар кўзда тутилади» профессор Собиржон Иброҳимов.

Нутқ маданияти — ижтимоий маданиятни, кишилик жамияти маданиятини акс эттирувчи кўзгудир. Нутқ маданияти адабий тилнинг ҳар икки шакли ёзма ва айниқса, оғзаки шакли учун (биринчи навбатда, кино, радио, телевидение, театр саҳналари маърузалари учун) зарурдир. Нутқ маданиятига эътибор ёлғиз нотиқдан эмас, балки ҳар бир фуқародан талаб қилинадиган ишдир.

Нутқ маданияти ижтимоий маданий ҳаётнинг қонуний талаби бўлса-да, уни эгаллаш аслида ҳар бир шахснинг маданий савияси, онг ва билимга боғлиқдир. Кишининг нутқ маданияти унинг умумий маданийлиги даражасининг ошиши билан бевосита алоқадордир. Чунки у ўзининг хияма-хил фикр ва мушоҳадаларини нутқи орқали ифодалайди.

Нутқ маданияти шахснинг маданий камолотининг таркибий қисмидир. Нутқ халқ эришган маданият даражасини ўзида ифода этади. Ҳар бир кишининг нутқи унинг маданийлик даражасини кўрсатувчи ёрқин ва ишончли далилдир.

Нутқ маданияти маълум маънода ҳар қандай кишилар, одамлар гуруҳини эмас, балки маълум савияга эга адабий тилни муаян даражада эгаллаган одамларни кўзда тутган ҳолда иш кўради.

Нутқ маданияти ҳақида қайғуриш — умумхалқ ишидир. Нутқ маданияти соҳасининг тўлиқ, яъни пировард мақсади барча халқ оммасининг нутқини адабий тарбияга олишни кўзда тутмоғи лозим.

Хар қандай ҳолда ҳам нутқ маданияти — бу аввалдан, нутқий кўникма, нутқий-амалий жараён бўлиб, махсус меҳнат ва машқ эвазига, ўқиш ва ўқитиш орқали эришиладиган қобилият, маҳоратдир.

Инсоннинг алоқа қуроли бўлмиш тилни, жумладан, адабий тилни ўрганиши ва эгаллаши тўрт хил нутқ билан амалга ошади дейиш мумкин:

1. Тилни табиий ҳолда эгаллаш.

Бунга боланинг ўз она тилида оила муҳитида, шунингдек, атроф-муҳит таъсирида ўрганиши ва библио-блиши киради. Бола тилни ота-онадан, оила аъзоларидан, шунингдек, ўзи дуч келган кишилардан табиий ҳолда эшитиш ва ўзлаштириш орқали эгаллайди. Болада, бола тили малакаси табиий ҳолда, стихийли равишда юзага келади ва шаклланади.

2. Тилни ўқитиш, ўргатиш орқали эгаллаш.

Бунга асосан, ўрта ва олий мактаб таълими киради. Шунингдек, қисман болалар боғчасидаги таълимни ҳам мана шу омилга қўшиш мумкин. Тил ва унинг қонуниятлари, нутқ қоидалари ўрта мактабда она тили (ўзбек тили) ва адабиёт дарсларида ўқитилади. Боланинг тил эгаллашида бошқа фан дарсларининг ролини ҳам камситиб бўлмайди. Тарих, география, астрономия, биология, ҳатто математика дарслари ҳам ўқувчиларда нутқ маданияти малакасини шаклланишида сезиларли роль ўйнайди. Бу фанларга оид дарслар жараёнида боланинг луғат бойлиги ошади. У гап тузишнинг бир қатор мураккаб типларини, фикр ифодалашнинг баъзи мантиқий асосларини эгаллайди.

Табиий фанлардан дарс берадиган ўқитувчилар орасида ўзбек адабий тилини яхши эгаллаган, сўзга уста, моҳир нотиклар талайгинадир. Нутқ маданиятини тарбиялашда ўқитиш (педагогик таълим) асосий омилдир.

3. Тил ва нутқ маданиятини мустақил ўқиш, шуғулланиш орқали ўрганиш.

Тилни, пировард натижада нутқ маданиятини эгаллашда мустақил ўқиш, тил ва нутқ устида мустақил ишлаш муҳимдир. Бу иш икки хил характерлидир. Биринчиси, киши тилга оид махсус адабиётлар, дарслик ва қўлланмалар, луғатларни ўрганеди. Ундаги тил ва нутққа оид махсус адабиётлар ва қонуниятларни эгаллайди. Иккинчиси, полингвистик адабиётларни мустақил ўқийди ва бу ҳол киши нутқининг ўсишига, адабий тил меъёрларини эгаллашига туртки бўлади. Масалан, бадиий адабиёт асарларини кўплаб ўқиш, шеърларни ёд олиш, газета ва журналларни ўқиш, радио ва телевидение эшиттиришларини тинглаш ва бошқалар.

4. Тил ва нутқ маданиятини эгаллашнинг кўринишларидан бири нутқий тақлидир.

Ҳар бир инсон ўзидан яхшироқ, чиройлироқ, маъноли ва ўткир гапирадиган кишилар нутқига ҳавас билан қараши ва унга тақлид қилишга интилиши мумкин. Бу ҳолда нутқий тақлид — намунали тил, нутқ маданиятини эгаллашга интилишнинг омилларидан бирига айланади. Намунали, яхши гапирувчилар, одатда радио ва телевидение сухандонлари, машҳур артистлар, бадиий сўз ижрочилари, баъзи ёзувчилар, олимлар орасида учрайди.

Нутқий тақлид — онгли фаолиятдир ва миллий нотикликнинг энг яхши намуналари ва анъаналарини авлоддан авлодга ўтказиш, етказиш, кўп асрлар давомида сақлаб қолишнинг воситаси ҳамдир.

Тил ва нутқ маданиятини эгаллашнинг қуйидаги босқичлари мавжуд:

- оила ва атроф муҳитдан ўрганиш;
- ясли, боғча таълими;
- ўрта мактаб таълими;
- олий мактаб таълими;
- тил устида мустақил шуғулланиш.

Тилни ва эгаллаш ҳақида гап борганда икки сифатий нарсани фарқламоқ керак. Буларнинг бирин

чиси, умуман, ўзбек тилини — халқ тилини билиш, иккинчиси, ўзбек адабий тилини эгаллаш.

Нутқ маданияти шахсинг, умуман, тилни билиш даражаси билангина эмас, балки адабий тилни намунали билиши ва ундан нутқнинг оғзаки ва ёзма шаклларида намунали фойдалана олиши даражаси билан ўлчанади. Нутқ маданиятини эгаллаш учун нутқни ўстиришга оид бўлган адабий тил меъёрларини ва унга восита бўлувчи нарсалар:

— ўзбек тилининг дарслик ва қўлланмалари, ўзбек тили грамматикаси, ўзбек тилининг турли луғатлари, луғат-справочниклари ва бошқалар;

— ўзбек адабиёти дарслари; ўрта ва олий мактабда ўтиладиган бошқа ижтимоий ва табиий фанларга оид дарслар, уларнинг тили;

— ўзбек адабиёти тили (муस्ताқил ўқиш кўзда тутилади);

— ўзбек матбуоти тили;

— ўзбек радиоси ва телсвидениеси тили;

— бадий ўқиш дарслари ва таълими;

— нотик санъати юзасидан ўқитиладиган факультатив курслар таълими ва бошқалар.

Она тили ва ўзбек адабиёти оғзаки нутқ маданиятини кўтаришга хизмат қилади, бадий асарларни ёд олиш, бадий ўқиш дарслари, радио ва телевидение нутқини тинглаш, нотиклик сирларини ўрганиш оғзаки нутқ маданияти ривожини учун мислсиз омилдир.

Ёзма нутқ маданияти, оғзаки нутқ маданиятининг юзага чиқишини таълим этадиган воситалардир. Масалан: ёзма нутқ маданияти учун имло ва тилнинг белгиларга оид қоидалар, ёзув техникаси, ёзишни кўп машқ қилиш, кўп ёзиш ва кўп ўқиш, сўзларнинг ёзилиш шаклларини хотирада сақлай олиш, синтаксисга доир меъёр ва қоидаларни яхши ўзлаштириш муҳимдир. Ёзма нутқ маданиятини оширишда имло луғатлари етакчи ўрин тутади.

Оғзаки ва ёзма нутқ маданиятини эгаллаш учун киши қўйидаги томонларга ҳам эътибор бермоғи керак:

— киши ўзининг кундалик тилига эътибор қилмоғи, ундаги ютуқ ва нуқсонларни сеза билмоғи керак;

— киши тилга, унинг қонун-қоидаларига онгли, илмий муносабатда бўлиши лозим. Бунинг учун ўша тил грамматикасини, фонетикасини, лексикологияси ва стилистикасини яхши билиши талаб қилинади;

— киши ўз ёзма ва оғзаки нутқ устидан онгли назорат ўрната олмоғи лозим. Бу шахслар ўз нутқи устидан ютуқ ва камчиликларига танқидий ёндаша олиш кўникмасини юзага келтиради;

— кишида нутқ маданиятини эгаллашнинг муҳим шартларидан бири тилга ҳурмат билан қараш, унга муҳаббат қўйишдир;

— тилни ўрганиш, нутқ маданиятини эгаллаш киши ҳаётининг маълум даврига туғри келадиган вақтинчалик иш, бир фасллик тадбир эмас, балки доимий интилиш ва шуғулланишни, бир умр такомиллаштириб боришни талаб қилувчи ҳодисадир.

Нутқ маданияти — сўз санъати соҳаси бўлиб, нутқ воситаларидан мақсадга мувофиқ фойдаланилган ҳолда яхши гапириш ва ёзиш санъатидир.

Нутқ маданиятининг чинакам соҳиби бўлиш учун нутқ маданиятининг ҳар иккала босқичини мукамал эгаллаш лозим, ушбу даражага эриша олган ҳар бир киши, ўз навбатида, ўзбек адабий тилининг султони меросхўригина эмас, балки ўзбек тилининг софлиги ва янада ривожини учун фаол курашувчи шахсга, тилпарварга айланиши шубҳасиздир.

Нутқ маданияти ва бошқа фанлар

Ҳар қандай фан ҳам у ёки бу томонлари билан бошқа фанлар билан боғланган бўлади, унда кўтарилган масалалар, муаммолар, бошқа фанлар томо-

нидан ҳам ўрганилади, баъзида уларнинг ҳам текшириш объекти бўлади.

Услубият ҳам адабиётшуносликнинг текшириш объекти бўла олади. Фақат тилшунослик, адабиётшунослик нуқтаи назаридан бошқа йўсинда текширилади, услубиятга ҳар икки фан ўз хусусиятларидан келиб чиқиб ёндашади, икки хил муносабатда бўлади.

Нутқ маданияти грамматик ҳодисаларга, тил асосларига, асосан, шу тил адабий меъёрларига мос келиш келмаслиги чекиниш мумкинлигини, унга йўл қўйилиши мумкинлиги нуқтаи назаридан баҳолайди.

Нутқ маданиятининг сифатларидан бири нутқ бойлигидир. Нутқ бойлигини тилнинг луғат бойлиги таъминлайди. Шунинг учун ҳам тилда луғатларнинг ўрни каттадир. У сўзловчи учун катта ҳазинадир. Нотиқ шу ҳазинадан баҳраманд бўлса, ўз нутқини бой қила олади. Маълумки, янги сўзлар, атамаларнинг ҳосил бўлиши, ўзлаштирилиши тилшунослик фанининг текшириш объектидир.

Нутқ маданияти соҳасининг лексикология билан узвий боғлиқлиги ҳеч шубҳасиздир. Нутқий аниқлик ва маъниқлиликни тилнинг сўз бойлигини эгалламасдан, бир сўзнинг маъносини аниқ билмасдан туриб, тушунчаларни аниқ ифодалаб бўлмайди. Масалан: юз сўзини англатган тушунча билан башара сўзини англатган тушунча бир эмас. Юз ва башара сўзлари узаро синоним бўлса-да, улар англатадиган тушунчалар бир-биридан фарқ қилади.

Демак, нутқ маданияти илмий тармоқ сифатида луғатшунослик (лексикография) билан узвий алоқадордир.

Нутқ маданиятининг соҳасини текшириш объекти нутқнинг алоқавий сифатлари йиғиндиси ва тизими, уларни таъминловчи шарт-шароитлар, шу сифатларнинг такомиллашуви, ривожини ва қолоқлашуви, пасайиши кабиларни ўз ичига олади: услубият соҳасининг объекти тил ва нутқ услубларини ўрга

нишдир. Модомики, услубият, нутқ услубларини ҳам урганар экан, худди шу ҳолатда нутқ маданияти билан унинг муносабати вужудга келади. Чунки нутқ маданияти ҳақидаги таълимот ўз-ўзидан тил услубларини батафсил акс эттириш, ҳар бир услубнинг ўзига хос томонларига эга эканлиги, уларнинг имкониятларининг ёритилишига эҳтиёж сезади.

Услубият билан нутқ маданияти бир-бирини тамомила инкор этмайди, аксинча, бир-бирини тўлдиради, алоҳида соҳа бўлишларига қарамай, бир-бири учун хизмат қилади.

Нутқ маданияти илмий соҳа сифатида мантиқшунослик ва руҳшунослик фанлари билан чамбарчас алоқада бўлади. Маълумки, нутқ маданияти мантиқий тушунчалар ва ҳукмлар билан иш юритади. Модомики, сўз билан фикрлар, ҳукмлар гап билан ифодаланар экан, ана шу сўзлар ва гаплар билан улар ифодалаган тушунчалар ва ҳукмларнинг бир-бирига мос келган-келмаганлиги, улар уртасида зидликнинг бор-йўқлиги муҳимдир.

Сўз ва гапларда тушунча ва ҳукм акс этишидан ташқари инсоннинг сезгиси, кайфияти, хоҳиши, истаги, кечинмалари ҳам ўз аксини топган бўлади: бошим оғрийди, бошгинам оғрийди; укам-укагинам; мени қийнаб юборди — мени адои тамом қилди. Хотинчангиз ишламайдиларми? — Келин ойим ишламайдимми?

Ўзбек тилида ораз, чехра, висол, жамол каби сўзлар юз тушунчасига ижобий муносабатни ифодалайди.

Нутқ маданияти билан психологиянинг муносабати нутқнинг ўринли-ўринсиз эканлигини белгилашда намоён бўлади. Сўзловчи ҳар хил вазиятларда, ҳар хил одамлар уртасида бўлади. Демак, у ўз нутқини ана шу вазиятлар ва одамлар ҳолатини ҳисобга олган ҳолда тузиши керак. Бундан ташқари, тингловчилар кайфияти деган нарса ҳам бор.

Агар тингловчиларнинг зеркиб турганлиги сезилиб турса-ю, нутқ қанчалик тўғри бўлмасин, нотик ўга зерикканликни ҳис қилмаса ва нутқни чузиб юборса, унинг таъсир кучи йўқолади.

Нутқни таъсирчан қилишда тилнинг тасвирий воситаларидан ҳисобланган метонимия, метафора кабиларда нутқнинг қайси қисмида ишлатганда тингловчилар кайфиятига таъсир қилишини, улар кайфиятини ўзгартиришини яхши билиши лозим. Ана шундагина кўзланган мақсадга эришиш мумкин.

Нутқ маданияти нафосат (эстетика), бадий адабиёт, адабиётшунослик, адабий танқидчилик каби фанлар билан узвий боғлиқдир. Чунки яхши нутқ тингловчига эстетик завқ бериши керак, уни ҳаяжонлантириши лозим. Бадий нутқ эгаси бадий таъсир воситаларидан жуда кенг фойдаланади.

Хуллас, нутқ маданияти соҳаси купгина бошқа фанлар билан ҳам узаро муносабатда бўлади. Айниқса, унинг тилшунослик, услубият, нотиклик санъати, матншунослик, психология, эстетика, фалсафа ҳамда адабиётшунослик фанлар билан алоқаси жуда мустақкамдир.

Тасаввуф нима?

Тасаввуф илмига ёшлигимдан қизиқаман. Адабиёт ўқитувчимиз Фахриддин Расулов тасаввуф ҳақида, айниқса, Мансур Халлож ёки Бобораҳим Машраб ижоди ҳақида сузлаганларида бор вужудим кўлоқ бўлиб тинглардим. Айниқса, Баҳовуддин Нақшбандий бобомизнинг:

*«Қачонгача излагайсан нажот мардлардан,
Мардлар ишинг узинг қил-у, қутил дардлардан»*

ёки

«Дил ба ёру, даст ба кор», яъни «Дилинг Аллоҳда бўлсин, қулинг меҳнатда»

сингари фалсафий фикрлари мени тинч қўймасди.

Минг шукроналар бўлсинким, Шарқ тафаккури тарихидан замонамиз файласуфларидан буюк олим Нажмиддин Комиловнинг тасаввуф ҳақидаги иккинчи китобини мутолаа қилаяпман...

1. *Ақлингга тараф йўқ, зоти мукаррам,*

Ҳар нарсага қодир Ҳазрати одам.

Лек ўзингни тушунмакка ўзинг ожиз,

Зероки, тугунсан, сирдирсан мубҳам.

2. *Тақдир, сендан розиман ақл-ҳуш берганинг учун,*

Ҳаётга муносиб тенг — туш берганинг учун.

Имонли, идрокли одамлар раҳнамо бўлиб

Серғулу юрак, кўп юмуш берганинг учун!

3. *Бир менми, бу олам аламин чеккан,*

Озурда дили гам тигига теккан.

Шодлик гули унган ҳар инсон дилига,

Бу чарх минг ғусса уругин эккан.

Муножот

Етмиш минг ақл оламин кездим,

Етмиш икки томир-ла сездим:

Сен Қудратсан, покловчи руҳсан,

Азал-абад Воҳид шукуҳсан.

Олам вужудининг вужуди,

Одам — ҳикматининг шухуди.

Замон, макон, қадим истиқбол,

Эрку, бахту, омад истиқлол.

Бари сенсан, барчаси сендан,

Яратувчи, ризқ бергувчисан.

Фақат сенсан ёру мададкор,

Фақат сенга суянмоқ даркор.

Фақат сенинг номинг улугдир,

Нуринг билан қалбим тўлиқдир.

*Камол десам — камол узингсан,
Жамол десам — жамол узингсан.
Мутлақ вужуд, обод ҳаётсан,
Ҳақсан, ҳақиқатсан, нажотсан.
Сирларимга маҳрам узингсан,
Дардларимга малҳам узингсан.
Мадад бергил, қўлла қулингни,
Яхшиликка йўлла қулингни.
Ҳузурингдан бенасиб этма,
Раҳматингни сен дариг тутма.
Руҳим топсин ором, ҳаловат,
Имонимни сақлаб саломат.
Аллоҳим деб умрим ўтказсам,
Омонатни сенга етказсам.*

Нажмиддин Комилов.

Тасаввуф таълимининг марказида Инсон туради, аслида буни Инсон руҳияти ҳақидаги фан деса ҳам бўлади. Мутафаккир аждодларимизни қизиқтирган асосий масала инсонни унинг узига англатиш, инсонни тушуниш эди.

Инсон ким? Унинг буюклиги нимада? Тубанлашувининг сабаби нимада? Инсон ўз фаолиятида озодми ёки қул-банда бўлса, кимга банда, унинг эрки нима-ю, эркисизлиги нимада? Инсонни қандай қилиб қутқариш керак? Ушбу саволлар ҳар доим кун тартибида бўлиб келган ва шу боис тасаввуф аҳли ахлоқий тарбияга жуда катта аҳамият берган.

Инсон орзуларининг интиҳоси йўқ. Орзусиз ҳаётнинг гузаллиги ҳам, қиймати ҳам сариқ чақалик эмас. Мана шунинг учун тасаввуф аҳли инсоннинг моддий эҳтиёжларидан ғолиб келишга, узининг илоҳийлигига қараб бориш, муқаддаслигини ўйлаш, улуғлигига муносиб ҳаракатлар қилишга ундаган. Бунинг учун вужудини унутиш, фонийлик назарияси, тариқат ғоялари юзага келган. Тасаввуф аҳли шу ғоялар асоси

да инсонда манманликни енгиш, одамнинг руҳини чиниқтириш ва маънавиятини юксалтириш билан МЕНни кучайтиришга ҳаракат қилади.

Тасаввуф аҳли одамзод қалбидаги орзу-умидлар-ни ҳамда инсон руҳиятини назарга олиб, моддий эҳти-ёжлар билан чеграланиб қолмасликни тарғиб қилади. Акс ҳолда Инсонда ҳайвоний хислатлар ривож то-пиб, инсоннинг илоҳийлиги унутилади, охир оқибат-да тубанлашиб боради. Жалолиддин Румий: «Модда бир отдир, руҳ унинг суворийси (чавондозидир)», — де-ган эди. Бу дегани, моддийликни жиловлай олсанг, уни бошқариб буйсундирсанг, демак, сен ютгансан. Агар у сени буйсундирса, олиб қочади ва ҳалок қила-ди, деган фикрни таъкидлайди.

Ҳаёт мураккаб, аслида табиатнинг ўзи ҳам ғоятда мураккабдир. Табиатнинг гултожиси бўлган инсон эса, унданда мураккабдир. Бу мураккаблик инсонларнинг ўзаро муносабатида ёрқин акс этади. Чунки ҳар бир шахснинг ўзи бир оламдир.

«Бир шахснинг вафоти билан бир олам йўқ бўл-ди», — деганида Гёте бениҳоя ҳақ эди.

Демак, тасаввуф:

1. Ҳар бир инсоннинг орзу-армонлари, илми, та-факкури, кечинмалари, ҳис-туйғулари беҳисоб. Ана шуларнинг ҳаммаси жам бўлиб, бир таълимот вужуд-га келган. Бу таълимот юракка суянадиган, инсоннинг қалбини эзгулик билан тўлдириш ниятида пайдо бўлган таълимотдир. Ана шунинг шоирларга, шеър-иятга таъсири кучли бўлган. Унинг таъсирида ажойиб, дунёдаги энг гузал, энг жушқин шеър-ият вужудга кел-ган. Тасаввуф таъсиридаги шоирлар, адабиётчилар ҳозир ҳам мавжуд. Улар тасаввуфни янгича талқин қилиб, бадий асарлар яратмоқдалар. Бу ҳам унинг ўчмаслигидан далолат беради.

Тасаввуфни яхши англамасдан туриб, миллий маъ-навият тарихи, шарқ фалсафаси, адабиёти ва санъа

тини пухта билиш мумкин эмас. Тасаввуф бизнинг кўп асрлик қадимий маданиятимизда чуқур из қолдирган. Ҳатто халқимиз руҳиятига сингиб кетган. Ислом тарихи бизда тасаввуф тарихи билан бирга олиб қаралгандагина, тўғри ёритилиши мумкин. Аҳмад Ясавий, Нажмиддин Кубро, Баҳовиддин Нақшбандий, Хужа Аҳрор Валий каби дунёга машҳур кишилар, шайхларимиз эътиқод қўйган, умрини бағишлаб ривожлантирган таълимот шу тасаввуфдир. Халқ маънавиятининг ўчмас хазинаси Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Хоразмий, Саъдий, Ҳофиз, Лутфий, Жомий, Навоий, Атоий, Машраб, Огаҳий каби улуғ шоирлар асарларининг бош гоёлари тасаввуф негизида қурилган.

Тасаввуф халқ қалбидан қалқиб чиққан улуғ мутафаккирлар, адиблар, ҳақим ва донишмандларимиз тафаккурида жило топган ўлмас инсонпарварлик гоёларига нажот бағишлади. Биз тасаввуфни қанчалик чуқур ўргансак, шунча тарихимизни, маънавиятимизнинг сарчашмаларини дуруст англаб етамиз.

2. Тасаввуф инсоннинг ички оламини тадқиқ этувчи илмдир. Инсоннинг ўзи яратилиш жавҳари ва аслига қайтиш босқичлари, руҳий маънавий мақоматлари ўрганилган. Фақат инсон зотининг ўзи эмас, Инсон ва Борлик, Инсон ва Илоҳ, Инсон ва Табиат, Инсон ва Коинот ўртасидаги муносабатлар ҳақида ўзига хос мажмуи баён этилган. Тасаввуфнинг фалсафий тизимлари илми ҳикмат, юнон, ҳинд, қадимги зардуштийлар фалсафаси билан боғланиб кетади. Ибн Арабий, Фаридиддин ~~Аттор~~, Жаллолиддин Румий, Мирзо Бедил ирфон чуққиларини забт этиб, жаҳон фалсафасига баракали улуш қўшганлар.

Биз жаҳон фалсафаси тараққиёти ва унда Шарқ тафаккурининг ўрнини белгилаш учун ҳам тасаввуфни ўрганишимиз керак.

3. Тасаввуф — бу покиза ахлоқ ҳақидаги илм. Тасаввуф аҳли ёлғон, риёкорлик, тамаъ, кибр-ҳаво, худ-парастликни рад этиб, қаноат, мурувват, лутфу карам кўрсатиш, хоксорлик ва тавозе каби ахлоқий сифатларни эгаллаш, умрни яхшиликка сарфлаб, эзгу иш билан эл орасида эътибор қозонишни мақсад қилганлар. Жумладан, Кошифий: «Кўнгил уйини риёзат супургиси билан чангу ғубор, чиқиндилардан тоза-лаб турилмаса, у ишқ султони утирадиган тахтга айлан-майди», — дейди. Ишқ султони эса Пок парвардигорнинг узи. Парвардигор ишқи банданинг қалбидан жой олса, у дунё молидан, нафдан совийди.

Тасаввуф нима? деган саволга шайхларнинг аксари ҳамида (мақталган) ахлоқни касб этиш деб беришган. Масалан, Ибн Арабий: «Тасаввуф башарий ахлоқдан чиқиб, илоҳий ахлоққа эришмоқликдир», — деса, шайх Абубакаир Шублий: «Тасаввуф бус-бутун ахлоқдир: ҳар кимки соф эмас, сўфий эмас», деб айтган. Шайх Равим фикрича эса: «Тасаввуф — улмоқ ва тирилмоқ, яъни нафса улмоқ ва илоҳда қайта тирилмоқдир», — деган.

Сўфий ҳаромдан ҳазар қиладиган, ғийбат, ёлғонни тилга олмайдиган ва эшитмайдиган одам, ундан ҳеч ким озор чекмайди. Буларга буюк бобокалонларимиз Умар Хайём, Абу Райҳон Беруний, Форобий, Бобораҳим Машраб, Мансур Ҳаллож, Кошифий, Фариддин Аттор, Жалолиддин Румий, Мирзо Бедил, Ибн Арабий, шайх Абу Бакр Шублий, шайх Раввим, Баҳовуддин Нақшбандий, Аҳмад Яссавий каби улусий моларни келтиришимиз мумкин.

Ҳозирги мустақиллик тафаккури, биринчи навбатда миллий озодлик тафаккуридир. Халқимиз тараққиёти учун Ўзбекистон аҳлининг камолоти, маънавияти, моддий юксалиши учун хизмат қиладиган, тараққиёт учун йўналтирилган эркин фикр, гоё бизнинг мафкурамиз ҳисобланади. Мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданоқ буюк боболар ме

росига катта эътибор берилаётгани, жумладан, тасаввуф ҳақида китоблар чоп этила бошлагани, улуг аждодларимиз юбилейлари ўтказила бошлагани, миллий қадриятларимизни тиклаш ишлари давлат сиёсатига айланиши аини муддаодир.

Тасаввуф инсон қалби ҳақидаги таълимот сифатида азалдан унинг маънавий, руҳий камолотига кумаклашиб келаяпти. Бу фан инсонни, унинг ахлоқини поклаш борасидаги ғоялари билан бугун ҳам ўз долзарблигини йўқотгани йўқ. Биз миллат сифатида ўз қадримизни тиклайдиган, ҳар биримиз ўзимизни поклайдиган замон келди. Бу ишда бизга тасаввуфнинг фойда бўлиши шубҳасиздир.

Тасаввуф ақлий тараққиётдан маънавий тараққиётни устун қўяди. Бугун биз тараққиёт сари қадам қўймоқдамиз. Европа, Осиё ҳамда Америка билан алоқамиз кенгаймоқда. Японлар, корейслар, малайзияликлар тараққиёти бизни лол қолдирмоқда. Президентимиз Исом Каримов бу тараққиётни узлаштиришимиз керак деб таъкидлар экан, ёшларимиз ўқисинлар, аммо ўзлигимизни унутмасинлар, маънавий камолотни бирга олиб борсинлар, дейдилар. Дарҳақиқат, иккиси қўшилмаса, биз ҳеч нарсага эриша олмаймиз. Жамиятимиз тараққиёти ана шу ақлий камолот билан маънавий камолотни биргалликда олиб бориш билан маънавиятни бир-бирига қарши қўйиш тўғри эмас. Фикрлайдиган, тафаккур қиладиган инсон ҳеч қачон маънавиятдан йироқда бўлмайди. Маънавияти юксак инсонда билим қанчалик кўп бўлса, камтарлик ҳам шунча зиёда бўлади, фикри ҳам зиёда бўлади. Шу боис маънавий фикрнинг фойдаси ғоятда каттадир.

Дунёга, бойликка муносабат жуда мураккаб масала. Ҳеч қандай одамни яхши яшаш орзусидан маҳрум қилиб бўлмайди. Яхши яшаш учун интилиш, меҳнат қилиш керак. Уй-жой масаласида ҳам, кийим-кечак

масаласида ҳам. Фарзандларнинг бахтини ўйлаш, уларга илм бериш, имкон топиб ўзимиз ҳам ўқиб ўрганишимиз лозим. Буларнинг ҳаммаси моддий таъминот билан боғлиқ. Ҳозир ҳам, илгари ҳам бу нарсани инкор қилувчи таълимот бўлмаган. Ҳар биримиз айти пайтда муайян бир шароитга эга бўлиш учун интиляямиз. Давлатимизнинг сиёсати ҳам, қурилаётган қурилишлар ҳам янги жамият барпо этишга қаратилган. Юксак маънавият фаровон яшашни ҳам, бойликни ҳам инкор этмайди. Лекин бойликни мақсад эмас, восита деб билиш жоиз. Мақсад эса одабийлик, инсонийлик, камолот, халққа, миллатга хизмат қилиши даркор. Ақлимиз, фикримиз ҳам шунга восита бўлсин. Бу ўзгалар ҳавас қилгулик жамият, ўзаро етук миллий муносабатлар қарор топишига олиб келади. Фарзандларимиз ана шундай бўлиб етишадилар деган ниятдамиз. Илоҳим шу ниятга етайлик, Иншооллоҳ!

Фойдаланилган адабиётлар

1. Абдурахмонов Х. Суз эстетикаси. Т., 1981.
2. Алимова М. Нутқда акс этар бир олам бойлик. Т., 1988.
3. Бегматов Т. ва бошқалар. Адабий норма ва нутқ мала-шияти масалалари. Т., 1983.
4. Бегматов Э. ва бошқалар. Ўзбек нутқ маданияти очерк-лари. Т., 1999.
5. Дониёров Х., Йулдошев Б. Адабий нотиклик санъати ҳақида. Т.: 1988 й.
6. Имомхужаев С. А. Навоий нотиклик санъати ҳақида. Т., 1968.
7. Комилов Н. Тасаввуф. Т., 2000.
8. Миртожиев М., Маҳмудов Н. Тил ва маданият. Т., 1992.
9. Мусасв К. Бадиий таржима ва нутқ маданияти. Т., 1976.
10. Нутқ маданиятига оид масалалар (конференция ма-териаллари). Т., 1973.
11. Ризаев С. Нутқ маданияти ва одобиға оид. Т., 1973.
12. Ризаев С. Яхши суз — қалб кўзгуси. Т., 1974.
13. Рустамов А. Суз хусусида суз. Т., 1978.
14. Содиқова М., Жураева М. Суздан сўзнинг фарқи бор. Т., 1966.
15. Турсунпулатов М., Бегматов Э. Ўзбек нутқ мадания-ти асослари. Т., 1991.
16. Ўзбек нутқ маданиятининг долзарб муаммолари. Т., 1990.
17. Уринбоев Б., Солиев А. Нотиклик маҳорати. Т., 1948.
18. Қудратов Т. Ўзбек нутқи маданияти асослари. Қарши, 1975.
19. Қўнғуров Р. Ўзбек тили тасвирий воситалари. Т., 1975.
20. Қўнғуров Р., Бегматов Э., Тожиев Ё. Нутқ мадания-ти ва услубияти асослари. Т., 1992.
21. Кўчқортоев И. Бадиий нутқ стилистикаси. Т., 1975.
22. Актуальные проблемы культуры речи. М., 1970.

«Табаррук тупрокда турибман букуп»

ХРЕСТОМАТИЯ

РИВОЯТ

Айтишларига қараганда, қадим замонда буюк саркардалардан бири катта юриш қилибди.

Юзлаб шаҳарларни босиб олибди. Минглаб уйлари вайрон қилибди. Ун минглаб кишиларни улдирибди. Узининг салтанати чегараларини кундан-кунга кенгайтириб бораверибди. Бироқ унинг катта қўшини кичкина бир шаҳарнинг олдига келганида заифлашиб қолибди. Ҳаддан зиёд жанглари кўрган қўшинлар биттагина кичкина шаҳарни сира ишғол қила олмабди. Чунки шаҳар аҳли ўз юртини жон-жаҳди билан ҳимоя қилаётган, нима қилиб бўлса ҳам босқинчини юртга киритмасликка тиришар экан. Шунда саркарда хийла ишлатиш йўли билан шаҳарни ишғол қилмоқчи бўлибди.

У айғоқчиларни киритиб, шаҳарнинг дарвозаларини очиб берадиган одамни қидиришни буюрибди. Агар шундай одам топилса, шаҳар ишғол қилинганча, уни шу ерга ҳоким қилиб тайинлашга ваъда берибди.

Ниҳоят, шундай кимса топилибди. У саркардага мактуб ёзиб, садоқат билан хизмат қилишга тайёрлигини изҳор қилибди. Шу куни тунда у шаҳар дарвозаларини душманга очиб берибди. Хуллас, саркарда шаҳарни вайрон қилиб, қулини кукка совурибди. Жангдан кейин унинг олдига дарвозани очиб берган одамни қидирибдилар. У ваъда қилинганидек, ҳокимлик мансабини сўрабди. Шунда саркарда: «Сен, узинг туғилиб усган юртингга хиёнат қилдинг ва демакки, менга ҳам садоқат кўрсатмайсан», — деб уни қатл қилдирган экан...

«Ватанни севмәк — имондандир!» (Ҳадис)



Афлотун ёшлигида шеърият санъатига кўнгил қўйган ва дostonлар ёзган. Кейинчалик Гомер асарлари олдида ўзининг асарлари анча бўш эканлигини сезгач, уларни нафрат билан ёқиб юборган. Шундан сўнг Афлотун трагедия жанрида асарлар яратиб, бу асарлари билан шуғулланган. Асарларини актёрларга бериб машқлар қилган ва совринлар олишга муяссар бўлган. Дионисий байрамига яқин қолганда у тасодифан Сукротнинг нутқини эшитиб қолади. У драматик мусобоқаларда қатнашишдан воз кечибгина қолмай, шеър ёзишни бутунлай ташлаб юборди ва ўз умрини фалсафага бағишлайди...



Бир йигит бир қизга ошиқ экан. Лекин қиз йигит ишқини рад этар экан. Қизнинг энагалари «Эр бевафо бўлади» деб, куйидаги нақлни унинг қулоғига қуйишган экан.

«Мода қуш бола очибди, лекин ўрмонга ўт кетиб, қуш ўз болалари билан куйиб кетибди. Нар қуш эса, ўт кетиши биланоқ парвоз қилиб, қаёққадир ғойиб бўлибди».

Йигитнинг оқила бир эгачиси бор экан, дардига оро кирибди. «Уйингга наққошларни келтир, дебди у, ўрмонга ўт тушиб, мода қушни болалари билан бирга куйиб кетаётганини тасвирлашсин. Лекин нақшнинг бир четида эркак қушнинг лочин чангалига тушиб қолганини ҳам кўрсатишсин».

Шу нақшлар битгач, йигитнинг эгачиси қизни меҳмонга чақирибди. Қиз нақшларни томоша қиларкан: «Нар қуш лочин чангалига тушиб қолган эканда, шу сабабли бечора модаси билан чақаларидан хабар ололмаган экан», — деб уйлабди. Шу кундан эътиборан қизнинг кўнгли йигитга мойил бўла бош

лабди. Куп вақт ўтмай, йигит билан қиз бир
естикқа бош қўйишибди.



Чулпонга (назм)

Кулган бошқалардир, йиғлаган бобом,
Уйнаган бошқалар, инграган бобом.
Эрк эртакларин эшитган бошқа,
Қуллик қўшиғини тинглаган бобом.
Эзгулик уругин сочган бошқалар
Уругни эзгилаб қочган бошқалар
Манқуртдан ўзлигин айлаб намоён
Душманга бағрини очган бошқалар.
Қаноти боғланган бобом бечора
Юраги доғланган бобом бечора
Хастаҳол эрса-да халқин дардини
Хушлашга чоғланган бобом бечора.
Табаррук номлари сотилган бобом
Беғуноҳ гуноҳга тортилган бобом
Асраб қололмадик аттанг, минг аттанг
Эркин бошқалардир, отилган бобом.
Эрлар улуғлайди элни бобожон
Қувонч бахш шаббода елди бобожон
Қанийди курсангиз, кулсангиз эди
Сиз кутган кунлар ҳам келди бобожон.
Куйган бошқалардир, кулганлар бизмиз
Истиқлол завқини туйганлар бизмиз
Рухингиз шод бўлсин, эй Чулпон бобо
Номингиз ардоқлаб, суйганлар бизмиз!
(1997 йил 19 ноябрь, Тулан Қузибоев).

Қаҳрамонга

«Қаторда норинг бўлса юкинг ерда қолмайди», —
Деган, халқимизнинг яхши сўзи бор.

*Оиланг учун хизматда бўлдинг
Халол хизматингдан дўстлар миннатдор
Бугун юрагимда шодлик, ҳаяжон
Дўстим Қаҳрамон!*

*Қадду қоматингга назар ташласам,
Қалбим қувонади такрор ва такрор.
Пайларинг темирдек, жуссанг тула куч
Забардаст, паҳлавон, меҳнатсевар нор.
Фахрланаман сен билан ҳар он
Дўстим Қаҳрамон!*

*Узумзорингга боқиб, қилган меҳнатингга
Богбонлигингга қойил қоламан.
Сендаги қаноат, сендаги бардош,
Уддабуронлигингдан ибрат оламан.
Ҳайратланаман ишингдан ҳар он
Дўстим Қаҳрамон!*

*Бобокалонларимиз айтганларидек,
Дунёга келганлар, бир кун кетади.
Биров хазон қилса гуллаган боғни
Биров тақир чулни, гулзор этади.
Оиланг бахтига бўлгин соғ-омон
Дўстим Қаҳрамон!*

*Дўстим, педагог, режиссёр, актёр
Қаҳрамон Сағдуллаев таваллуд топган кунига
бағишлаб Пулат Носир. 26 апрель 2002 йил*



Бир вақтлар қалб дафтаримга мени безовта қилаётган фикр ва мулоҳазаларимни битиб қўяр эдим. Шулардан бир нечтасини сизга ҳавола қилмоқчиман.

1992-1993 йилларда театримизда томошабинларнинг камайишини замондошларимизнинг маданиятга эътибори сусайиб бораётганидан излаш керак, чамамда.

Ҳар бир сахна асарининг аҳамияти уни қай тарзда тақдим этилишига боғлиқ. Режиссёрнинг талқинига (қандай сахналаштира олишига), актёрларнинг характерлар талқинига, меъёрига етказиб ижро эта олишларига, қолаверса ҳар бир актёрнинг истеъдодига — маҳоратига боғлиқ.

Томошабинларда ҳам, ижодкорларда ҳам чиройли нарсага ва эстетик гузалликка интилиш бор. Зеро, «бусиз санъат ҳам бўлмас» йўсинида ёндашиш лозим.

Ёшларимиздаги биринчи муҳаббат чечаклари фақат театрда, гузаллик ҳис этиладиган жойда юз беришини истардим. Ўзларини гузаллик кошонасида эканлигини ҳис қилиш, ўйлаш, кайфиятни кутариш имкониятини беради. Бинобарин, биз гузал одатларни кадрлаб, уларни қабул қила билишимиз керак.

Ўйлайманки, театрга алоҳида тайёргарлик билан бориш лозим. Усти-бош, либос ҳам ўзгача бўлсин. Бу ёшларимизда ўзларига ва театрга ҳурматини оширади. Менимча, томошабинда хулқ маданияти, шу билан бирга гузалликка шайдолик туйғуси собиқ иттифок даврида пасайган эди. Юз бераётган маънавий қашшоқлик қаердан пайдо бўлган эди? Бу ҳамма нарсанинг оддийлашувидан, одамлардаги орзу-ҳавассиз муносабатлар, хулқ-атворда гузалликнинг пасайиши, руҳсизлик ва ҳоказолар бунга сабабдир. Мен яхши анъаналар, гузал урф-одатлар тарафдориман.

Одамлар театрга ёки концертга бориб, у ерда олган маънавий қониқишга гузаллик билан жавоб беришлар, айти муддао бўларди, деб ўйлайман.

*1992 йил. Тошкент, Ҳамза номидаги
ўзбек академик театри.*

Мустақиллигимиз шарофати шеърятимизда ҳам намойён бўлмоқда. Шу ўринда мен шоира Зулфия Мўминова шеърятидан намуна келтиргим келди:

*«Ўзбегимга отилган ҳар тошга қасдман!
Ўзбегим, демасам шу куни настман!
Кимдир бориб сотсин мени шу сўзим учун.
Кимдир келиб отсин мени шу сўзим учун.
Мен мағрур айтаман: Миллатпарастман!»*

Ўзбегим ҳаётини, урф-одатларимизни, бобокалонларимиздан, момоларимиздан қолган мерос сифатида фойдаланиб, адабиётда, санъатда (театр ҳамда зангори экранда) намойиш этишимиз лозим.



Актёрлик касби кўпроқ томошабинлар, хонанда, созандалар, шоирлар, муғаннийлар ҳамда мусаввирлар даврасида бўлишни тақозо қилади. Шундай учрашувлар чоғида халқ рассоми Алишер акамиздан шу ривоятни эшитганман:

Ривоят қиладиларки: қадим замонда, бир кўзи қисқ, бир оёғи оқсоқ шоҳ булган экан. Шоҳ юртидаги ҳунармандлар, санъатқорлар, айниқса, мусаввирларнинг ҳурматини жойга кўяр экан. Шоҳ ақлзаковатга тулган, ярим асрлик умрининг муборак дақиқаларида ҳамма мусаввирларни саройига тўплаб: «Менинг тасвиримни ифодаловчи санъат мўъжизасини яратингизким, саройдаги ҳакамларга ва шахсан менга манзур эта олсангиз маҳоратингиз эвазига хазинамни аямайман», — дебди.

Мусаввирлар ишга киришиб, бор маҳоратларини аямасдан ҳаракатга тушибдилар.

Биринчи тасвир санъати муҳокамага кўйилибди. Ҳакамлар сарафсар солсалар: тасвирда шоҳ ниҳоятда салоҳиятли, сарвқомат, юсуфсифат қилиб тасвирланибди. Шундай жасур ва мард қилиб тасвирланибдики, ҳатто оёғининг нуқсонини, кўзининг ногиронлиги билинмай кетибди.

Шоҳ узини танимамай: «Бу тасвирни кўрган фуқароларим ва меҳмонларим, менинг барча айбларимни, нуқсонларимни беркитиб тасвирлашибди, дейишлари мумкин». — деб мусаввирни қайтарибди.

Иккинчи мусаввир шоҳнинг оёғини калта, кузини қисик, беухшов, башарасини ниҳоятда бадбашара қилиб тасвирлабди. Маълумки, шоҳга ҳам, сарой аҳлига ҳам ёқмайди.

Учинчи мусаввирнинг тасвирида: табиатнинг гузал манзараси, баланд тоғда қорлар, тоғлар этагида урмонзор. Подшоҳ кийик овлашга чиқиб, арча остидан мағрур турган кийикка камалакдан уқ узмоқда. Подшоҳнинг калта оёғи ҳарсанг тошга қуйилган, қудратли қўллари камонни маҳкам ушлаган, ногирон кузини қисиб, кийикни нишонга олган. Унинг ҳаракатдаги гавдаси парвозга шайланаётган лочиндай тасвирланган.

Бу мусаввир санъатига ҳакамлар минг офаринлар айтиб мусаввирга шоҳона мурувват кўрсатиб кузатишбди.

Мусаввирнинг нозик диди билан ақл идроки — қилинадиган хизмати ва санъати юртимизда асрлардан асрлар оша тараққий этиб келмоқда. Мана бу мисол асар композицияси дейилади.

Мусаввир бўлмоқ эрсанг

Мусаввир бўлмоқ эрсанг, тилингни сугуриб ол!

Яралардан тўкилган қон рангига қулоқ сар!

Мусаввир бўлмоқ эрсанг, юрагинг билан бақир!

Ва онангни номини, ранг билан айтиб чақир.

Мусаввир бўлмоқ эрсанг, тилингни ичингга ют

Буёқларга қоришиб шивирлагин — «Она юрт»!

Мусаввир бўлмоқ эрсанг, ҳаёт билан ўлимнинг

Ўртасида сарҳад эт, қалам тутган қулингни!

Хуришид Даврон

1993 й. 1 март ТошДУнинг ҳорижий тиллар филологияси факультети талабалари билан бўлган ижодий учрашувда шу ривоят билан шеърни биринчи бор ўқидим. Ҳурмат ва олқишларга сазовор бўлдим.



Сўзга сайқал бериб, уни ўрнида қўллай олиш каттаю кичикка манзур бўладиган ҳолдир. Сўздан ўринли фойдаланиш ва сўзнинг таъсирини кучайтира билиш катта санъаткорлик маҳоратини, буюк мураббийликни талаб қилади.

Ҳар қандай сўз фақат ўз ўрнида қўллангандагина кўзланган мақсадга етишиши мумкин. Ҳар бир сўзни, ҳар бир иборани киши қалбига сингадиган тарзда етказа билиш санъатдир.

Фаҳрим бор!

Довруғи оламга кетган

Пахтакор авлоди бўлганим учун

Буюк падаримнинг қадами етган

Табаррук тупроқда турибман бу кун!...

*Отам, ўзбек пахтакори (агроном) Чинозда яшаб,
пахтачилик билан шуғулланганлар.*

Пахтакорим!... Сен оримсан!

Пахтакорим!... Сен осмоним!

Сен абадий истагимсан —

Бобом, отам, онам маним.

Бу оламга сочилганим, илк меҳнатим,

Соддалигим, жушқинлигим тароватим,

Ҳаммаси сенсан!...

Саховатда ўзинг қуёшсан

Не бор, сенинг қўлинг тегмасин.

Қўлинг теккан тоида гул унар

Изинг тушган чўллар, боғ-чаман!
Бугун қутлуғ ҳосил байрами
Сени катта меҳнат зафарига
Чорламоқ учун, санъаткорлар —
Ҳамзачилар келдилар бугун!
Она юртим тинч-омонлиги,
Ҳаётимиз фаровонлиги
Меҳнатдандир, фақат меҳнатдан,
Ўзбек халқининг беармонлиги!
Меҳнат билан кечган он ширин!
Меҳнат билан хуш даврон ширин!
Меҳнат билан топилган неъмат
Дастурхоннинг кўрки — нон ширин!

Меҳнат нонини танаввул қилиб, кам бўлмадим.
Ўсдим, улғайдим, вояга етдим. Ҳозир севган касбим
билан шуғулланмоқдаман. Яратганга беҳисоб шукро-
налар бўлсин!

«Дил дафтаримдан».



Набирам Сардорга

Жонингга тасаддуқ бўлсин бу жсоним,
Кулгу аримасин асло юзингдан!
Бахтимга омон бул тугишган қоним,
Омон бул элимнинг бахти учун ҳам!
Бобонг билан,
Уканг билан,
Сен Озод диёрнинг ўғлисан бугун
Эркин Ватан сеники, сеники иқбол,
Сардор бул, номингни эъзозлаб оқла
Энди қўлингдодур буюк истиқлол!
Элни ҳимоя қил, Ватанни сақла!
Мард бул ўғлим!!!

1992 йил, 5 май.

Анварга

(Дустим — созанда ва хонанда
Анвар Рустамовни сунгги йулга кузатган
кунимиз. Туйтена, Галаботир қишлоғи.)

Тамом булди қалбдаги буронли туген
Гуё бутун оламни босди сукунат
Тулғоқ тутган Қорасув — телба дарёлар,
Ғазабкор булутлар ҳам сукутда фақат.
Сукунат босди, кўздан йўқолди ранглар
Дилга ором бергучи наволар тинди.
На ҳижрон, на фироқ билмайман недур?
На интилиш бор, на фарёд энди!?
Қўрқаман, наҳот шундай тугайди бари?
“Наҳот умрим тамоман сукутга маҳкум?”
Ё юрак амри шуми? бурон олдидан
Сукунатга эрк бермоқ, бир нафас, бир зум.

1982 йил.

Синглим Доноҳонга

Худо тукис қилиб яратган сени
Сендан аямаган ҳеч нарсасини
Олий маълумотлисан, хаёлисан,
Иболисан... Онасан, вафолисан
Оқиласан, муаллимасан, Доносан!...
Азиз Чинозимизда яғонасан!
Битта камчилигинг топдим мен, узр!
Сенинг армонинг йуқ, худога шукур!

1989 й. Чиноз.

Рафиқам Тожихонга!

Тоза, шинам. гузал уйимиз,
Чунки театрда булган туйимиз.

Уғлимизни кутганинда дарров сезаман
Кунглингадаги умидларинг таъмини,
Тоқим ҳаётимда сен бор экансан,
Бахтсиз булишликка ҳаққим йуқ мени!
Сенга ноҳақ озор бериб қуйишдан,
Кейин ўз ўтимда ўзим куйишдан,
Сен қолиб, бировни севиб қуйишдан
Қўрқаман...

Сени ранжитишдан асрасин мени,
Кейин қон ютишдан асрасин мени,
Зор қақшаб ўтишдан асрасин мени;
Тақдир ҳеч солмасин ҳайроналарга,
Кўнгул айланмасин вайроналарга,
Куним ҳеч қолмасин бегоналарга.
Дийдор куришмоқдан ўзга бахт борму?
Ҳар дам термулишга бизда вақт борму?
Сен учун қалбимдан гузал тахт борму?!
Орзу уйлариمنىнг қанотидасан!
Бажарган ролларимни завқ, тотидасан!
Йигитлик ҳисларим қат-қатидасан!
Эҳ, буёғини сураб нима қиласан?
Турмуш фаровондир насибамиз бут,
Туқлик, арзончилик, ажиб сурур бу
Нимага қўл чўзсак етишамиз зуд,
Дунёда бетакрор ҳаёт эрур бу!
Лекин шу ҳаётда биз учун гоҳо
Биргина яхши сўз етмайди дўстлар,
Бемор юракларга топилмас шифо,
Қайда мўмиёдай у ширин сўзлар?
Яхши сўз қудрати зўр, чақинидан
Кўнгил ғамларини диллар туқади.
Шу боис илонлар чиқар ишидан
Ва улкан филлар ҳам аста чуқади.
Қалблар деворига яхши сўз тиргак
У инсон мангу эҳтиёж,
Бизларда яхши сўз кўп-кў, эй юрак

Нечун қизғонамиз, бунга не сабаб?

“Яхши сўз — жон озиги,

Ёмон сўз — бош қозиги”



Муборак зот эмиш, аллома эмиш,

Кўп машҳур эмиш-у — бизга замондош.

Илим сўз бобида Ягона эмиш

Кимларга куз эмиш кимларга қиш

Тириклик пайтидаёк, шонли ва мағрур

Хайкаллар тик этмиш кўплар дилида

Фақат ўз тилини билмас эмиш у

Сўзлашолмас эмиш она тилида.

А. Суюн.



Нотиклик санъатига қадам қўяётган мухлисларимга, машқлар утказиш учун утмишда ижод этиб бизга адабий мерос қолдирган боболаримиз дурдоналаридан ва ҳозир ижод қилаётган қаламкашлар ижодидан фойдаланган ҳолда узимни фикр ва мулоҳазаларимни қўшиб ушбу адабий лавҳаларни эътиборингизга ҳавола этмоқдаман (Муаллифдан).



Аллоҳ ўз қудрати билан оламини яратди. Ер юзидаги ақлли мавжудот булмиш Инсонни ақл-идрокда бошқа ҳайвонлардан афзал қилиб яратди. Чунки ақл заковат эшиклари ва саодат хазиналарининг калитидир. Бу дунёнинг нозу-неъматларига эга бўлиш, у дунёнинг азоб ва уқубатларидан халос бўлиш ақл идрокка боғлиқ. Ақл икки хилдир: бири табиий, яъни онадан

тулма бўлиб, иккинчиси касбий, яъни тажриба во-
сигазида, ўқиб ҳам ўқиб эришилган ақл идрокдир.

Ҳар бир инсон маълум ақл-идрокка эга бўлиб,
илм-хунар касб этишига интила, бу дунёда ҳам орзу-
сига етади, у дунёда ҳам роҳат кўради. Назмда шун-
дай мисралар бор:

*“Дузах ҳам, жаннат ҳам ер юзидадир,
Азоб ҳам, роҳат ҳам ер юзидадир.
Жаннатни кузласанг дузахлардан ут
Бардошбер танингни куйдирганда ут
Жаннатнинг йулида дузахлар қат-қат
Жаннатга дузахдан утарсан фақат
Дузахсиз-азобсиз топилмас жаннат
Жаннатни азобда ўзинг қур, ярат!
Унутма шу сўзни демишлар тақдир,
Азобсиз роҳатнинг вафоси йўқдир”.*



*Пулатсан десалар, мени мабодо
Демак, мен маҳкамман, айни муддао.
Демак, мен пулатдек янграшим даркор.
Ташландиқ пулатдан кимга фойда бор?
Жаранглаб турайин мисоли тамбур
Одамлар қувонсин, бўлмасин дилхун!
Истагим жаранглаш, занг босмайин ҳеч!
Истагим жаранглаш, ғам босмасин ҳеч!
Минг шукур: толихим баланд
Қўлим етган жойгача етади.
Етмаган жойга узатмайман ҳам!
“Толихим бор!”, - дея улгурдим, чунки
Дўстим бор! ундан ҳеч ортда қолмайман!
Ўғлим бор! ҳаётда ҳеч йўқолмайман!
Ёрим бор! Тоғим бор!
Ун саккиз ёшидан меники,*

Қалбим бор нулатдек
Лаққа чуғ, ҳатто қуёш ҳам меники!
Завқ тула, оромбахш чоғлар меники!
Келажакка ишончли уйлар меники!
Базму жамшид, давралар, туйлар меники!
Киндик қоним пахтазорим, Чинозимга тукилган.
Чинозим — бу менинг насибам, нон, ошим,
Чинозим — бу менинг тукилган куз ёшим,
Чинозим — бу менинг ҳеч сунмас қуёшим.
Чинозим — бу менинг мангулик йўлдошим!
Осмонидан ёр-ёрлари аримаган Чинозим!
Минг йил яшаб, халқи қаримаган Чинозим!
Омонжонинг сурнайининг наволарига
Рақсга тушар самодаги юлдузлар ҳатто,
Тулин ойни пахтазорда, чирманда қилиб
Жўр бўлади, бугун унга устоз Амиришо!
Бугун яна бағрим очиб, чин инсонни
Дустларни угум!
Хонадаонда нур ҳурмати
Чироқни угум?
Қалбимдаги қон ҳурмати
Ёртоқни угум!...
Дастурхонда нон ҳурмати
Тупроқни угум!
Ишонаман:
Умрим узоқ булур менинг ҳам
Кузим очиқ кетмас оламдан.
Не-не умид узилгани дам
“Худо қайтиб берган” одамман!
Сочилгандир ҳар ерга ризқим
Териб ерман барини бир-бир,
Кимдир булар вафоли дустим
Хундор ёвим булади кимдир.
Театрда не-не муаммо
Не-не сурон, не хавф-хатар
Ижодимда гулшанлар аро,

Не курашлар қалашиб ётар
Ҳали олис ушал қутлуғ кун,
Парвозингни баланд ол юрак,
Курашларда ғалаба учун,
Узоқ умр кўрмоғим керак!
Ҳозир мана олтмиш ёшимда
Кукрагимга шаффоф булоқ сувлари
Кўзларимга феруза осмон
Юрагимга шиқ туйғулари
Энг яхши меҳмон!

Шу сатрларимга халқ шоири Эркин Воҳидовнинг
жавоби:

Сен даставвал ойболта булдинг,
Сўнг замбарак булиб қуйилдинг,
Қилич ҳам сен, милтиқ ва наган
Ҳатто бомба булиб портлаган.
“Лекин олди жаҳонни фақат
Актёр булиб қуюлгач Пулат!”



Тингланг азизлар!... Шу табаррук боболаримиз тилдан сўзлагайман:

Дегайлар дунёнинг гавғоси кўндир,
Яхши инсон нечун кам? Ёмони кўндир.
Дейдилар: Бодомзорда етилар бир хил бодомлар
Нега энди булмас ҳар хил одамлар?
“Инсон! Инсон! О.. фоний авлод
Маъносиз ва бебаҳо дунё.
Багри бутун борми оламда
- Толихим бор! — дея улгурмай
Толихидан маҳрум бандаси
Бахти қаро Эдин! О, Эдин!
Менга сабоқ булди кисматинг,

Сенинг хунук қиссангдан ҳисса
Бу дунёда бахтли инсон йўқ!”

Софокл. А. Мухтор таржимаси.



“Ҳеч нарса кўтармас кўнглимни маним
Санчиб томоғимга осилади эсон.
Додимга етмайди на дўст, на ганим
Шоир бахтиёр бўлмас ҳеч қачон”.

Рауф Парви.

“Одамзод хулқининг зур моҳири
Артист, ғамгин-шод кўринар зоҳири
Ҳар хунарманд вақт утиб бўлса азиз
Нега артистнинг ҳаробдур охири?”

(Ҳалима Носирова: халқ артисти,
“Саодат” журнали, 1999 й. сентябрь)



“Дардларимни мен сузлаб бердим
Ҳеч ким қулоқ солмади.

Дардларимни назмга тердим
Йиғламаган ҳеч ким қолмади”.

Дард кўрган юракдан чиққан суз,
Дардли юракларга малҳам бўлади.

Мен, сахна ҳам дорбоз аргамчисидан тор
Булишини истардим, бу тажрибасиз одамларни
Қўлидан келмайдиган ишларга қўл уриш
Иштаҳасини қайтаради.

Азизим: Туғри, аниқ гап тузиб, жавоб бергин суроққа
Хизмат қилсин ҳар сузинг, фикрингни тўлатмоққа
Мен актёрман:

Шоирлик даввосин қилмасман йўқ-йўқ,
Саҳнадошларим билан бўлиб ҳам нафас.

*Камтарин санъатимга жойлаб қиттак чуг
Ўз овозим билан куйлай олсам бас!
Буюк бобомиз Б.Нақшбандий бекор айтмаганлар:
“Қачонгача излагайсан нажот мардлардан
мардлар ишин ўзинг қилу, қутил дардлардан! - деб.
“Гар фалакни ёрмас экан — надир дил?
Тухум ичра қуш, парвоздан махрумдир!”*

А.Х. Деҳлавий.



Бу қисқа ифодаланган ўткир фикрлар, ҳаётимизни яхшилашга, нутқимизни раво ҳамда мантиқли бўлишида катта хизмат қилади. Нотиқ ўз режаларида, нутқларида қисқа ва ўткир фалсафий фикрлардан фойдаланиши мақсадга мувофиқдир.

*“Қаламимга қалбимни чандиб,
Қирмизи қон билан ёзаман.
Аламимга нигоҳим танғиб,
Кипригимла қудуқ қазаман.
Тун оташдир, оловдур кундуз
Қатрон ердек ташнадир лабим.
Сувга ташна эмасман, ёлғиз
Томчи ҳақиқатдир матлабим!”*

1999 й.



Яхши фикрлар унутилиши мумкин, лекин ҳеч қачон ўлмайди.

*“Миннатдор бўл доим қошу кузингдан,
Ваъда бердинг: Энди қайтма сўзингдан.
“Диёнат йуқ!” дея жар солиб юрмай,
Сен уни аввало изла узингдан”.*

Бировни кимлигини билишдан аввал,
Таниб ол дўстим мукаммал!
Қиёфамга қараб, чиқарманг ҳукм,
Билмасдан не эрур қалбдаги мулким.
Уртада вақт деган бир донишманд бор,
У ҳам айтади сиз ким-у, мен ким?
«Яшашни истайман жуда ҳам узоқ,
Қарзим кўндир менинг бахтли ҳаётдан.
Яратиш имкони бордир қалбимда,
Фойдаланмоғим шарт имкониятдан.



Бу дунёда борми ўзи адашмаган бир кимса?
Инсон хато қилмоғу тузатмоққа яралган
Ҳаёт узун: муҳаббатнинг — мардликнинг умри қисқа
Жафога тўла дунё, синов бизга аталган.



Биз артистлар ишни дундирдик,
Хилват дунё эди, гавжум бўлдирдик.
Кулгуни бас қил! —деб, буғилар жоҳил,
Демак кулгу билан уни ўлдирдик.

Инсон билан тирикдир инсон
Муҳаббатда ҳаётнинг боши
Одамзодга бахш этади жсон
Одамларнинг меҳр қуёши.

Э.Ваҳидов.



Ёшликни биз соғиниб, жононларни уйладик,
Мангуликка сизиниб театрни куйладик.

*Шунча шавқни, шуҳратни, баҳам кўрдик биз бирга
Кел берақол ярмини актёр Пулат Носирга!*



*Дейдиларким, манманлик эгамгадир хос
Муслмон бандасига камтарлик мерос.
Бизлар бу дунёга меҳмонмиз, афсус умр оз,
Барчасига қаноат қил, солгил сарафроз.*



*Эй туну кун дунёга куз тиккан киши,
Ақлингни жуймасин дунё ташвиши.
Ахир эсингни йиғ, ҳушёрроқ бир боқ.
Недур бошқаларга унинг қилмиши?*



*Бу дунё узи, асли бир кам бўлган
Бахтини излаб тополган кам бўлган.
Кимнинг толихи баланд, кимники паст бўлган
Ёмон кўриб қолгандек, ҳамма яхшига каст бўлган.*



*Парвардигорим карами кенгдир
Кимгадир шаҳд берган, кимгадир бахт берган.
Кимларгадир молу давлат, нақд берган
Кимгадир севикли ёр-даврон сургали
Баъзибир маразларга “Чун” кавлаб юргали.*



*“Жуда ажойибдур инсон удуми
У сувни жуда ҳам, жуда ҳам суяр.
Хуш ундаи кейин-чи кейин,*

Инсон сувдан яна қандай завқ туяр?
Бекор қолганида, баъзида секин
Бир-бирини тагига сув қуяр
Шундай экан: - Эй, биродар!..
Менга ўлим тилаб, бергунча заҳар,
Ўзингга умр тила, шошма оқнадар!
Бу дунё ҳаммамизга баробар.

А.Орипов.



Сен бу дунёни қизғонма мендан
Мен сенинг кучангдан утмасман зинҳор
Менинг бу оламда ўз айтар сўзим
Ва ўзим сизингувчи мазорларим бор.
Дунёни қизғонма мендан азизим,
Сен ичган булоқдан ичмасман асло.
Сен юрган тоғларда қолмагай изим,
Сен кечган дарёдан кечмасман асло.
Дунёни қизғонма мендан азизим
Қалбингни ёқмасин шубҳа ва суроқ
Мен ўзга манзилга тикканман кузим
У сенинг кулбангдан жуда ҳам йироқ.

А.Орипов



Бу дунёга келганлар кетади албат,
Мен кетгач, келади ўзингга навбат.
Мен кичкина увоқдирман дунё томидан,
Сўзлагайман ўтган-кетган шоир номидан.
Ҳар ким ичгай шўр қисматнинг аччиқ жомидан
Мен дегайман шу давримнинг шўх айёлидан
Эсинг бўлса менга ортиқ сўз дема!
Кўмирдан оқлик, Пулатдан юмшоқлик тилама!



Гоҳо сендан азиз остингда отинг
Гоҳ бир галамисга боғлиқ ҳаётинг

Шунақа, галатидур дунё ишлари
Миянг гавлаб кетар, уйлаган сари.



Айт, ахир узинг ҳам то борган собит
Кимсага насиба узатганмисан?
Кучангдан лапанглаб утганда тобут
Сен уни турт қадам кузатганмисан?
Чорасиз бир инсон учраган дамда
Унсиз суроғига қилдингми жавоб
Айт-чи, билармусан ёруғ оламда
Буларнинг барчаси аталган савоб.

А.Орипов.



Эй азизим! Бугун очмиз, аммо эртага туқмиз
Бугун бормиз, вале эртага йўқмиз
Бу дунёга қайтиб келаман дема
Ҳаёт милтиғидан отилган уқмиз
Мен-ку утган умримдан хафа эмасман
Яшашни мендан ургангин демасман
Сени-ку билмайман, аммо мен дўстим
Бу дунёга қайта келмасман!

Шунинг учун, умид қил,
Ниятни катта қил, ҳей!



Сен етмасанг углинг етади,
Неваранг етади, углинг етмаса,
Неваранг етмаса чеваранг,
Чеваранг етмаса, эваранг,

Эваранг етмаса, деваранг,
Бегонанг етадику, ҳеч булмаганда
Ниятинг қачон ерда қолган? Қачон?

Шукур Қурбон.



Инсон яшамоқдан толмасин учун
Кўнгулга бир дунё тилак берилган.
Тилак фақат дилда қолмасин учун
Инсонга забардаст билак берилган.

Эркин Воҳидов.



“Дил ба ёру, даст ба кор”
(Б.Нақшбандий таълимотидан)

Ҳилқат бизга эътиборин хўп қаратган,
Тагин бошсиз булмасин деб, бош яратган.
Ҳилқат бизга эътиборин хўп қаратган
Бошимиз буш қолмасин деб, онг яратган.
Ҳилқат бизга эътиборин хўп қаратган,
Вужудида ҳаёт доим қайнасин деб
Кеча-кундуз кўнирувчи қон яратган.
Ҳилқат бизга эътиборин хўп қаратган,
Бир-биринин тушунсин деб тил яратган.
Ғоят узоқ ўйлаб-ўйлаб фикр қилиб,
Бекор турмай ишласин деб, қўл яратган.
Ҳилқат бизга эътиборин хўп қаратган
Баланд-пастни курсин дея куз яратган.
Билиб-билмай уят ишни қилиб қўйса,
Номус ичра қизарсин деб, юз яратган.
Ҳилқат бизга эътиборин хўп қаратган
Юраги муз булмасин деб, ҳис яратган.
Қизлар учун йигитларни барпо этиб,

Йигит учун қизларни яратган.
Иккисини ўртасига шайтон яратди.
Шайтон деди, баҳслашиб бирдан:
«Ишиқ оташин қўшчи қонингга!
Севги боғин панжарасидан
Ошиб тушдим шунда ёнингга.
Қочма Гулруҳ, тутиб оламан,
Энди йўлим тўсолмас биров.
Васлингни ҳам «ютиб оламан»
Шайтон билан уйнасанг гаров».

Ўзб. халқ артисти Р.Авазовдан эшитганим.

Яхшининг шарофати намоён ҳар дам,
Нав келтирар минг-минг йиллардан сўнг ҳам.
Ёмон касофати авлод-аждодинг
Бошига соларкан ташвиш билан ғам.
Ўзинг яратасан қувончингни инсон,
Ўзинг яратасан ғам андуҳингни.
Булут пашша тутмас, қудратингга ишон
Ардоқлагин мағрур руҳингни!
Ер юзида яшаган, инсон, майлига у қаерли бўлсин,
Тинч меҳнатдан кунлари шодон,
Кечалари хайрли бўлсин!
Эл устозим мен эсам толиб,
Сўз дурларим термоқдир ишим
Одамларнинг узидан олиб,
Одамларга бермоқдир ишим.

Эркин Воҳидов.

Уйингга меҳмон келди. «Меҳмон отангдан келди», —
деydi донолар. Не-ки бор, ургулсин, дастурхон кушод
уйингни тўрида утирганлардан.

Армонсиз яшашга ҳали эртадир,
Гумонсиз яшашга ҳали эртадир.
Азизим, соқчи янглиғ булгин эҳтиёт

Уйингни түрида утирганлардан .
Дуст изласанг, дуст топарсан
Лекин душман излама.
Душманинг ҳам узинг билан
Булсанг икки юзлама.
Ҳамиша йироқ бул кибру ҳаводан
Йуқни сўзлар булма, олиб ҳаводан
Оғзинг чучирмидир «оҳ» деган билан
Оти бор, ўзи йуқ қуруқ ҳолвадан.
Ҳаётга келдинг-ми, вақти бемаҳал
Яхшидан ёмонга йўйма отингни.
Замон фарзанди бул, содиқлик билан
Сен унга тўғрилаб ол соатингни.



«Уни ёмон дерди, буни ярамас,
Бехато кўрарди аломатларни.
Уни бехосият дерди, буни наст,
Шиғаб отар эди маломатларни.
Билмам, ғазабига олдими қисмат
Ёки шайтон уни ғафлатга солди.
Ҳаммани ёмонлаб, охир-оқибат
Ўзи бир нокасга айланиб қолди.
Номардлигин сездим, юзга солмадим,
Асли муддаони айтолмадим.
Қилмишидан бир кун уялар, ахир
Кузатдим ҳар қалай доғда қолмадим.
Бировни ранжитиши кўнглимга сигмас,
Барибир номардлар гапингни уқмас
Беидрок кишига одиллик ёқмас.



Биров енгилади, енгади биров
Бу ҳаёт қонуни албатта.

Ноғора дуторни босади бирров
Аммо ўрнимас санъатда.



Сен дунё талашдинг, кулди бу дунё.
Гоҳ йўлдан адашдинг, кулди бу дунё.
Талашиб-тортишиб дунёдан ўтдинг,
Қаҳ-қаҳ урганича қолди бу дунё.
Сен аҳил яшадинг, яшади дунё.
Эзгу иш бошладинг, яшарди дунё.
Иккимиз дунёдан ўтгандан кейин
Афсусдан манглайин қашиди дунё.

Шухратдан.



Қўшнилар талашиб қолишди: бири
— бу ер меники! — деса, иккинчиси
— йўқ, бу ер меники — дейди.
Шу пайт ердан садо чиқди:
— Талашманглар! Ожиз бандалар!
Иккингиз ҳам меники!



Шунақа дустим:

Дарё бўлсанг, тошни тошга уриб оқ
Қуёш бўлсанг, сен осмондан кулиб боқ.
Булут бўлсанг, раҳматинг қуй, чақмоқ чак!
Чаман бўлсанг, гулларни соч хушчақчак!
Булбул бўлсанг, саҳар туриб чак-чак ур!
Чашма бўлсанг, тиним билмай қайнаб тур!
Оҳу бўлсанг, оҳу кузинг яширма!
Арслон бўлсанг, босган изинг яширма!
Турна бўлсанг, юқсақлардан бер садо.

Бургут бўлсанг, қояга қил жон фидо.
Одаммисан, эзгу ишдан қул узма,
Нокасларга шафқат қилма, қул чузма!
Яхшиларнинг елкасида бу олам.
Яхшиликни ният қилсин ҳар одам!



Тугри, қайга чузсанг етади қулинг
Фақатгина бироз эгридир йулинг.



Дерлар: “Хушомадгуй бошлиқнинг думи,
Уддабурронлигинг, маҳоратинг шуми?”



Шоирсан, шеърларинг қушиқ ҳам бўлган
Нечук мухлисларинг ихлоси сунган?



Сен доно одамсан, қани айт-чи,
- Уйланайми ёки уйланайми?
- Барибир, чунки ҳар икки ҳолда ҳам пушаймон
қиласан.



- Севги нима-ю, никоҳ нима?
- Севги — ҳаёт чироғи. Никоҳ — ана шу чироққа
тулланадиган ҳақ!



- Дустим, мен сендан уйнаган ролим ҳақида фикрингни самимий айтишингни илтимос қиламан.

- Йўқ, яхшиси дустлигимизча қолайлик...



- Айтингчи, иш юришмаганда кимга арзиҳол қилган маъқул? Дустгами ёки душмангами?


- Ҳар хил таъвишлар ва кунгилсизликлар ҳақида дустларга гапирмаган маъқул. Яхшиси, бу ҳақда душманга ёрилиш керак. Шунда биринчидан, уларга бир неча дақиқа лаззат баҳи этасиз, иккинчидан, сузингизни охиригача диққат билан тинглашади.



«Кимнинг сочи узун бўлса, ақли қисқадир»,
Деб ўтмишдан қолган ғалат нақл бор, бироқ
Тил ақлнинг тарозуси, соч эмас ахир,
Ким беҳуда сузлар экан, ақли қисқароқ.



Ким узини санаса бадбахт
У ўзига ўзи зомин, кушанда
Сабр ила бўлсанг, хушият
Бахтиёрлик ана ўшанда.



Нафратла тепкиланг бўлсам хийлагар
Пешанам силангиз севилсам агар.
Туртинг, силтаб ўтинг, алқанг, олқишланг,
Жим кетманг, кимлигим билай одамлар!...



*Аёл ёлгиз, лекин тул эмас,
Эр яккаю, эмасдур буйдоқ.
Бир болага ҳеч ким қул эмас,
Ҳеч ким озод эмасдур бироқ.*



*Сени деб чеккан заҳматни ҳордиқ деб билгум,
Қиё боқсанг ногаҳон, тортиқ деб билгум.
Умид узгил дема бас, мен уша замон
Узимни ҳам дунёда ортиқ деб билгум.*



*“Одамзоднинг юзи иссиқ”, деганидек
Айбин айтолмайман дўстнинг юзига.
Жим қулоқ тутаман, тургунилча тик.
Тугрию нотугри айтган сузига.*

*Шундай мутеларча кечарми умрим?
Кейин ким ҳам олар мени эсига.
Ахир биламан-ку, қул эмас ҳеч ким,
Инсон тобе фақаат узи-узига.*


*Бас, энди қолмади ҳеч сабру тўзим,
Фаришти демасман энди шайтонни.
Агар худо булсанг, ёқмаса сузим,
Ташлаб юборавер майли осмонни!*



*Фарёд уриб қилманг овоза,
Тепамда ҳам айтманг исмимни.
Уқимасангиз майли жаноза
Тобутга ҳам солманг жисмимни.
Улгандан сўнг майли қийнаманг,*

*Топтанг, ташланг жонсиз танамни.
Тирик чоғим мени қийнаманг,
Тор этмангиз менга оламни!*

*1980-83 йиллар. “Ватандош”
радиостанциясида битилган.*



*Агар кукрагимда турса шү юрак,
Хиёнат қилмаса имон, виждоним.
Театрим, сенга бир гилни айтмоғим керак,
Ер бўлмоғим керак, сен деб осмоним.*

*Менга сен қилмагил заррача шафқат,
Яшиндай чақнагин орзу-уйимда.
Агар лойиқ бўлсам, бергин саодат,
Битта гард қўндирсам гуноҳ бўйнимда.*

*Менда ҳам бор муқаддас истак,
Куксимда борлигинг аён эт юрак.
Тақдир қисматин ичимга ютиб,
Темур бобом сиймосида чиқмоғим керак!*

*Мен ҳам яшай ахир оламни қучиб,
Куксимдан отилма шафқатсиз юрак,
Мен ҳозир “Гамлет”дай ўзни унутиб,
“Ё ўлиш, ё қолиш!” демоғим керак!*

1980-83 йиллар.



Қалби гузал одам муаттар гулга ухшайди, унинг чеҳраси ёқимтой, сўзи ширин муомаласида пок дили куришиб туради. Баланд бўлмаган тоғда сув, қор турмайди. Номард, ноқас билан ҳеч ким дуст тутинмайди.

Яхшилик одамга тоза сувдек ҳаёт бағишлайди, буни доимий одат қилган одам ўзини ҳам, ўзгани ҳам бахтиёр қилади. “Бир одам эрта-ю кеч одамлар-нинг оғир-енгил ишини бажариб, ҳар кимнинг ҳожатини чиқариб юрарди. У доим очиқ чеҳра, гулгун кайфиятда куринар, дили шодликка тулиб ўзича хиргойи қиларди:

*“Меҳнатдан ҳалол номим,
Роҳатда яшар жоним.
Одамларга хону номим,
Қолса бўлди яхши номим”.*

Одамлар бу пок, ҳалол йигитни севар, ҳурмат қилишар, уни иссиқ-совуғидан хабр олиб туришар, доим меҳрибонлик кўрсатишар эди. Унинг номи яхшилик билан тилга олиниб, қишлоқма-қишлоқ, шаҳарма-шаҳар бутун юртга тарқалди. Умри тугаб, қазо қилди. Бутун юрт мотам тутайди. Дафн маросиминда йиғилганлардан: “Ҳалойиқ! Марҳум қандай одам эди?” — деб сурабдилар. Ҳамма: “Яхши одам эди, пок йигит эди”, — дедилар. Шу пайт қишлоқнинг энг кекса оқсоқоли ўрнидан туриб шундай деди: “Эшитинг, ҳалойиқ, инсон дунёга бир марта келади. Шундай одамлар бор-ки, бир умрда икки умрни яшаб кетадилар. Қишлоғимизнинг энг покдомон йигити — марҳум шундай инсон эди. У умрини сермазмун ўтказди, одамларга яхшилик қилиб, иккинчи умрини яратди. У орамизда бўлмаса ҳам, ўз номи билан қалбимизда яшайди. Ана шуни иккинчи умр дейдилар”. Йиғилган ёшу қари ҳалол умр кўрган, софдил, катта қалб эгаси бўлган марҳумнинг умрига ҳавас қилдилар, унга ўхшаб яшамоқни орзу этдилар”.

Ҳаммамизнинг ризқи-насибамиз борлиги аниқ, лекин уни меҳнат қилиб, пешона тери билан топиб смоғимиз керак. Рост сўзлайдиган одамнинг доим дили

равшан, кунгли тўқ, уйқуси оромли бўлади. Кимки эгри йўлга бурилса, манзилига етиб боролмайди. Яшаш учун алдамчилик қилган одам ширин тотли ҳаётдан ажралиб, хузур-ҳаловатни йўқотади. Ҳаётда кимки туғри буламан деса туғри йўлдан чиқмагани маъқул.

Рост сўзлаган — ҳақиқатнинг эгаси,

Эгри сўзлар — ҳар кулфатнинг эгаси.

Манманланган одамдан, ёлғончидан, субутсииз кимсадан яхшилик кутманг. Боғбоннинг нияти холис, шунинг учун одамларга бол, узига иқбол яратади. Файратли кишини бахт қидиради, дангасадан эса қочади. Кимнинг дили қора, тили оғу бўлса, унинг умри кўршапалак сингари зулматда, ҳасрат-надоматда утади. Ҳар ким ўз феълидан, хулқи-атворидан топади, бундай тақдирни ҳам одам ўзи яратади.

МАСАЛ:

Катта бир дарахтни бузоқбоши аста-секин

Кемирар, унинг танасини жароҳатлар эди.

Шу пайт дарахтга қизилиштон келиб қунди:

- Ҳа бузоқбоши, нима қиляяпсан?

- Тирикчилик, емиш изляяпман.

Тўқ, тўқ, тўқ дарахтни тақиллатади қизилиштон ғазаб билан:

— Сен, бузоқбоши дарахтдан емиш излаётганинг йўқ, шу салобатли дарахтни танасини ковлаб, жароҳатлаб йиқитмоқчисан. Сендай фитнатун, фисқу фасодчини жазолаш керак. Шундай деди-ю, бузоқбошини «лиқ» этиб ютиб юборди. Кимки бирорга муқур қазиса, албатта, ўзи қулаб тушиши муқаррар.

Бахтли одамларга ҳасад кузи билан қарама, ҳасад утида ўзинг қурбон бўласан. Гулни гузал деб мақтама, у ўзи гузаллигини намойиш қилиб туради. Тил оғиздан ҳамма юмуш-вазифаларни оғзаки айтиб тураверади, буни ақлли қўллар ва оёқлар ёрдамида бажаради.



Ўтмишда Анушервон деган адолатли шоҳ бўлган экан. Бу шоҳ саройида ҳар доим мантиқли, ширин суҳбатлар уюштирилар экан. Шу суҳбатлардан отам раҳматли сўзлаб берар эдилар:

- Дунёда яхши нарса нима?
- Дунёда уч нарсадан ўтадигани йўқ.
- Нима экан улар?
- Ўлим, аёл, эҳтиёж.
- Эй, шаҳриёри олам, аёл булмаганида сенга ва менга ўхшаган зотлар қандай туғилардик?
- Ўлим булмаганида отангнинг салтанати сенга тегармиди?
- Эҳтиёж булмаганида менга ўхшаган одам сенинг саройингда турармиди?

Зиндонда ётган донишмандан:

- Шундай қора кунга тушганингда узинг-узингга қандай тасалли бераяпсан? — деб сўрашибди.

- Тўрт ҳикматли сўзни қайта-қайта такрорлаяпман, - дебди у.

- Биринчиси: Буларнинг ҳаммаси пешонада бор экан, кўраяпман, демак тақдирдан қочиб қутилиб бўлмайди. Иккинчиси: Бу кулфат минг оғир булса ҳам чидамасдан, сабр қилмасдан илож йўқ. Учунчиси: Ҳали бу ҳолва, бундан оғирроқ кунга ҳам тушиш мумкин. Туртинчиси: Эҳтимол бугун-эрта қутиламан, балки аллақачон қутилгандирман ҳам-у, ўзим бехабардирман.

Абул Фароғж.



*Тобланганидай Пулат лақча оловда,
Иссиқ ва совуқда синалгай новда.
Омад ёр булғуси ким толиб чиқса,
Ҳаётдан турли мушкул синовда.*

*Баъзилардай демадим бойий,
Борнинг отин айтиб, йўқларни койий.
Ақлим танидим-у, тўпладим билим,
Ҳолимга яраша ёздим рубоий.*



Бир суҳбатда шоирлар, актёрлар даврасида энг гўзал аёл ҳақида тортишиб қолдик. Шунда ҳар ким ўз фикрини билдирди. Менга Ҳайдар акамизни фикрлари жуда маъқул бўлди. Халқ севган шоир, драматург, Ўзбекистон Миллий академик драма театрида бир неча йиллардан бери адабий эмакдош бўлиб хизмат қиладилар. Гузаллик шайдоси Ҳайдар Муҳаммад гўзал аёлни қулида чақалоқ кутарган аёл деб тасвир қилган эди. Яқинда шундай баҳсларнинг бирида у кишига: «Хўш, энди энг яхши ота, яъни ҳақиқий эркак қандай бўлади?», — деб савол бердим. «Ҳақиқий эркак уйига нон кутариб келган одам бўлади», — деб менинг қулимдаги пакет тўла нонга эътибор қаратдилар. Аёлнинг чиройи тилида, ширин-ширин сўзида, меҳр тўла дилида бўлади, дейди халқимиз. Буни бирон лаҳза унутмаган аёлнинг чеҳраси нурга, юрган йўли олқишларга тўла бўлади. Аёлни эркакка, эркакни аёлга боғловчи ажойиб сўз ришталари бор. Уларнинг энг қудратлиси муомала маданияти — сўз ҳақида қадимдан донишмандлар, файласуфлар, ўз фикрларини билдириб боришган. Ҳикматлар шундай ноёб хазинаки, улар заррама-зарра тўпланиб, кишилиқ маданиятининг бир бўлиги сифатида қадрланади. «Яхши сўз — жон озиғи», — дейди халқимиз. Буюк бобомиз Алишер Навоий сўз ва тил таърифида ёзади:

*Кўнгил дуржи узра гуҳар — сўздурур,
Башар гулшанида самар — сўздурур.*

*Кунгул маҳзанининг қулфи тил,
Ул маҳзанин калитин тил бил.*

*Сўздурки, нишон берур ўликка жондин,
Сўздурки, хабар берур жонга жонондин.*

Гавҳар қатралар ҳам Алишер Навоий қаламига мансуб. Шунинг учун ҳам Абдулла Орипов: «Темур тиғи етмаган жойни қалам билан олди Алишер», — деб улуғ бобомизнинг сўз қудрати ҳақида утли сатрлар битган.

Айтилган сўз — отилган уқ. Сўз билан дор тагига бормоқ ҳам, дор тагидан қайтмоқ ҳам мумкин. Сўз билан висолга етишмоқ ёки ҳижроннинг аламида қолмоқ ҳам мумкин. Онанинг, Ватан дахлсизли-гини таъмин этадиган қаҳрамоннинг сузи ҳаёти-мизда жуда қимматлидир. «Сўз айтгани келади инсон», — дейди Машираб Бобоев. Киши ҳаётидаги сўз қудрати ҳам ўзининг потенциал ва эстетик куч ва қудратига эгадир.

Бир сўз билан сиз қушдай енгил тортасиз, кайфиятингиз чоғ, тоғни кўтаргудай кучга эга бўласиз. Бир сўз билан эса бор-будингиздан ажралиб, ҳатто қад ростлаш учун мададга зор бўласиз.

Сўз бойлигимиздан ким қандай фойдаланади? Ҳамиша бир-биримиздан кўнглимиз равшан, хушнуд кайфиятда, бир-биримизга рўшнолик тилаш билан банд бўламизми? Сўз туқмоғи, сўз заҳари — дил қаҳрига сабаб бўлмаяптими?

Биримиз каттамыз, биримиз кичик, биримиз талабамиз, биримиз мураббий, биримиз раҳбармиз, биримиз ходим, лекин ҳеч биримз ноурин, асабга тегадиган гап айтишга ҳаққимиз йўқ. Бироқ виждон ва муомала маданиятига зид келадиган хунук сўзлар ҳали-ҳали учраб туради.

Ахлоқ маданиятимиз асрлар давомида шаклланиб келган. Халқ ўз фарзандларини авлоддан авлодга ҳикматли гаплар билан тарбиялаган. «Дустингни кўрсат, ўзингни танишим осонлашади» — деган ибора бор.

Бунга дўстнинг ташқи томони эмас, ички гўзаллигини намоён этувчи муомала маданиятига эътибор берилади. «Шогирдингни кўрсат, қандай устоз эканингни айтиб бераман», - дейди ҳаёт. Албатта, устоз ибрати бир умрга авлодларга ўтиши ҳам мумкин.

Устоз ўйлаб иш тутади, хатога йўл қўймайди, чунки унинг қуроли — ақл ҳамиша чархланган бўлади.

Сир сақламоқлик — ақллилик, сирни бошқаларга айтиб, сирлигича қолишини кутиш нодонликдир.

Меҳнатсевар киши вақт етмаслигидан қийналса, тамбал вақтни қандай ўтказишни билмай қийналади.

Меҳнатга қурби етиб туриб меҳнат қилмаслик — ўз умрини ўғирлашдир.

Одамни курашга, голибликка чорлайдиган куч — бу ишонч.

Фойдасиз кашфиёт — кулфат. Чин кашфиёт — Ватанга мадор, халққа роҳатдир.

Гапиришдан олдин тинглашни ҳам урганиши керак.

Ўзгалар суҳбатига ўринсиз аралашаверадиган одамнинг фақат билимигина эмас, эси ҳам пастдир.

Доно, пок, назокатли хотин — оиланинг бахти бўлса, ақлли фарзанд — оиланинг бахти-тожисидир.

Ҳушмуомалалик — тарбиянинг улуғлигидан, қўполлик — тарбиясизликдан, сурбетлик — пасткашликдан нишона.

Ҳушомад — мунофиқнинг онаси, сотқиннинг тарбиячиси.

*Ишонч, самимият, меҳрибонлик дўстлик ниҳоясини
яшнатувчи муъжизадир.*



*Одамлар бор — йиқилганни суяб қўяркан,
Одамлар бор — бир гап билан бўяб қўяркан.*

*Одамлар бор — жон ошиғи, амалинг бир пул,
Одамлар бор — мол ошиғи, тарк этар бир кун.*

*Одамлар бор — бурини ҳам ургатар қўлга,
Одамлар бор — ўз боласин сололмас йўлга.*

*Одамлар бор — доим тайёр истиқболингга,
Одамлар бор — гўрингда ҳам қўймас ҳолингга.*

*Одамлар бор — кўзсиз бўлиб пай гилам тўқир,
Одамлар бор — кўзли бўлиб, кўзингни чуқир.*

*Одамлар бор — бутун умри фалсафа, гоя,
Одамлар бор — бутун умри сафсата, соя.*

*Одамлар бор — тириклигида уликдир,
Одамлар бор — ўлганда ҳам тирикдир.*

*Одамлар бор — олға байроқ кутариб борар,
Одамлар бор — ош пишганда йўталиб борар.*

*Одамлар бор — одамлар бор, турфа одамлар,
Ахир битта боғда нишар турли бодомлар.*

*Тўғри тил тош ёрар, ҳар эгри тил бош,
Осмондан ётилмас, чалтак билан ош.*

*Одам ҳақидаги фикрингиз тўғри,
Одам бор меҳнаткаш, одам бор угри.*

Одам бор-ки, кетмон чопиб тўкар тер,
Одам бор-ки, чигирткадай текин ер.

Одам бор-ки, қолур ундан яхиши от,
Одам бор-ки, қолур ундан оҳу-дод.

Одами эрсанг, демагил одами,
Ониким йуқ халқ ғамидин ғами.

Дедингиз тақдирни ўзгартириб бўлмас,
Бир инсон баланддир, бири эса наст.

Хуш, машойих ташланг байту ғазални,
Инсон ўзгартирур тақдир азални.

Инсондир ердаги улугвор қуёш,
Коинот, ҳаётга инсон эрур бош.

А.Навоий, К.Яшин, Султон Акбарий
шеъриятидан фойдаландим. Муаллиф.



Сен, тоғ қаршисида эгилма бошим,
У юксак, тиз чўкмас сенга барибир.

Дарё қаршисида эгилма бошим,
Бир хасча кўрмас у ҳасратинг ахир.

Сен шамол олдида тиз букма ҳаргиз,
У ҳам шодлик излаб доим саргардон.

Тақдир қаршисида букмагил сен тиз,
Қутилолмассан унда ҳам осон.

Одам қаршисида бош эг сен ҳар вақт,
Одам тушунади одамни фақат.

Мен шундай сўз айтсам...

*Мен шундай сўз айтсам, мушкуллар осон
Бедаво дардига тополса шифо.
Бахт истаб туғилган ҳар битта инсон,
Ҳаркунги умридан кашф этса маъно.*

*Мен шундай сўз айтсам, урушқоқ зотнинг
Тепкини босишига қули келмаса.
Наинки тепкига, ёвуз ниятнинг
Ҳеч қачон, ҳеч қаерда бахти кулмаса.*

*Мен шундай сўз айтсам, кишилар тинглаб,
Қайгудан, аламдан бўлса мустасно.
Эзгу бир ниятда очса доим лаб
Завқ билан, шавқ билан ўтса ҳар асно.*

*Мен шундай сўз айтсам, севишган ҳар ёш
Ҳеч қачон билмаса айрилиқ, фироқ.
Энг ёруғ кунда фидокор йўлдош,
Энг қора кунда бўлолса чироқ.*

*Ошиқлар кутганда висол онини
Юраги зардобга тўлмаса сира.
Ҳар кимса ардоқлаб ҳалол нонини
Ўзидан қолдирса нурли хотира.*

*Мен шундай сўз айтсам, на тилнинг фарқи
На тери ранглари бўлолмаса гов.
Тенг, эркин яшаса ҳар юртнинг халқи
Дустликдан хилпираб қўлларда ялов.*

*Мен шундай сўз айтсам, дустга хиёнат
Қўзлаган кишининг дили тош қотса.*

*Тош қотган дилига кирса соф ният
Инсофга чақириб, қайта уйғотса.*

*Мен шундай сўз айтсам, хасис қалбида
Уйғонса Ҳотамнинг меҳри, шафқати.
Гул унса ҳамиша марднинг қалбида
Дунёда қолмаса нокаслар зоти.*

*Мен шундай сўз айтсам, дунёда алам,
Қайғуни, кибрни билмаса одам.
Бўлмаса ҳеч қачон кузларида нам
Тонг каби соф бўлса ниятлари ҳам.*

*Мен шундай айтсам, эзгу тилаклар
Муродли умидлар ҳар дилда ёниб.
Нур билан чарақлаб йўллар, истаклар
Ҳар кимса яшаса, ҳаётга қониб.*

*Ҳа, сўзнинг сеҳри бор — меҳринг товлайди,
Ҳа, сўзнинг тиғи бор — қиличдан кескир.
Ҳа, сўзнинг ишқи бор — кўнгил товлайди,
Бу жаннат боғига ишонч билан кир.*

*Ҳа, сўзнинг тафти бор — қуёшдай қайноқ
Ҳикмати дунёни ёритса етар.
Ҳар сўзга сен аввал ихлос билан боқ
Ҳар сўзни сен аввал байроқдек кутар.*

*Мен сўзнинг кучига келтириб имон
Мен сўзнинг сеҳрини биламан яхши.
Ҳақ сўзнинг меҳрига фидо бўлсин жон
Эзгу сўз сеҳрида яшасин киши.*

*Табиат инъоми, муъжизадир сўз
Сўз — олов, сўз — ором, сўз — қайтмас ботир.
Сўз деганда олисга ҳатто отмас кўз
Дунёни қайтадан тузмоққа қодир.*

Шухрат.



Мозийдан садо келибдур: Эмишким утмишда Эрон шоҳларидан бири хасталаниб қолибди. Юраги санчиб-санчиб оғрий бошлабди. Муолажа қилмаган табиб, фолбин, ҳеч ким қолмаганч, энг сўнггига қулоқ солибдилар. Табиб шоҳни кузатиб, дардини тинглаб: «Шаҳаншоҳим, сизнинг дардингизга ўз фуқароларингиздан бир ўсмир йигитнинг қонини ичсангиз даво топурсиз», — дебди. Шоҳ қозини чақиртириб, бу ишнинг тафсилотини сўрабди: «Шариатда бу ҳақда нима дейилган?». «Шариати исломда бу ҳодисага ўрин бордир. Зероки, шоҳ жангга минг-минглаб аскарларни бошлаб кириб, қанча-қанча навқирон ўғлонлар шоҳид бўладилар. Шу жумладан, ҳалиги ўсмир йигит сизни сақлаб қолса ажаб имкон булур. Шоҳ табиб билан жаллодга қурбон қилинувчи йигитни топиб келтиришни буюрди. Улар салтанат фуқароларининг уй-жойларини айланиб, бир камбағал деҳқонни ер ҳайдаётган пайтида учратдилар. Воқеани тушунтириб, чол билан кампирнинг олдига икки патнисда олтин қўйибдилар. Олтинни кўрган ота ва она: «Бир ўғлимиз экан-ку, ўнта ўғлимиз бўлганда ҳам шоҳимизга инъом қилишга тайёرمىз», — дейишибди. Йигитни қўл-оёғини боғлаб, жаллоднинг олдига келтирдилар. Воқеадан хабар топган йигит тақдирдан нолиб, жаллод кундасига бош қўйишдан аввал осмонга қараб қаҳ-қаҳа отиб кулди ва Оллоҳга нола қилиб ёлвора кетди... Шоҳ йигитнинг ўлим олдидаги тақдирига, ҳолатига таажжубланиб, ундан сўради: «Сен ҳозир дорилбақога жўнайсан. Сен қурбон қилингансан, нечун кулмоқдасан?», — деб сўрабди. «Шаҳаншоҳим, инсон

нинг бошига кулфат келганда у аввал онасига (муҳ-
тарама волидасига) ёлворади. Сунг отасига (падари буз-
рукворига) ёлворади. Мен отам ва онамни рози қилган-
нингизни кўрдим, улардан нажот йўқ. Кейинги нажот
қозикалондан. Қозининг фикрини ҳам эшитдингиз.
Сунгги нажотни Яратган Эгамдан, ёлғиз парвардигор-
римдан сўраяпман:

*«Ла илаҳа иллолоҳу Муҳаммадин Расулиллоҳ. Алҳ-
амду лиллоҳу Роббил оламин. Ар-Раҳманир Раҳим, ма-
лики явмиддин. Ийяка наббуду ва ийяка настаҳин. Ихди-
нас сиротал мустақим. Сиротал лазина анъамта
алайҳим, гайрул маҳзуби алайҳим валлозолин!»*

*Фақат сенга ибодат қиламан,
Фақат сендангина ёрдам сўрайман.
Фақат сендангина нажот кутаман.
Бизни туғри йўлга бошлагин, Яратган Эгам.*

Шаҳаншоҳ бу сўзларни эшитиб, мағзини чақди:
«Мен олтмиш-етмишни қоралаб қолган булсам, бу
норасида гуноҳсиз йигитнинг қонини ичиб, яна қанча
умр кўрардим?». «Сен озодсан, йигит, қишлоғингга
бориб деҳқончилигингни қилавер!», — деди.

Йигит миннатдорчилик изҳор қилиб, сарой дар-
возасидан чиқиши билан шоҳнинг юрагидан хаста-
лик тарк этди. Шоҳ яшариб, соғ-саломат салтанатини
бошқара бошлади.

*«1994 йил декабрда Бахтиёржон укам янги уйга кўчиб
утиш муносабати билан «Амри маъруф» утқазди. Шу
маросимда Фозил қори домладан эшитдим. Қори
жанобларининг воизлигига, нотиқлигига қойишга қарор
Муаллиф.*



Урта овул стадионида битилган лавҳалар: «Авес-
то» - Меҳр фарзанди:

*Тенглик булсин жаҳон мулкида ҳоким,
Бир хилда яшасин қашшоқ билан бой.
Қашшоқда ҳам булсин ошу нон, уй-жой.
Ушбу эътиқодим менинг дилимдур,
Ёвузликка қарши йўлим илмдур.
Бу диндан юзини угирса ҳар ким,
Уни жазолағай, албатта, албатта, худойим.*

Мен ким Спитама муғлар фарзанди — Зардуштман. Менга келган илоҳий муждада илму огоҳлик китоби «Авесто»ни битмоқ буюрилган. Бу китобга меҳри тушган ҳар одамнинг йўли равон, эътиқоди бутун бўлғусидир.



ИМОН

Арабча луғавий маъноси ишончдир. Маънавий, ахлоқий фазилат сифатида эса, имон фақат одамзотгагина хос руҳий муҳдаслар жумласидандир. Ҳеч бир маҳлуқда имоннинг ўрни, тағи ҳам йўқ. Одамзод жамики бошқа жонзотлардан бирон-бир нарсага ишониб, уни муқаддас деб билиши, яъни имон келтириши билн фарқланади. Имон — киши маънавиятининг, ахлоқининг ўқ илдизидир. Имондан маҳрум кимсани иродаси нақадар ўткир бўлмасин, у қанчалик мағрурланмасин, у чинакам инсонлар қаторига киритилмаган, киритилмайди ҳам. Зероки, имонсиз на Оллоҳдан қурқмагани, на бандадан уялмагани, ўз нафсининг итоаткор қули бўлгани учун у ҳар қандай розолат ва пасткашлиқдан тап тортмайди.

Бундан олти-етти минг йил олдин мушрукийлик (яъни кўп худолик)ка ишонишдан воз кечиб, якка худога сифиниш русумга кира бошлаган. Турон заминида милоддан олдинги VI асрда вужудга келган зардуштийлик ана шундай таълимотлардан бўлган. Зар

душтилийк таълимоти Эрон ва Турон заминида 2000 йилдандан зиёд давр мобайнида ҳукм сурган.

Ғуноҳлардан фориг бўлиш ва имонни басаломат сақлаб қолиш учун зардуштий муқаддас «Авесто» китобида нақл этилган қуйидаги дуони ўқиши лозим бўлган:

«Эй, оламнинг ҳукмдори Ахура мазда! Мен барча ғуноҳларимга иқрорман, уларни такрорламаслик учун сенга сўз бераман. Ҳар қандай ёмон ниятлардан, ёмон сўзлардан, ҳар қандай ёмон амаллардан воз кечаман. Мен фикрлаган, гапирган ёки қилмоқчи бўлган ва қила бошлаган ва қилган ҳамма ноҳўя ишларимдан воз кечаман. Ниятларим, сўзларим ва амалий ишларим орқали бундан бўён ишончингни оқлайман. Қилган ғуноҳларимни кенг караминг ила кечиргил, танам ва жонимни у дунё-ю, бу дунёда мунаввар этгил, эй, Парвардигорим».

«Авесто»да айтилишича, Ахура мазда бутун борлиқнинг икки олий ибтидоси: эзгулик ва ёвузлик ҳақида ваҳий қилади. Бир-бирига тамоман зид бу икки ибтидо мангу биргаликда бўлиб, ҳаёт ва ўлим, самоват ва жаҳаннам тарзида намоёнدير. Олам қарама-қаршилиқлар кураши негизига қурилган. Жисмоний нарсаларда ёруғлик ва зулмат; тирик табиатда ҳаёт ва ўлим; маънавият оламида эзгулик ва ёвузлик; ижтимоий ҳаётда адолат ва разолат уртасида кечадиган тинимсиз курашда ўз ифодасини топади.

Диний соҳада Ахура мазда эзгуликни вужудга келтираверади. Ёвузлик руҳи Ахураман унга қарши курашиб, одамларни ёмон йўлга бошлайверади. Абадул-абад давом этадиган бу курашда оралик ~~қилин~~ қил, бўлмайди ҳам.

Бинобарин, ҳар бир одам хоҳлайдими, йўқми мазкур курашда ё эзгулик, ё ёвузлик тарафида туриб ҳаракат қилишга маҳкум этилган. Ёлғиз имон бутун, эътиқоди метин кишигина ҳамиша эзгулик тарафида туриб ҳаракат қилади. Шу сабабли, зардуштийлик

имони уч таянчга: *ният фикрининг софлигига, сўзнинг собитлигига ва амалларнинг инсофлигига* суянади.

Имонли киши ўғрилиқдан, талончиликдан, ўзгаларнинг мол-мулкига кўз олайтиришдан, бировнинг ҳақиғига хиёнат қилишдан, ўзлигига, яъни ўз имонига қарши иш қилишдан ўзини тия оладиган комил инсондир. *«Таналарингиздан кўра кўпроқ қайғуринг. Аввалло маънавий дунёнигиз мусаффо бўлса, моддий турмушингиз ҳам яхшиланиб бораверади», — дейди Ахура мазда ўз ўғитларида.*

Бундан 1400 йил муқаддам Аллоҳнинг иродаси билан Муҳаммад Алайҳиссалом фаолиятлари туфайли бунёдга келган Ислом таълимотига кўра, Имон моҳиятини Куръони Каримнинг қуйидаги сураси очиб беради:

«Оманту биллоҳу ва молакатиҳа ва кутубиха ва русулиҳи вал явмал охири ва қадари хайриҳи ва шарриҳи миноллаҳи таоло вал баъси баъдал мавт ҳаққун: Ашҳаду алла илоҳа иллоллоҳу ва ашҳаду анна Муҳаммадин абдуҳу ва Расулуллоҳ».

Тафсири: «Чин кўнгил ила имон келтирдим. Аллоҳу таолога ва унинг фаришталарига ва унинг китобларига ва унинг пайгамбарига ҳам бу дунёда йўқ бўлиб, охира кун булмоғига қадарга, яъни яхши ва ёмон ишлар ҳар қайсиси аллоҳу таолодан бўлмоқлигига ва улгандан сўнг қабрдан тирилиб чиқмоққа ва буларнинг ҳаммаси ҳақиқат эканига дилим бирла гувоҳлик бераман. Албатта, Аллоҳдан бошқа ҳеч маъбуд йўқдур. Яна гувоҳлик бераман, Муҳаммад Аллоҳи таолонинг бандаси ва барча бандаларига дин аҳкомларини ўргатмоқ учун берган пайгамбарларидир».

Мусулмонлар тақвимида.



«Қарзи Ҳасана» номли телефильм яратишда иштирок этмоқдаман. Театрда яхши тайёрланган, халқимизга манзур бўлган «Умр шомидаги бахт» сахна асари ўзбек драматургиясига янги номлар киритди. Булар Дилбархон Маҳмудова ва Тилав Маҳмудовлар. Иккала асарнинг бош қаҳрамонлари сиймосини яратишдек бахт каминага насиб этди.

Асардаги воқеалардан илҳомланиб шоира Феруза Афруз шеъриятига мухаммаслар ёздим. Шунлардан биттасини машқ учун ҳукмингизга ҳавола қилмоқдаман. Бунни яқинда қўшиқ қилиб куйламоқчиман:

*Бошингни тошга ур минг бор,
Ўзингдан ўзга ёр йўқдир.
Туну кун йиғлагил афғор,
Ўзингдан ўзга ёр йўқдир.
Кузингни тикмагил, эй дўст
Кўнгил гордур — кўнгилдур гор.
На ости бор, на нури бор
Ўзингдан ўзга ёр йўқдир.
Ёқаси бандани чок-чок,
Лабидан қон оқар чак-чак.
Чаманлар минг эрур гулзор,
Ўзингдан ўзга ёр йўқдир.
Қуруқ тухмат балосидан
Яшаб ўтдинг бериб бардош.
Дилингда ёш, кўзингда ёш,
Ўзингдан ўзга ёр йўқдир.
Дилинг вайроналар қилима,
Дили майхоналар узра.
Дилингни чал қилиб дўтор,
Ўзингдан ўзга ёр йўқдир.
Сотар дўстинг, олур ағёр
Пулат афсус фиғон чекма.
Бу дунё, кўҳна бир бозор*

Узингдан узга ёр йўқдир!..
Худодан узга ёр йўқдир!



Ҳақиқатни айтсак, ўзлигимизни англадик, ўзимиз ҳам севмоғимиз лозим экан. Бинобарин, Севги — Аллоҳнинг эҳсони. Аллоҳ китобидаги оятлардан бирида — Ул зот сизлар ҳамдам бўлишларингиз учун ўзларингиздан жуфтлар яратиши ва ўрталарингизда ошналик ва меҳру муҳаббат пайдо қилишидир. Албатта, бунда тафаккур қиладиган қавмлар учун оят, ибратлар бордир. (Рум сураси 21-оят.)

Муборак каломда одам боласига жуфт бошқа бир жинсдан эмас, айнан ўзидан яратилган ва ўрталарига меҳр-муҳаббат солгани хабар қилинмоқда. Демак, Эркак ва Аёл ўртасидаги севги оддий ҳодиса эмас, буюк илоҳий лутфдир. Аслида инсондаги тана аъзолари каби барча ҳис туйғу ва сезгилар ҳам Аллоҳнинг эҳсонидир. Ахир у кўрсатмаса, инсон ниманиям кўра оларди, шундоқ ҳам у кўра олмайдиган қанча борлиқ ва ашёлар бор. Яна у севдирмаса, инсон ниманиям сева оларди? Пашшага чиқитларни лаззатли тўйдирган, мушукни сичқонга мафтун этган бир ҳикмат ила инсоннинг қалбига ҳам меҳр ва муҳаббат туйғуси кирди. Йўқса ҳеч бир эркак даромадига шерик қилиб, устига оғир юк бўладиган аёлни севармиди, бир неча фарзандни елкасига олармиди. Инсон наслини давом эттиришни Аллоҳ эркак ва аёл муносабатларига боғлади ва бу вазифани бажо этишдаги машаққат ва қийинчиликларни ҳар икки кўнгилга севиқли ва оромбахш қилди. Оятнинг давомида айтилаётганидек, албатта, бу ишда тафаккур қиладиган кишилар учун оят ибратлар бордир. Шунинг учун ҳалол топмоқ, ҳалол емоқ ва ҳалол севмоқ ва тўғри сўзламоқ керак. Аёл нима учун се

вилади? Аслида бу вазифа шу оят сабоғи асосида англашилиши керак. Аёлни эркакка, эркакни аёлга севдирган Аллоҳдир. Аллоҳнинг бу севдириши ҳалол доирададир ва ҳақ учундир, хайр учундир, Жаннат учундир. Файримаъшру севгилар эса, бу доирага кирмайди, ундай севгилар раҳмоний эмас, шайтонийдир.

Пайғамбаримизнинг: “Аёллар шайтоннинг тузоғидир”, — деган сўзларида айна шайтоний севги тузоғига илинганларнинг аччиқ ва аламли аҳволи аниқ шаклда баён қилинганидир.

Бир аёл аёл сифатида фақат эри томонидан севилади. Бошқалар тарафдан севилиши бу муқаддас туйғу шайтоннинг тузоғи вазифасида хизмат қилишдир. *“Севги нима?” китобидан.*



Анушервон Хисрав Ининг ҳузурига узоқ-яқиндан вакиллар келган экан. Анушервон илму донишда тенги йўқ нотиқ вазири Бузрукмеҳрни ақлу заковатини меҳмонларга куз-куз қилиш ниятида ундан сўрабди:

— Қани айтингчи, дунёда энг муҳим нарса нима?

— Дунёда уч нарсадан утадиган ҳеч нарса йўқ: улим, аёл, эҳтиёж.

Анушервон жавобдан қониқмади: кейин сўрабди:

— Бу нима деганинг? Нечун бунақа тумтоқ жавоб бердинг?

— Эй шаҳриёри олам! Аёл булмаганда сенга ва менга ўхшаган зот қаердан туғиларди? ~~У дим~~ булмаганда отангни тожу тахти сенга қандай тегар эди? Эҳтиёж булмаганда менга ўхшаган одам, сенинг саройингда нима қиларди? — деб жавоб қилибди.

Мана шу жавоб ҳам нотиқлик санъати талабларига муносиб жавобдир.

Тугён!

Раҳим қилич бўлиб қолса-ю,
Уз танимни чоғиб ташласа.
Тилка-тилка қилиб бағримни,
Минг бўлакка бўлиб ташласа.
Ерда ётган ҳар бир бўлакда
Сенинг исминг булар намоён.
Тилкаланган мажруҳ юракда
Қон ўрнида ёнарди тугён!...
Агар жисмим вайрон бўлса-ю,
Омон қолса ногоҳон кузим.
Доно табиб авайлаб уни
Бир оғизга қўйса ўша зум.
Тирикликка қайтган кўзларим
Фақат сени кура азизим.
Гар тугилса сеҳр ва жоду
Муъжизалар кўтарса назот.
Ва тугилсам қайтадан ҳайҳот
Тагин сени деган булардим!

Адиба Худойназарова.



Ўғлим!...

Мен аралаш экаверибман
Бугдой, арпа, гулни-тиканни
Сен оғринмай теравер болам,
Ношуд деҳқон отанг экканни!...
Гарчи қонга беланиб ётар
Додламайди, ҳатто инграмас,
Бошин кесиб олсанг индамас
Қизил гулдан сукутни ўрган!...
Гарчи билар ҳар тонг, ҳар субҳ
Ҳаётини қирқар япроқдай

Уз-узига кафан тўқишдан
Тухтамаган инак қуртидан
Улимга тик қарашни урган!...
Гарчи билар, боласи бемор,
Эҳтимол сунгги нафасин яшар
Лекин унинг туйига атаб,
Тун тикишдан бир дам тинмаган
Онандан сен умидни урган!...

1995 й.

Қадимдан ахлоқий, ижобий фазилатлар йуқланиб келинган. Масалан, фатонат, назокат, риёзат, шижоат, ҳилм, назари ибрат, идрок ва зако, авф ва бошқа фазилатлар.

Фатонат ақл эгаси бўлиши демакдир.

Абу Бакр Балхий шундай деганлар:

Очиқ куздан зийрак - ақлдир, ақл

Донолардан тийрак - ақлдир, ақл

Жаҳонда ул ҳар вақт йулдошинг булсин!

Нафосат деб аъзоларимизни, кийимларимизни ва иш асбобларимизни пок ва тоза тутишга айтилади.

Аҳли олам севгусидир тозалик покни

Поклик артгусидир фаҳм ила идрокни

Ҳар кишини куксида поклик нишони булмаса

Тозалик майдонидан қувгайлар у бепокни.

Абдулла Авлоний.

Риёзат деб савоб ишларни қилиб, гуноҳ ишлардан узини сақламоққа айтилади.

Мард киши узини риёзат ва адаб ила курсатиб олсун, инсон ила ҳайвон орасидаги фарқ, ёлғиз маишатда эмас, яхши ахлоқ касб қилмоқдадир!

Абу Али ибн Сино.

Шижоат деб ботир юракли бўлишга айтилади.

Ботирлик - маънавий жасоратдур.

Жон Стюарт Блек.

Ҳилм деб ҳар бир ишга аччиқланмайдиган, арслон юракли, юмшоқ табиатли булишга айтилади.

*Ҳилмликни қилсанг агар ихтиёр,
Булуր халқи олам сенга дусту ёр!
Булуր мевали шохнинг боши паст
Ҳилм улғуси оқими ҳушёр!*

Абдулло Авлоний.

Назари ибрат деб бир нарсага синчиклаб боқиб, ундан узига бирор ҳисса ибрат олишга айтилади.

Жаноби ҳақнинг асари қудратларини басират кўз ила, назари ибрат ила тамоша қилинса, кўп ҳикматлар кўрилуру. Чунки ҳақиқат илмининг муаллими, Чашми Ибратдир!

Ж.Румий.

Идрок ва Зако деб аччиқ фикрли, хуштабиат, зийрак булишга айтилади.

*Худо неъматларининг олийси идрок
Ақли мах этар кимки дили пок.
Ақл йўл кўрсатиб дилини этар шод,
Ҳар икки оламда ақлли обод.*

А. Фирдавсий.

Авф деб кечиришга айтилади, бирор кимса аҳамиятсиз хатосини бўйинга олиб, ўқиниб кечирмакни сўраса, авф қилмоқлик лозимдир.

*Келишмайди асло одам зотига
Йиқилганлар қолиб минсанг отингга!*

Носир Хисрав Деҳлавий.



Мен (камина) ўзимнинг камтарин ижодимда ҳақиқий инсоний ахлоқни барқарор қилган олий фазилатли мукамал сиймони яратиш орзусида нотик

лик касбига ишқибозларга ушбу тўртликларимни
машқ учун тавсия этмоқдаман:


Азиз замондошим!

Дунёю молу мулкинг ўзингники эмас, ҳатто ўзинг
ҳам отангникисан. Шунини яхши билким, фақатгина
Аллоҳга ибодатинг ўзингникидир!

Қуръондан.



Мен ўтган умримдан хафа эмасман,
Яшашни мендан ургангин демасман.
Сени-ку билмайман, аммо мен дўстим,
Бу дунёга бошқа келмасман.




Ўзимга ўхшаган бўлсанг, қўлим узатай,
Кўнглимдан сув ичар бўлсанг, кўнгили узатай
Садоқат қасридир қалбим дўст эрсанг, киргил
Магар бир ўткинчи эрсанг, йўлга кузатай!



Ёшлиқни биз соғиниб, жононларни уйладик
Мангуликка сиғиниб, театрни куйладик.
Шунча шону шуҳратни баҳам кўрдик биз бирга
Кел берайлик ярмини, актёр Пулат Носирга.

Ҳазил.



Сен азиз этган қўлингни
Ҳеч қаерда хор айламас
Сен агар хор айласанг
Ҳамма жойда хор бўлу.

Бобомдан эшитганим.



Уғлинг булса полвон булсин
Елкасида Ватани.
Қизинг булса гулбоғ булсин,
Қучоғида чамани.

Дорбоздан эшитганим.



Биров енгилади, енгади биров
Бу ҳаёт қонуни, албатта.
Ногора-дугторни босади биров
Аммо урнимас санъатда!



Бировнинг кимлигини билшидан аввал,
Узингни таниб ол дўстим мукаммал.



Либосимга қараб чиқарма ҳукм
Билмасдан не эрур қалбдаги мулким
Уртамизда вақт деган бир донишманд бор,
У ҳали айтади сен киму, мен ким?



Томчи томаверса тешилгай тош ҳам
Пайши келиб сунгай ҳатто қуёш ҳам
Сен менинг елкамга минмоғингни қуй!
Ахир абадиймас менда бардош ҳам!




Олдингдан оққан сувинг, қадрли бўлсин!
Атрофлари сен эккан гулларга тўлсин!
Олдингдан оққан сувнинг қадрин билмасанг
Саҳродаги кўлмаклар насибанг бўлсин!



Сувни қадрин не билурсан
Сув лабида ўтириб.
Сувни қадрин даштларда
Ташина юргандан сўра!...

Ўзга сендан яхши билмас биродар
Сени ортиқ мақтаб юборса агар.
Яхшироқ синаб боқ уёқ-буёгин
Узатгил кўрпанга қараб оёгинг.



Жаҳонда ғам ема қўлингдан келса
Яхшимас, бор-йўқдан дил дардга тўлса.
Беш кунлик дунёда шодликла еб-ич,
Бир он элтолмайсан хазинанг бўлса.



Менга насиҳатдан тийиб тилингни
Аввал ўз номинга боғла дилингни
Сўзингдек бўлмаса ўз ҳаракатинг
Бўлмагур лоф экан бор насиҳатинг.



Оллоҳ ерни ёйиқ қилиб яратган, ҳар битта неъмат-
ни жуфт-жуфт қилиб яратган.
Ернинг жуфти осмон.
Ойнинг жуфти қуёш.

Эрнинг жуфти аёл.
Куннинг жуфти тун.
Ҳаётнинг жуфти охират
Ишонаман бу сўзларим мангу қолади.
Насиҳатим насибали одам олади!...



Насибангни излаб кезма жаҳонни,
Ғанимат билсанчи, дўстим ҳар онни.
Агар насиб этса тақдир азалдан
Қўзингга суртиб е, бир бурда нонни!



Оч эмасман, туқлигимдан,
Сидқидил ҳурмат билан
Қўлга олиб кузга суртай
Ҳар кун минг бор нон!
Эй азиз ёшлар, угил-қизлар
Бўлинглар эҳтиёт!..
Тушмасин ҳаргиз оёгингиз
Остига зинҳор нон!...
Нон азиздур яхшилар
Зинҳор уни хор айламанг.
Йўлларга қолса тушиб
Олмоққа сиз ор айламанг!
Қолса ортиб ташламангиз
Тутийё айланг уни
Нонни кўп исроф этиб
Дилларга озор айламанг!...
Келса меҳмон, олдида нон
Бўлмаса кўп хуш эрмас
Сиз бу ўзбек хислатини
Ҳеч бир инкор айламанг!...

Яхши билгайсиз буни
Турмуш фаровон нон билан
Мол семирсин деб уни
Ҳайвонга даркор айламанг.
Экдилар дон, нон учун,
Сиз-биз каби инсон учун.
Деҳқон аҳлин меҳнатин
Асло бекор айламанг.
Яхши билгайсан биродар
Нонни эъзозини сен.
Нонни ҳурмат қилмаган
Одамни ҳеч ёр айламанг!



Севишган ошиқлар бахтли бўлишсин
Муҳаббатга мангу, аҳдли бўлишсин!
Дусту қадрдонга, элга вафодор
Омадли, серфарзанд тахтли бўлишсин!



Дариғ тутма меҳринг мандин табиат,
Жудо қилсанг-да, гар жондин табиат.
Лек шуни сўрайман сандин табиат,
Аро йўлда қўйма мен ҳам меҳмонман.



Фараз қилинг, борлиқ узра тун,
Кўк кўзидан тўкилар ёш.
Ширин уйқу кезади беун,
Тушингизда кулади қуёш.

Зулматли тун шарпаси аро
Ёлғиз чироқ сочади шуёла.

*Қалблар аро бўлсин деб зиё
Шоир сизга тўқир ашула.*

*Шоир бўлиб туғилмайдилар
Табиатнинг бу бир эҳсони
Туғилдими, ҳеч ўлмайдилар
Сатрларда юрагин қони.*



Баъзи бировлар шоирликни қасб деб тушунадилар. Аслида шоирлик бу қисмат. Шоир — фавқулодда мураккаб тақдир одами. Қон билан парвариш этилган сўзлардан шеър яратиш ҳазилкам ишмас.



*О, шоир қисмати ярқироқ гулгун
Завқларга тулар у бир сўзни.
Дунёда ҳеч бир кас бўлмас, не учун
Айрича кулар у, айрича бузлар.*

*Дарҳақиқат, шоир умри юрт ва халқ эркига жон
тикиш йўли.*

*Қаламимга қалбимни чандиб,
Қирмизи қон билан ёзаман.
Аламимга нигоҳим тамғиб,
Кипригим-ла қудуқ қазаман.
Тун оташдур, оловдир кундуз,
Қатрон ердек қақшаган лабим.
Сувга ташна эмасман ёлғиз,
Томчи ҳақиқатдир матлабим!*



Одамнинг одамга нисбатан муҳаббати мавжуд экан, Инсоният, яъни (мен) замин узра узоқ умр кечиришимга имоним комил.

Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов сатрларидан ўқидим.

Жуда яхши!... деймиз мана бу нарса.

Гуё ҳукм каби янграр сузимиз.

Ўйлаб кўрганмизми ҳеч бирор марта

Киммиз узимиз?...

Умрим ўтади гулдирос солиб,

Унинг қайтганини ким ҳам курибди?

Во ажаб, қай бир зот, ўз умри қолиб,

Менинг қадамимни ўлчаб юрибди!... — дейди шоир.

Бу аччиқ ҳақиқат, бировни санъатига баҳо бериш учун узини кимлигини билиб баҳолаш аниқ ҳақиқатдир.



Шоир, рассом ва актёрлик касбида жуда нозик мутаносиблик бор. Бу ҳолни мен, қаҳрамон характери яратилишидаги зиддиятларни қай даражада англаб олишида кўраман. Шоир лирик қаҳрамон кечинмаларини, оний (лаҳзали) ҳолатларни тасаввурга жойласа, рассом шу лаҳзали кечинмаларини ўчмай-диган қилиб таъсирга мўйқаламга туширади.

Актёр эса бу кечинмаларни руҳий тасаввурни жонлантириб характерда ифодалайди. Бу ~~кисмат~~ларнинг учаласи ҳам илоҳий инъом этилган сирли маҳоратда деб биламан.

Дединг: Ит ҳурар, ўтади карвон

Ранжу аламлардан ёнмасин жонинг

Лекин алам қилар бир умри гирён

Итлар орасидан ўтса карвонинг!

Дедим: *Ит феълини кечирсанг агар
Бир улкан карвондан нима кетади?
Итлар ҳам итлигин қилмаса агар
Итликнинг шаънига иснод етади.
Хавотир олмайман агар мабода
Фақат итлар босиб кетса дунёни.
Ҳаромлик тарқалмас бу гардун аро
Бари булғатолмас битта дарёни!
Алҳазар ё фалак! Агарда бир кун
Дарёлар ариққа дунса ниҳоят.
Барча дарёларни булғамоқ учун
Фақат фақатгина бир ит кифоя.
Дединг: *Имиллайди қари эшак,
Укинади чавондоз,
Имиллаган сари бу эшак
Сукинади чавондоз.**

*Шу эшакни манзилгача
Ҳамроҳ қилиб олмасин.*

*Чавондознинг куни хечам
Эшакларга қолмасин!*

Дедим: - *эшакдан ясамоқ булиб саман от
Йиғдилар ҳар юртдан турлисин, эй дод!
Баъридан битта от булмади пайдо
Ва лекин кўнайди эшак деган зот!*

Десам: - *Парвариш этсанг ҳам кафтингда асраб
Барибир газанда огритар жонни.
Неча тинч йилларки, балким шу сабаб
Бошини силамас инсон чаённи.*

Дединг: - *Нокасу ножинс авлодидан киши бўлсин
дебон*

*Кечма меҳнат — яхши булмас, у касофат олами
Ким хутик билан кучукка қанча килса тарбият
Ит булуур, эшак булуур, булмаслар асло одами.*

*«Одами эрсанг демагил одами
Ониким йуқ халқ ғамидин ғами!»*

Алишер Навоий.

*«Бу дунёда борми ўзи адашмаган бир кимса?
Инсон хато қилмоғу, тузатмоққа яралган
Ҳаёт учун муҳаббатнинг, мардликнинг умри қисқа
Жафога тула дунё синов бизга аталган».*

П. Носир.



Нотиқлар сўзга сайқал бериб, уни ўринли қўллай олиши каттаю кичикка манзур бўладиган холдир. До-нишмандлар сўзларидан унумли фойдаланиш ва унинг таъсирини кучайтира билиш катта санъаткор-лик маҳоратини, буюк мураббийликни талаб этади. Бу мўъжизадан, албатта, баҳраманд бўлиш барча-мизга насиб этсин.

Ҳар қандай сўз, фақат ўз ўрнида қўллангандагина кўзлаган мақсадга етишиш мумкин. Ҳар бир сўзни, ҳар бир иборани киши қалбига сингадиган тарзида етказа билиш нотиқлик санъатидир.



Маънавият:

Инсоф

Инсоф, аслида виждон бор жойда бўлади. Виждон эса ҳақиқатдан нур эмади. Ҳақиқатнинг нури фақат қалб кўзи билангина кўриш мумкин, халос.

Тирикчилик, деганларидек, Пскент томонларга елганиб ишлашга борган икки йигит билан гапла-шиб қолдим. Улар яқин қариндош — холавачча булар эканлар. Хулласи калом, Пскентга бориб, «бозор»га чиқишадн. Бир одам келиб, ҳар қайсига кунига 500

сумдан ҳақ тулашини айтиб савдони пиштади «Хужайин» машинасига солиб, йигитларни уйига олиб кетади.

Йигитлар, ваъда буйича, буюрилган ҳар қанақа ишни жойида, бекаму-куст бажаришади: помидор териш, яшиқларга солиш, ташиш, машинага юклаш, пешма-пеш бозорга жунатиш, унта боқувдаги сўқимга сув ташиш, тагини кураш, ҳовли супириш... Қишлоқлик йигитлар эмасми, суяги бунақа ишларда қотган-ку, қойиллатишади.

Улар бир ой — 30 кун ишлайдилар. Шу палла қишлоқдан совуқ хабар келади. Йигитларнинг бири, каттароғининг дадаси касал ётган экан, қайтиш қилибди. Йигитлар хужайинга йулиқадилар:

— Қачон?

— Кеча кечқурун, бугун чиқаради. Етиб бормасак... мурда маҳтал бўлса...

— Йўқ, қачон кетасанлар деяпман?

— Ҳозироқ

— Қачон келасанлар кейин?

— Билмадик, борайликчи маъракалари бор...

— Майли, бораверларинг, аммо бир ҳафтада қайт-ларинг, — деб хужайин қийшайиб кетаверибди. Шунда ҳалиги етим:

— Ҳаққимиз нима бўлади, хужайин, бермай-сизми? — дебди секин, — уликни кўмишни ўзи бўлмайди, ахир?

— Ҳа-а-ақ? Қанча берай? — деб хужайин чўнтагидан бир даста пул чиқарибди.

— 30 кун тўлиқ ишладик, ҳисоблаб бераверасизда, амаки.

— Зотан иш чала қоляптику! Мана олти минг, ҳар кайсингга уч мингдан, қолганини кайтиб келиб ишни тугатгач, яхлит оласанлар, — дебди, — тушингиларингми?!

Гапга кичик бола аралашибди:

— Ҳозир бир ойлик ҳаққимизни тула бераверинг, қолганини кейин гаплашаверамиз.

— Сен тирранча, пучуқ обдаста бўлмай, тек турчи! Пулни берворсам, кейин батта сенларни арвоҳларинг ишлайдими?

— Биз бошида ишбаймас, кунбайга келишган эдик-ку амаки, инсоф қилингда!

— Мен-ку кам булса ҳам бердим-ку, сенларга!

— Мана бундақа сарф-чиқимли иш бўлиб колибди-ку, пул керак-да ахир, инсоф борми?

— Мунча эскича, қолоқ одамлардай «Инсоф, инсоф» дейсан, модадан қолган бу сўзлар, билдингми?

— Ия, инсофниям эски-янгиси буларканми? — дебди яна кичик бола, — одамни одам қилиб турган шу инсоф-ку! Кул қилмаган ишларни қилдирдингиз, энди инсоф билан беринг-да ҳаққимизни.

— Ё-ў-ў, чаёнсан-ку, а! Бор сенларга ярим сўм ҳам бермайман. Агар осмон қулингда булса устимга ташлаб юбор!

Улар «сен-мен»гача боришибди... Хўжайин милиция чақирибди. Йигитлар: «Тирсакни тишлаб булмас», деган гапни топиб айтган машойиқларга койил-с», — деб жуфтакни ростлаб қолишибди.

Мен улардан:

— Қаерда ишларкан уша одам? — деб сурадим.

— Жуда-а-а обрули шекилли, кунига иномарка машиналарда олиб кетиб, олиб келиб қўйишади, — дейишди. Шундан сўнг бу буз йигитлар Пскентга бормадилар, боролмадилар.

Инсонга Оллоҳ иккита эмас, учта куз ~~ата~~ атган, иккита ботиний, ичкаридаги учинчиси ~~зоҳирий~~ зоҳирий кўринмас куз, яъни қалб кузи. Шундай ривоятни эшитганман:

«Оллоҳ одамни лойдан яратгач, барча аъзолар қатори унга аввал иккита куз берибди. Кейин одамни синовдан ўтказибди, Қолаверса, яратган одамнинг уйла

ганидан кўра мукамалроқ эмиш. Нимадир етиш-маятгандай бўлаверибди. Шунда худо жаннат боғидан бир дона ёқутдай қип-қизил, соф ва гўзал олма узиб олиб, одамга кўрсатибди. Одамнинг кўзи олмани кўрибди-ю, кейин аввалгидай, ҳайкалдай тураверибди. Оллоҳ одамнинг чап кўкрагидан тўйнуқ очибди. Ундан ичкарига ангишвонадек чўғ ташлабди. Чўғ бир яллиғланиб, бир каловланиб турган эмиш. Яллиғланганда одам қаршисидаги гўзал олмани кўриб, ҳайратга тушармиш, чиройидан завқланар-миш, унинг ичига назар солиб, шифобахш таъминиям сезармиш. Каловланганда боягидек тошга айланармиш чўғнинг алмашилиб турганини кўриб Оллоҳ унга қалб деб ном қўйибди, ва шу жойдан битта кўзга жой ташлаб кетибди. Чўғ яллиғланганда ўша кўз — қалб кўзи очилармиш. Нур — нигоҳ шу жойдан таралармиш. Оллоҳнинг кўнгли энди тўлибди, чунки одам қалб кўзи туфайли чинакам мукамал мўъжизага айланган эди».

Яна ана энди бир солиштириб кўринг: бояги йигитларнинг хўжайинида қалб кўзи бормиди? Унинг бағрида яллиғланган чўғи борлигига ишонасизми? Майли бу гапларни қўя турайлик, қани очикини айтингчи, у тўғри иш қилдими? Инсофсизлик қилди, дейсизми? Ана — яшанг! Инсоф, азизим, виждонли одамда бўлади. Виждон эса ҳақиқатгуй одамда бўлади. У ҳақиқатдан нур эмади. Ҳақиқатнинг нурини фақат қалб кўзи билангина кўриш мумкин. Демак, «хўжайин»нинг учинчи кўзи юмиқ. Қалбдаги чўғ каловланиб қолган. Шунинг учун у инсофсизлик қилди. Бўлмаса бировнинг (уйидаги интизорлари кўзи туки учун) узу-кун тинмай қилган меҳнати ҳаққини тўлиқ бермасмиди. Суянган тоғи дадажонидан жудо бўлган бир бечоранинг бағридаги доғни кўрмасмиди? Йўқ, у бундай зоҳирий унсурларини кўрмайди. Чунки унда иккита ботиний кўз бор холос. Учинчи кўз, яъни одамни оддий жўнгина

лой — сополдан муъжиза даражасига етказган қалб
кузи юмиқ. Йуқ! Қалб кузи жуда катта тушунча.



Такаббурлик ҳақида

Такаббурликни инсондаги энг хунук фазилат, деб билурман. «Такаббурлик — зулм манбаи, эзгуликка ётдир такаббур» (*Софокл*).

Такаббур ҳақимлар Ибн Сино бобомизга ҳавас қилиб, сен инсонга шифо излама, чунки инсоннинг яратгучиси бор. Хоҳласа бандасини у дунёга чақиради, сен инсонни хасталиқдан даволайман деб уринишинг беҳуда, бу ишинг мусулмончиликка хилоф ишдир, дейишади.

Бобомиз уларга:

Маним куфрим айбларга

Дилдан узга султон йуқ.

Бу оламда менинг покиза

Иймонимдек иймон йуқ!

Мусилмонликда мен, ақли замон

Ичида эдим танҳо.

Агар кофир эрсам мен ҳам,

Бу дунёда мусулмон йуқ! — деб жавоб қилганлар.



«Узини доно билган бу уч — тўрт нодон

Эшак табиятини қилур намоён

Улар даврасига қушил — эшак бул,

Булмаса кофир деб қилишар эълон».

Нодон билки, эшакдан ҳам баттар. Эшакка нимани юкласанг кутараверади, қаёққа ҳайдасанг уша ёққа

кетаверади, унда ақл-фаросат даъвоси йуқ, бер-масанг оч, берсанг туқ, у бир бечорадир. Юк ташувчи, утин-чўп ташувчи, балки ғалла ташувчи. Нодон бу сифатлардан холи: зоти билим либосидан маҳрум, унинг иши такаббурлик, кеккайиш, фаросатсизлик, хаёлида юз хил ташвиш... Демак, такаббурлик, кеккайиш, фаросатсизлик нодонни эшақдан ҳам тубан дейиш учун асос бўлади.

«Филдек қомати бор, ҳукиздек кучли дейишар уни
Чумолидек тиним билмайди, эшақдай ишлаш билан ўтади куни

Сунгра итдай чарчаб, тунлар қайтиб беришар кучин

У билмас қачон пайти келар, бир одамдек яшамоқ учун».



Она ҳурмати

Она сўзи дунёдаги энг гузал, энг нафис, энг қудратли сўзdir, демак АЁЛ.

Она сўзи юрак тубида денгиз остидаги марвариддек доим пок сақланиб туради. Дунёга келамиз-у, биринчи она сўзини айтамыз. Она меҳрида қуёшнинг жамоли, ҳаётнинг камоли бор. Она ҳаёт сугини беради, оёққа босгунимизча кўксига қўйиб, кўтариб юради, касал бўлсак — шифокор, қоқилсак — мадакор, бутун умр фидокор бўлади. Кечаю кундуз болам, оилам деб ишлаб тинмайди, чарчаш нималигини билмайди. Эҳ-ҳе!... Аёллар қудратининг, меҳр-муҳаббатининг таърифига сўз йуқ. Шунинг учун инсон боласи ўзи яшаб турган муқаддас заминни ОНА ВАТАН деб атайди. Она — қуёш, у инсониятга инъом этган бу ёруғ дунё; оналар меҳри қуёши билан мунаввардир. Она —

инсониятга ҳаётни, бахтни, муҳаббатни инъом этган. Шунинг учун ҳам муқаддас ҳадисларимизда «Ҳар қанча ҳурмат-мурувватинг булса, онангга қил, онанг-га қил, онангга», дейилган.



Зурриёд поласи

5 октябрь. Бугун бор була бошладим. Буни ҳали ота-онам билмайдилар. Бир олма уруғидан ҳам кичикроқ-ман. Аммо нима булганда ҳам борман.

19 октябрь. Бироз ўсган булсам ҳам, бирон ҳаракат қиладиган аҳволда эмасман. Онам ўз қони билан боқмоқда. Қалбининг шундоққина тагига жойлашиб олганман. Қизиғи шундаки, борлигимдан онам ҳали ҳам беҳабар!

23 октябрь. Оғзим шакллана бошлади, ўзингиз ўйланг, бир йилдан сўнг маза қилиб кула оладиган буламан! Тилга кираман. Энг аввал «нана» сузидан бошлайман. Энди ким мени йўқ дея оларди?! Ноннинг ушоғи ҳам нонда, тўғрими? Сизга бир сирни очай, мен қиз боламан. Гулларни яхши кўрадиган бўламан!

27 октябрь. Бугун қалбим ура бошлади. Бундан кейин ҳаётимни охиригача дукиллаб туради. Уни завқу шавққа тўлдираман ҳали. Мана эшитинг: дук-дук-дук!

2 ноябрь. Ҳар соатда зиғирдай усаман. Қулларим, оёқларим бичимга келди. Аммо бу қул-оёқчаларим билан ҳали бери онамга қараб югура олмайман. дадажонимнинг бўйнидан қуча олмайман!

12 ноябрь. Бармоқ чиқара бошладим. Вой-буй, мунча кичкина булмаса! Ҳали улар билан соч тарайман, гуллар тераман!...

20 ноябрь. Бугун онам духтирга борди. Бор эканлигимни билди. Роса севинган булсангиз керак-а, онажон?! Яқинда қулларингизга оласиз мени, эркалатасиз!

25 ноябрь. Ота-онам қиз эканлигимни ҳалиям билишмайди. Балки ўғил ёки эгизак кутишаётгандир. Уларга «сюрприз» бўламан. Қани энди онажонимдан қора соч ва чарос кўзли бўлсам!

13 декабрь. Энди атрофга бемалол қараяпман. Фақат қоп-қоронғу жойдаман. Барибир бахтиёрман! Оз қолди кўзларим ёруғ дунёни кўришга.

24 декабрь. Онажонимнинг қалб уришини эшитаяпман. Менинг қалбимни ҳам ҳис қилаяпсизми, онажон? Жуда соғлом қизча бўламан. Тезроқ дунёга келмоқни, бағрингизда мазза қилиб ухламоқни истайман. Сиз ҳам менинг тезроқ туғилишимни истаяпсизми? Юзчаларимдан чўлпиллатиб ўпасизми? Мени яхши кўрасизми, онажон?

28 декабрь. Онажоним дўхтирга келдилар. Вой, нималар деяпсиз онажон, ризқимни Оллоҳ беради-ку! Бу ёғидан хавотирланманг.

29 декабрь. Эҳ онажоним! Нега туғилишимни истаяпсиз? Нега жажжи кўлларим билан сизни юзларингизни силашимни, сизга эркаланишимни хоҳламаяпсиз? Афсус..., минг афсус...

Оҳ... баданим оғрияпти! Қаттиқ оғрияпти! Мени кутқаринг онажон! Она-жо-о-о-н!



Ривоят

Қадимда бир йигит гўзал бир қизга уйланган экан. Битта фарзандлик бўлгач, хотинининг юзига тошмалар тошиб, хунуклаша бошлабди. Йигит хотинини ташлаб кетибди. Аёл уззу-кун Оллоҳга илтижо қилар экан: «Эй, Яратган парвардигорим, менинг гўзаллигимни қайтар!» — дея. Кунлардан бир кун кўкдан овоз эшитилибди: «Қўлингдаги олма сеҳрли, агар шуни есанг, аввалги хуснинг ўз ҳолига қайтади». Аёл жон-жаҳди билн

олмага ёпишибди. Шунда ғойибдан овоз келибди: «Фақат уғлинг ногирон булиб қолади, шунинг эвазига хусндор буласан». Аёл қўлидаги олмани улоқтириб: «Менга бундай гузалликнинг кераги йўқ», деганича чинқириб юборибди. Донишманд чол: «Уша хунук аёл — дунёдаги энг гузал аёл», — дея ривоятини тугатган экан.

«Қизларнинг хунуги бўлмайди», — деган иборани жуда кўп ишлатамиз. Ақли тиниқ, хулқи гузал, хаёли, иболи аёл ҳаммагаям ёқади. Айниқса, қўлида чақалоғи бўлса, дунёдаги энг гузал аёл шу аёлдир!

Демак, гап хуснда эмас.



*Она ўрнин ота тутмас ўғлига,
Ким мумкиндир ўғил бўлмоқ отасиз.
Масиҳо бирла Марямдин қиёс эт,
Ки имкон йўқтурур бўлмоқ онасиз!
Бошни фидо айла ота қошига,
Жисмни қил сатқа ано бошига.
Тун-қунингга айлагали нур пеш,
Бирисин ой айла, бирисин — қуёш.
Отадин хато келса, кўрма хато,
Савоб бил хато токи қилса ота.
Отанинг хатосин билгил савоб,
Сени юз балодин қутқаргай худо.
Оналарнинг оёғи остидадур,
Равзаи жаннату жунун боғи.
Равза боғи висолин истар,
Бул онанинг оёғи тупроғи.*


А.Навоий.



*Диллар рози — дустликни уйғотади,
Таналарнинг қовушиши — истакни уйғотади.*

*Ақлларнинг майли ишонч уйғотади,
Бу барча мойилларнинг бирлашуви
Муҳаббатни уйғотади.*

*Рухий яқинлик —
Дилдан сева олиш қудрати.
Фақатгина истеъдодли
Оқил кишиларга хосдир.*



Шеърят

Тилни тиниқлик текширувидан ўтказувчи шеърдир
Сўзга баланд мавқе берувчи — шеърдир.
Нафосатни давр қоғозларига муҳрловчи — шеърдир.
Энг муқаддас дostonларни омон сақлаб қолувчи — шеърдир!

Кўшиққа маъно, ошиққа ҳужжат!

Ҳатто Ислом мафкурасининг бош китоби, Қуръонни ҳам шеърда битди. Шеър — неча замонлар халқнинг бош сўзи «Хамса» мисолида асосий қонун бўлиб келди. Шеърят — сен менинг ҳам қалбимга осмондан, тушган чўғсан. Агар жушқин мисраларда санъаткор биродаримга илиқ сўз айта олсам, ўзимни бахтиёр ҳис қилган булардим.



*Андижон
(қасида)*

Шерали ҳофизга.

*Асаканинг Чунтагини — чархпалагини,
Фирчиллаган садосидан куй басталаган.
Шўх чўпонлар — пиллакорлар тилагини,
Райҳон қилиб, жамбил қилиб дасталаган.*

*Андижондан парвоз этган моҳир шунқорсан!
Жаҳон халқи эъзозлаган чин санъаткорсан!...*

Санъатингга кўз тегмасин, азизим! Кўшиқларинг-ни оташ-нур осмондан тушган чўғ. Мана шу оташиниғу билан яшаётган асарларинг ҳаётда инсоният қалбига муҳрланиб, кўшиққа айланади. Сенинг санъатинг рағи хаста кишиларга ёқимли кайфият бағишлайди. Стакрор овозинг беморлардаги тушкунлик руҳини ўқотади. Хасталик туфайли пайдо бўлган ваҳима-хавотирни унутишга ёрдам беради. Куйла, куйлайвер!

*Андижоннинг мард ўғлини
Яна куйла, куйлайвер!
Куйлайвер қайнаб-қайнаб.
Таслим этавер жонни,
Айлантиравер қонни.
Бу муҳаббат дори-май,
Наво ила қаримай
Инжу санъатингни соч!...
Рухимиз кўзларин оч!...
Тирик бўлса сурилсин!
Ўлик бўлса тирилсин!
Ёндир дўланиб, ёндир
Кўшиқ инсонга қондир!...*

Кўшиқлар бор муҳаббат, мурувват ҳақида, кўшиқлар бор дўсту ёронлар ҳақида, кўшиқлар бор меҳру вафони мадҳ этувчи, кўшиқлар бор юракларни аллаловчи. Лекин кўшиқларнинг кўшиғи бор. У имон қадар, ниждон қадар, элтиқда қадар юксакдир. Бу кўшиқ эрк ва озодлик кўшиғи. Бу кўшиқ Ватан, Она Ватан — она гулроқ кўшиғидир. Нега неча асрлар аждодларимиз бу кўшиқни кўмсаб тараннум этганлар. Яратганга беҳисоб шукроналар бўлганини, бугун бизнинг яйраб, дилларимиз яшнаб бу кўшиқларнинг тингламоқдамиз.

*Яна куйла, Андижоннинг мард углони,
Сен бизларга бир куй куйлаким —
Оҳангида адашмасин сузларинг.
Нур тилайман кузларингга
Тикилганда қамашмасин кузларинг!
Овозингга боқий умр тилайман,
Раҳмон билан тирик бўлсин ҳар кунинг.
Дусту душман ўртасида
Сарғаймасин юзларинг!...*

Ватан одамзод учун ато этилган иссиқ бағр, олтиндан қиммат, гавҳардан юксак, ҳар қанча пулдан ортиқ бебаҳо бойлик, бахт-саодат маконидир. Шу боис боғбон умрининг поёнига қадар шу маконни гулла-тиш учун меҳнат қилади. Пахтакор ерга минг бора таъзим айлаб, оппоқ толаларни етиштиради.

Ҳофиз бўлиб сен тонгларингни тунларга улаб соз пардаларига Ватан оҳангларини жойлайсан. Қимирлаган жон борки, шу Ватанда хизмат қилиб, тириклик мазмунини гузал фаолият билан юртни обод қилиш ҳаракатида утказоди.

*Ростин айтсам қушиқ ичра
Сен сардорсан шерларга.
Айтилади бундай сузлар
Мағрур ўзбек эрларга.
Бошингга халқ олқиши
Қунсин дейман бахт бўлиб.
Вужудингда қушиқ бўлсин
Куйлайвергин сен тўлиб.
Эътиқодинг дилга жойлаб,
Хизмат қилиб эл учун.
Енг шимариб санъатинг-ла,
Кўрсата олдинг шер кучин!
Ром этдинг-ку «Ухласин» деб,
Гузал «Боғбон қизини»,
Абдулланинг «Муҳаббат»и*

Очди куплар кузини.
Шералининг санъатига
Акс-садо берди жаҳон.
Бу садо экран-эфирда,
Хуш парвоз этгай ҳамон.
Озод юртда, ҳур Ватанда,
Намоён ҳар бир имкон.
Уммонлардан учиб утган
Утли овозсан.
«Грейхоним» қалбларини
Ром этган созсан!
Ҳеч шубҳасиз сенда эрур
Халқ санъати такрор ва такрор.
Созандасан! Ўзинг шоир,
Ўзинг бастакор!
Асримизнинг авлодига
Дилингдаги «Манзур»ингни чал.
Қушиқларинг «Карвон»ига
Ўзинг «Сарбон» бўлиб қол!



Қ У Ш И Қ

Мен учун санъатнинг муқаддас жанрларидан бири — мусиқа ва қушиқ жанри. Қушиқларда жуда кўп нарсалар ҳақида куйланади: ота-она, ёр-дўст, муҳаббат, Ватан, хиёнат, диёнат, алам ва қувонч ва бошқалар... Аксарият қушиқларда севги ва унинг изтироблари, висол қувончи ва ҳижрон аламлари ҳақида қуйлайди ҳофиз. Халқ учун ижод қиладиган, халқ ҳаётидан илҳомланадиган ва яна улусдан олқиш кутадиган ижрочининг эса ўз халқини алдаш ва қуруқ овунтиришга ҳаққи йўқ.

Қушиқ матнида образ, мажоз, бетакрор ўхшатишлар мавжуд, у мадҳия, қасида (ода)..., яна қушиқ

деганда шунчаки сўз билан айтиш мумкин бўлмайдиган тугёнлар тушунилади. Қўшиқ оҳангидаги раббоний хонишлар тингловчига чексиз-чегарасиз ҳузур бағишлаши, мусиқадаги ҳаёт, улим, муҳаббат сингари бадий тушунчалар инсонни чуқур ўйга толдиради.

Инсон пайдо бўлибдики, қўшиқ унинг ҳамроҳи. Қўшиқ айтиб деҳқон ер ҳайдайди, аскар жангга киради, фазогир қўшиқ билан кўкка учди... Ҳамма замонда ҳам касбий хонандалар бўлган. Улар ўз санъати билан қалбларга ҳузур ва илҳом бағишлаган.

Бугун ўзбек қўшиқчилиги ҳақида гап кетаркан, уларнинг айримларининг савияси хусусида афсус билан сўз юритмай иложим йўқ. Албатта, Мулла Туйчи Ҳофиз Тошмуҳаммад ўғли, М.Узоқов, Ж.Султонов, К.Отаниёзов, Ҳожихон Болтаев ва бошқа буюк ҳофизлар номи мухлислар қалбидан ҳеч қачон ўчмайди. Қўшиқ матнига, мусиқага ва ижрога нозик таъб билан, маъсулият билан ёндашадиган санъаткорлар ҳозир ҳам йўқ эмас. Модомики, гап сўзга заргарона муносабатда бўлиш, қўшиқ учун шеър танлаб олиш салоҳиятига бориб тақалар экан, енгил-елпи, бадий саёз, мазмунан бўш матнларга номуносиб куйлар басталаб, ойнаи жаҳон(телевидение), овознигор (радио) орқали чиқишлар қилаётган қўшиқчилар кўпайиб кетаётганлигини айтмасдан иложим йўқ. Бундай қўшиқларни, айниқса, ёшлар ижодий бисотидан урин олаётганлиги туғрисида ташвиш ва хавотир туйғусини уйғотади.

Қўшиқ инсон қалбини жунбушга келтирадиган сўз қудратига, руҳни самовий юксакликларга олиб чиқадиган мусиқа сеҳрига одамзодни кундалик ташвишларидан фориғ айлаб, олий туйғулар дунёсига етаклайдиган наволар силсиласига эга бўлмоғи лозим.

Қўшиқчи учун фақат овоз ва истеъдоднинг ўзи камлик қилади, унда шоирона таъб, нозик дид, шеър

танлай билиш, сўзни ҳис этиш салоҳияти бўлмоғи лозим. Овоз билан эмас, дард билан, ихлос билан куйламоқ жоиз.

Модомики, ана шундай сифатлар жамланмас экан, хонанда ҳеч қачон етук санъаткор бўла олмайди. Хаёлига келган сўзларни куйга солиб, хиргойи қилиб юрган ҳаваскор юқори даражага кўтарила олмайди.

*Қушиқ учар эди кукда беармон,
Учарди янгротиб осмон, уфқни.
Бадкирдор одамлар бир кун беомон,
Ярадор қилдилар қушиқни.*

А.Орипов.

Ҳа, бугунги қушиқчилигимизга назар солсак, шундай аянч манзарага гувоҳ бўламиз. Баъзибир калтафаҳм, баткирдор ижрочилар қушиқни ярадор қилмоқдалар. Енгил-елпи қушиқлар халқимиз маънавиятида ута салбий асорат қолдирмоқда. Бунга чек қўйиш фурсати аллақачон етиб келган.

*Бедор термуламан қушиққа мен ҳам,
Майли, ҳасратида рангим сарғайсин.
Балки кўра олмасмиз биз уни хуррам,
Болалар бахтига қушиқ соғайсин.
Узинг куйла! Гар куйлай олсанг,
Узгалар куйига бўлма маҳлиё!
Куйлаш учун қалб керак, қалбингдан сўра,
Дарди йўқ кесакдек соқовмисан ё?*

*Ҳаётимиз ўзи рубоб,
Ҳаммамиз ҳам чолғучи.
Ҳар ким ўз куйини чалади.
Кимнинг куйи бир лаҳзалидир,
Кимнинг куйи мангу қолади.*

1995 йил, апрель.

Ватанга муҳаббат

Ривоят қилишларича, Тангри таола қайнар булоқларни, тизма тоғларни ато қилиб маржон каби тизиб қўйган-у, ўзи ҳавас ила бу ўлкага термулган экан. Яратганнинг нурафшон назари ила йўғрилган қуёшдан ёғду эмиб, оҳанграбодек жозиба кашф этган бу ўлка — Баҳор ўлкаси. Суви тиниқ, осмони мусаффо бу ўлка — қуёш ўлкаси Ўзбекистондир!

*Бир ўлка-ки, тупроғида олтин гуллайди,
Бир ўлка-ки, сал кўрмаса қуёш соғинар.
Бир ўлка-ки, ғайратидан асаби чақнар,
Бир ўлка-ки, қишларида шивирлар баҳор.
... унинг исми ҳур Ўзбекистон!*

Ойбек.

Қанчалик севасиз Ўзбекистонни? Афсуски, тангричаликмас, - дея жавоб қилурман. Ҳа, ҳеч қандай бандаси бу қадар улкан севгига қодир эмас. На Абдулла Қодирий, на Усмон Носир ва на Абдулла Ориф, на Алишер Навоий, на Заҳириддин Бобур, ҳаттоки буюк соҳибқирон бобомиз Амир Темури ҳам. Ёлғиз Тангригина қодир буюк севгига. Шу боис Ўзбекистонни ер юзининг жаннати қилиб яратган Эгам. Менчи, мен шу муқаддас тупроқда дунёга келиш шуурига муяссар бўлганман, шунинг учун бахтиёрман. Шу ишонч, шу шарафни оқлаш учун қўлимдан келган ҳар қандай вазифани бжаришга тайёрман. Шу бахтга муносиб бўлиш, шу замин учун қилча бўлсада нафим тегишига интилиш мен учун ҳам қарз, ҳам фарз эмасму ахир?

«Ватанни севмоқ иймондандур», — деб бежиз айтилмаган Ҳадиси Шарифда. Ватан тушунчаси ниҳоятда кенг. Мен учун Ватан тушунчаси космосдан, яъни коинотдан бошланади, коинотда кўраи замин — Ватан!

Курраи заминда — Осиё, Осиёда — Ўрта Осиё,
Ўрта Осиёда - Ўзбекистон, Ўзбекистонда — Тошкент
— гузал, тинчлик ва дўстлик шаҳри Тошкентда яшаб
турган уйимиз Ватан! «Ватан остонадан бошланади»
деган иборани севаман. Халқимиз иморат қурган одам-
ни «ватанлик бўлиб олди» дейишлари бежиз эмас. За-
минимиз муқаддас:

Ерни қаттиқ боссанг, оғрир оёгинг,
Осмонга тупурсанг, тушар юзингга,
Мой устида турганда ҳам пичофинг
Бир дам қараб қўйгин босган изингга.

Кимлар эдик бизлар? Утмишимиз билан ҳам
фахр-лана оламиз. Келажакка ҳам ишонамиз. Орзу
қилардим-ки, Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир ва-
тандошим ўзи туғилиб ўсган қишлоғидек, ватани-
нинг тарихини яхши билса; табиатини, урф-одатла-
рини, санъати ва адабиётини билса. Тангри таолога
беҳисоб шукроналар бўлсинки, театримиз санъат-
корлари билан хизмат юзасидан қирқ йилдан бери
бепоён Ўзбекистонимизни кезиб юриб, ўз кўзим
билан кўрдим. Ҳар бир қишлоғимиз, ҳар бир шаҳри-
миз ўз гузаллигига эга. Ҳар ерни ўзига яраша тари-
хи, сўлим табиати, ажойиб меҳнаткашлари, ҳунар-
мандлари ва бир-биридан сермазмун урф-одатлари
бор. Туб маънода ватаним билан фахрлансам арзийди.
Кўз тегмасин!

Ватандаги бахту саодат нимадир?

Нонму ёки шонму?

Зар-зеварму ва ё мол-дунёму?

Агар шундай бўлса, нечун Бобур Мирзолар қис-
мат мажбурияти билан ўзга юртларга кетганда:

«Ўз юртни қўйиб, Ҳинд сори юзландим,

Ё раб, бу не юзи қаролиғ бўлди», - дея надомат-
лар чекармиди?

Навоий ҳазратлари:

*«Фурбатда ғариб шодмон булмас эмиш,
Эл анга шафиқу меҳрибон булмас эмиш.*

Олтин қафас ичра гар қизил гул битса,

Булбулга тикондек ошиён булмас эмиш», - дерми

эдилар.

Турон заминининг фарзанди Зокиржон Фурқат уз ерига сифмай юрганда:

«Фигонким гардиши даврон, айирди уз диёримдан», — дея нечун афгон чекди.

Мавлоно Хазиний: «Тор булди Хазинийга Фаргона тонг отгунча», — деб фиғону нола қилди.

Агар мол-дунёлар бахт-саодат бўлса, биз тилга олган зотлар бойлигимдан айрилдим дея оҳ чекмасму эрдилар? Бу улуғлар ўз ватанларидан айри тушганларида энг катта бойлик — бу она тупроқ, киндик қони тукилган қадрдон ва муқаддас замин эканлигини юрак-юракдан ҳис этиб, Ватан соғинчи ила тубсиз армон ва қумсаш азоблари ила оламдан утдилар.

Ватан одамзод учун ато этилган иссиқ бағир. Олтиндан қиммат, гавҳардан юксак бсбаҳо бойлик ва бахт-саодат маконидир.

Бир қушиқда: «Шу ватанга бордир менинг керагим», — дея куйлашганини тинглаганман. Шу ватаннинг бир санъткори бўлганимдан фахрланаман. Халқимга хизматимни бахтим-саодатим деб биламан. Биламан, санъаткор ўз ижодига ўта маъсулият билан ёндашмаса, унинг камолот пиллапояларидан юқори кўтарилиши амри маҳол. Актёрнинг сўзи унинг кўзи ва ўзи! Балиқ сув билан, артист сўзи билан тирик. Сўзи улган куни артистнинг ҳам номи учган, ижоди тугаган бўлади.

Сўзинг қадрлими? Ҳаётда ўрнинг борми замондош? Элнинг юзига тик боқа оласанми? Бу йулда каму кўст бўлса (кимда йўқ?), ўксинма азизим.



*Минг шукур! Герблик бўлдик! Қомуслик бўлдик!
Сувлик бўлдик, бўлди еримиз.
Олтин бўлиб уна бошлади,
Туқ тупроқда манглай теримиз!
Кетмон-омочларни унутдик,
Суръатларда тезлик, ўзгариш.
Техниканинг жиловин тутдик,
Унган сари унаверди иш
Гоҳ қийналиб, гоҳо қувониб,
Дунё ичра яратдик дунё.
Бугун Шарққа чуғ байроқ бўлди,
Озод, кўркем Ўрта Осиё.
Эртакларда орзулаб юрган,
Дунё билан келгач юзма-юз.
Қуёшланди Ўрта Осиё,
Ўзбек, туркман, тожик ҳам қирғиз!*

1994, декабрь.



Ҳақиқат учун курашмоқни гашт, ҳалол сўзни — имон билганлар орасидаман. Бошимни мағрур тутаман! Ахир санъаткор сўзига имон қўнмоқда — инонаман!

Атиргул ва булбул

Ғарб символизми шеърятининг етаплари вакиллари билан бири инглиз адиби Оскар Уайльднинг «Атиргул ва булбул» номли ҳикояси бор. Унда гўзаллиги ва муаттар ифори билан ҳаммани ҳайратга соладиган атиргул даҳшатли таързда вужудга келиши тасвирланади:

«Талаба йигитнинг севимли ёри қаҳратон қишда атиргул топиб келишни буюради. Муҳаббат алангасида қоврилган йигит чорасиз қолгач, охири булбулга ёлворади. Булбул севгилиси гулга ёлворади. Гул оғир шарт қўяди. Натижада қаҳратон совуқда булбул тонггача куйлаб, тиканлар санчилган бағрининг қони билан гулни иситиб, очилтириб, унга ранг бериб, узи ҳалок бўлади. Йигит қишдаги баҳор атиргулини севимли ёрига олиб бориб, ҳадя этади. Нозли ёр эса, бировнинг ҳаётини қурбон қилиб етиштирган гулни юлқаб, оёқ остига улоқтиради».

Бу ерда шоир теран маъноларни кўзда тутган, албатта. Зотан, шеърият баъзилар ўйлаганидек сўзлардан эмас, балки турфа оҳанглар ва ранглардан, дўстлик ва садоқатдан, муҳаббат ва нафратдан, умид ва ишончдан, ҳаёт деб аталмиш чексизликдан яралади.

*Не қилай ёвузга уқийман лаънат,
Ё шодон қўшиқлар айтайми фақат.
Бировда меҳр кўп, бировда нафрат,
Боқиб бу савдога ҳайрон ўтдик биз.
Ҳар қалай бахтлимиз, тирикмиз магар,
Қолган гаплар эса, утарда кетар.
Бамисли карнайга ишқи тушган кар,
Боқиб бу савдога ҳайрон қолдик биз.*

А.Орипов.

❖ ❖ ❖ ❖ ❖

Қалбимни тебратган сатрлар

Онанинг сўзи

*Сути менга бўлсин, қаймоғи сенга,
Меваси сенга-ю, яроғи менга.
Янги сенга бўлсин, қуроғи менга,*

*Эркатоим, болажонгинам!
Асли сенга-ю, менга ёмони,
Сенга дони бўлсин, менга сомони.
Олақол, ол бердим, ерни, самони,
Қўзичоғим, болажонгинам!
Икки юзи лолажонгинам!*



Сергей Павлович Королёвнинг китобидан ўқиганим: «Агар сен тез иш қилсангу, яхши қилмасанг, кишилар сени тезкор эди деб хотирламайдилар, балки ёмон иш қиларди деб хотирлайдилар. Агар сен ишингни узоқ, лекин яхши қилсанг, кишилар сени узоқ меҳнат қилганингни эсларидан чиқариб юборадилар, аммо узоқ меҳнатнинг яхши самарасини хотирлайдилар».



Қайчидан сўрабдилар:

- Нега сен қилган ишни пичоқ бажара олмайди?
- Пичоқ ёлғиз, биз жуфтмиз!, - дебди қайчи.



- Мен сендан ун чандон чиройлиман, — дебди Арча.
- Янги йилгача жойингда қолиш-қолмаслигнинг гумон-у, мақтанишингни қарая, — дебди Қарағай.



*Эй ёғоч, болтага бўлганда даста,
Бир тирик дарахтни қилмагил хаста.
Ҳаёт йўлларимда учраса тикан,
Юролмай қоламан дер типратикон.*



*Ер тепма от, сенга жоним қоқаман,
Мен сени кутариб юрган тақаман.*



*Чиқа бошлаганда эчкининг шохи,
Шохлашиб уз бошин ёради гоҳи.*



*Икки бахтсизлик бор:
Виждонсизлик ва бетоблик,
Шулардан хушёр бул биродар.*



Қачонлардир орттирилган шуҳрат билан яшаш — бу тулиқ маънодаги ижодий ҳаёт эмас. Айниқса, актёр учун. Бу фақат кун кўриш демакдир. Кечаги шуҳрат билан бугун олқиш таъма этиш санъаткор учун эътиборсизликка йўлиқиш. Одил ҳакам — катта санъат саҳнаси бундай санъаткорларни шафқатсизларча ўз оқимларидан четга суриб ташлайди. Баъзан ноурин берилган оддийгина савол ҳам кўнгил шишасига дарз солиши мумкин. Мен ҳаётда эътиқод билан яшаш тарафдориман.

Эътиқодим — санъат!



Узоқ умр кўриш учун, биринчи навбатда, асабни сақлаш, мириқиб ухлаш, ич юриши ва терлаб туриш керак.

Абул Фаррож.



Беш нарса умрни узайишига сабаб булади:

1. Ёқимли овоз;
2. Гузал манзараларни томоша қилиш;
3. Майшатда фаровонлик;
4. Ширин сўзли хотин;
5. Мурад ҳосил булиши

Узоқ яшайман десангиз нодон ва табиатингиз ёқтирмайдиган киши билан бир дақиқа бўлсада суҳбат қилманг.

Мухтор Авезов.



*Уч юз Кўҳи Қофни келида туймоқ,
Дил қонидан бермоқ фалакка буёқ.
Ёйинки бир аср зиндонда ётмоқ,
Нодон суҳбатидин кура яхшироқ.*

Паҳлавон Маҳмуд.



Уғлим! Сахий бўл, озга қаноат қил. Очкўзлик машаққатнинг калитидир. Эҳтиёж ихтиронинг онасидир. Оғир ишларга киришмаган одам орзусига етолмайди. Кимки ёшлигидан астойдил меҳнат қилса, улгайгач тақдирланади. Аввал фикрлаб, сўнгра иш бошла. Аввал азиз бўлиб, кейин ҳор бўлган одамга ~~р~~ этинг. Кичикларга раҳм қилинг, кексаларга ҳурмат. Оз беришдан уялма, чунки ҳеч бермаслик ундан ҳам оздур. Сенинг яхшилигингни истамаган одамдан яхшилик кутма. Инсоннинг таҳқирланиши таъмадан. Ўринсиз мулойимлик — аҳмоқлик. Оқибати билан ҳисоблашмаганга замона дўст бўлмайди. Киб

рга таъриф бўлмайди. Одобсизга ҳурмат. Қутурганликнинг охири пушаймонликдир. Ҳаё инсоннинг пардасидир. Вафоли одам самимий дўст бўлади. Жаҳлдор бўлмаган одам ҳозир-жавоб бўлади.

Бу дунёда яшашдан мақсад — яхши яшаш (мазмунли ва бахтли яшаш). Оламдан мақсад — одам, одамдан мақсад — тафаккур, тафаккурдан мақсад — кўрку камол сари интилиш, кўрку камолдан мақсад — олий инсонийлик унвонига муносиб ва муяссар бўлиш, шу шарафни оқлаш, ардоқлаш... Инсон ҳамиша шунга интилади. Бу азалий қонуният.



Билмадим оғу тула биринчи пиёлани иблис одам-зодга қачон узатган? Эҳтимол юз минг йил олдин, балки миллион йил муқаддам... Ўша биринчи пиёладан бери ўтган давр ичида иблис инсонни бетиним аврайди, уни ўзлигидан маҳрум этмоқчи бўлади. Лекин инсон ҳам қараб турмайди, тиришиб-тирмашиб ўзини, ўз инсонлигини ҳимоя қилади. Хуллас, муттасил олишув, муттасил жанг. Гуноҳкор инсон:

*«Бу дунёда бегуноҳ ким бор,
Қандай яшай олди бўлмай гуноҳкор.
Ёмонлик қайтарсанг ёмонлигимга,
Фарқимиз не бўлди, айт парвардигор!»*

Умар Хайём.

*Эрурсан шоҳ, агар огоҳ сен-сен,
Агар огоҳ сен-сен, шоҳ сен-сен!*

А.Навоий.

Бир донишманддан «Дунёда энг яхши кайф нима?» — деб сўраганларида, «Ҳушёрлик», — деб жавоб берган экан. Унга ҳам узоқ бўлмаган «умр», деб аталувчи муддатни ҳушёрлик билан утказишга не етсун!»

1985, июл. Тошкент.

◆ ◆ ◆ ◆ ◆

*Ароқ: Кел десанг қошингга етарман,
Ва бир кун бошингга етарман.
Қадаҳ: Эмиш ози ширин ҳатто шакарнинг
Нечун ичмоқчисан бу заҳарни?
Шампан: Этарман яйратиб юзинг лолагул,
Сунг афтингни қора, багринг эса хун.
Машина: Ичибсан, хап утир, ёпишма рулга,
Шикаст тонгай ким кайфда чиқса йулга.*

*Жуда табаррук эрди бу коса,
Балки Бобур ундан бол ялагандир?
Балки Хайём ундан май симиргандир?
Сув ичаётиб синдирдинг-а, ландавур!*
Анвар Обиджон.

◆ ◆ ◆ ◆ ◆

*Бобонгга ухшамагин дедилар: тажангроқ эди бобоси,
Дадангга ухшамагин дедилар: чурткесар эди дадаси,
Акангга ухшамагин дедилар: қизиққон эди акаси,
Онасига тортди уша йигит.*
Самарқанд, Регистон меҳмонхонаси, 1986.

◆ ◆ ◆ ◆ ◆

*Дуст изласанг дуст топарсан,
Лекин душман излама.
Душманинг ҳам ўзинг билан
Булсанг иккиюзлама.
Ётиб есанг нотавон,
Меҳнат қилган оч ўлмас.
Пулатни ҳам занг босар,
Ишлатмасанг очилмас.*



*Гуноҳ нима? Гуноҳлардан энг катта гуноҳ,
Дустларингни майдалаб сотиш.*

*Гуноҳлардан энг катта гуноҳ
Устозингга ортдан тош отиш.*

*Гуноҳлардан энг катта гуноҳ
Узгаларга ҳасадла ёниш.*

Ишқдан совиш, фарзанддан тониш

Гумроҳлик, эй, воҳ!...

Гуноҳлардан энг катта гуноҳ!



Ибодат нима?

Жавоб берувчи Мирзо Кенжабек:

*Ибодат не? Яратганга итоат ҳам ибодатдир.
Ҳақиқий бандалик бирлан садоқат ҳам ибодатдир.*

*Онанг бирлан отанг қалби утар Каъба тавофидин
Алар кунглини шод этсанг, бу хизмат ҳам ибодатдир.*

*Умрни этмайин исроф, узинг руза вужудинг соф,
Агар пок ҳолда ухларсан, шу роҳат ҳам ибодатдир.*

*Бутун борлиқ набобат ҳам яратганга этар тасбеҳ,
Бободехқон экиб юрса, зироат ҳам ибодатдир.*

*Ибодатдир бирор золим, жафокорга десанг ҳақ сўз,
Ва нодонга сукут қилсанг сукунат ҳам ибодатдир.*

*Агар жуфти ҳалол бирлан кунгулхушлик қилар булсанг,
Фалак шоҳид, малак ҳозир, бу суҳбат ҳам ибодатдир.
Тамал имони ихлосдир, бу қуллик бандага хосдир,
Худо деб қилганинг ҳар иш ва ният ҳам ибодатдир.*

*Севиб Мирзо фақат дўстлик билан дилларни обод эт,
Агар Оллоҳ учун севсанг, муҳаббат ҳам ибодатдир.*



Уғлимга...

*Мабодо шоҳ бўлсанг, тахтинг беҳуда,
Агар оилада тинчлик бўлмаса.
Алп бўлса қудратинг шаҳдинг беҳуда,
Агар оилада тинчлик бўлмаса.*

*Гул уйинг гуё бетартиб туради,
Бир гапдан юз гафго ортиб туради.
Оёгинг кучага тортиб туради
Агар оилада тинчлик бўлмаса.*

*Умринг узоқ булиб кирсанг ҳам юзга,
Турмушинг мутлақо тушмагай изга.
Ҳатто жонинг ҳам куринмас кўзга
Агар оилада тинчлик бўлмаса.*

*Уъвонинг, амалинг бўлмаса майли,
Беҳад зар-гавҳаринг бўлмаса майли.
Қадамда маҳталинг бўлмаса майли,
Уғлим оилангда ҳаловат бўлсин!
Юз йиллик ҳаётинг мазмунли бўлсин!*

П. Носиров. 1999. 19. 10. Тошкент.

МУНДАРИЖА

Муқаддима	3
Кириш.....	5
1-маъруза. «Нутқ маданияти асослари» курсининг мақсад ва вазифаси.....	9
2-маъруза. Нутқ маданияти ва адабий меъёр.....	26
3-маъруза. Ҳўқитувчи нутқи маданияти, нутқ маданияти ва услубияти.....	33
4-маъруза. Нутқ маданиятининг асосий хусусиятлари.....	37
5-маъруза. Ҳўқитувчи нутқига қўйиладиган талаблар.....	52
6-маъруза. Нутқ маданияти ва нотиклик санъати.....	59
7-маъруза. Тилнинг тасвирий воситалари ва нутқ маданияти.....	68
8-маъруза. Нутқ маданияти ва нотиклик санъати.....	80
9-маъруза. Нутқ маданиятини эгаллашнинг усул ва йўллари.....	88
Тасаввуф ҳақида.....	99
Фойдаланилган адабиётлар	107
Хрестоматия.....	108

Пулат Носиров

ЎЗБЕК НУТҚ МАДАНИЯТИ
(Ўқув қўлланма)

Тошкент — 2004

Нашр учун масъул Н. А. Халилов

Таҳририят мудири С. Каримов

Муҳаррир Қ. Авесбоев

Мусаҳҳиҳ Қ. Авесбоев

Компьютерда саҳифаловчи Ф. Шерова

“УАЖБНТ” Маркази, Тошкент, Пахтакор кучаси, 3.

Босишга рухсат этилди 10.02.05. Бичими 84x108^{1/32}. Таймс
гарнитураси. Босма табоғи 12,0. Шартли босма табоғи 12,25
219 рақамли шартнома. Нусхаси 1000 Нархи шартнома асосида
ХФ “NISIM” босмаҳонаси. Ш.Рашидов кучаси 71

